



Интеллектуал үйин  
инсон ақл - заковати  
билин пайдо булажак  
хужжатли спектакы!

Интеллектуал  
үйиндаги ұар бир  
саволга жавоб топиш

воқеаси жуда тез ривожланадиган мини  
пьеса. Пьесада бұлғани каби интеллектуал  
үйиннинг ҳам асосий мақсади бұлади.

Интеллектуал үйиннинг мақсади нима  
бұлиши мүмкін?

Мақсад — томошабинларни жозибали  
үйин орқали билим байроби остига  
тұплаш!



ISBN 978-9943-370-68-5

9 789943 370685

Абдурасул Абдуллаев

# ДАҚИҚА ҚАДРИ




интеллектуал о'йинлари

SAVOL VA JAVOB  
1001



А. АБДУЛЛАЕВ

ДАКИҚА  
ЖАДРИ  
2



ТОШКЕНТ  
«DAVR PRESS»  
2010

Телебошловчи Абдурасул Абдуллаевнинг навбатдаги «Дақиқа қадри 2» китоби ҳам аввал нашр этилган китоблари каби 1001 савол ва унинг 1001 жавобидан иборат. Шунингдек, китобда муаллифнинг «Заковат» интеллектуал ўйини нима учун оммалашгани, яна қандай қисса у жозибали ўйинга айланниши мумкинлиги ҳақидаги қизиқарли фикрлари келтирилган.

Китоб барча таълим муассасаларида «Заковат» ўйинларии ташкил этишда, ёшлиаримизнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Юртдошларимизнинг қизиқарли мактублари, ижод намуналаридан, савол ва жавоблардан иборат ушбу китоб барчангизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Китоб кенг оммага мўлжалланган.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонунларга асосан ҳимояланган.  
Китобдан кўчириб босиш нашриётнинг ёзма рухсати билан  
амалга оширилиши лозим.

ISBN 978-9943-370-68-5

© «DAVR PRESS» нашриёти, 2010

## (ЎЗ БОШИ

Интеллектуал ўйин! Хўш, интеллектуал ўйин ўзи нчма?

Азиз китобхон, сўз боши ўрнидаги мурожаатимда ушбу саволга холисанилло жавоб беришга ҳаракат қиласман. Бу саволга бир жумла билан ҳам жавоб айтиш мумкин. Интеллектуал ўйин — инсон ақд-заковати билан пайдо бўлажак ҳужжатли спектакль! Бир соатли спектакль ичида 11 та воқеа содир бўлганини ҳеч кўрганмисиз? Интеллектуал ўйиндаги ҳар бир саволга жавоб топиш воқеаси жуда тез ривожланадиган мини пъеса. Қизиги, бу спектакль персонажлари доимо б қишидан иборат бўлади. Ҳар бир пъесада ҳар гал қаҳрамон ўзгариб туради. Яъни саволни топишда жонбозлик кўрсатган иштирокчи, шу савол ечимида асосий ролни ўйнайди. Қолганлар иккинчи даражали персонажлар, айрим ҳолларда кимдир умумий саҳна иштирокчиси бўлиб қолиши мумкин. Пъесада бўлгани каби интеллектуал ўйиннинг ҳам асосий мақсади бўлади. Хўш, интеллектуал ўйиннинг мақсади нима бўлиши мумкин? Мақсад — томошабинларни жозибали ўйин орқали билим байробги остига тўплаш! Ҳа-ҳа, жозибали ўйин орқали. Хўш, жозибали ўйин қандай бўлади-ю, жозибасиз ўйин қандай?

Мактабда ўқиб юрган чоғларимда кимё ва география фанларини ёқтирадар эдим. Фақат мен эмас, бошқалар ҳам ёқтирадарди. Негаки, ўша фанлардан дарс берувчи устозлар маҳорат билан сабоқ беришарди. Мавзуларни

қызик өсіншілдік мүсебақалардың көмекшілерінде орналасқан талқын қилиш билан үқувчиларни үзделикке «мағлиәт» қылыштың құйиши болады. Уларнинг яна бир дарс услуги бүларды. Үқитувчилар дарсні мусобақа тарзда үтказишар зди. Үйинде голибликка интилиш өсіншілдік мүсебақалардың көмекшілерінде орналасқан талқын қилиш билан үқувчиларни үзделикке «мағлиәт» қылыштың құйиши болады. Уларнинг яна бир дарс услуги бүларды. Үқитувчилар дарсні мусобақа тарзда үтказишар зди. Үйинде голибликка интилиш өсіншілдік мүсебақалардың көмекшілерінде орналасқан талқын қилиш билан үқувчиларни үзделикке «мағлиәт» қылыштың құйиши болады.

Энди масалага бошқа томондан, үйин нұқтаи назаридан ёндашиб күрамиз. Ёшлари 70 дан үтган қариялар 5-6 ёшлик чөглари үйнаган үйинларини жуда яхши эслашады. Ҳатто қаерда үйнаганларигача хотирлашады. Хүш, нега шундай, үйлаб күрганмисиз? Америкалик руҳшунос Эрик Берн ёзған: «Инсон болалығыда үйин үйнамай үсса, үйин инстинкті ривожланмаса, бу етишмовчилік онг үсишига түсқинлік қылады. Чунки үйинга болалар үзларини тез сафарбар қила оладилар. Шу үйинни енгіш ёки енгімаслик ҳиссі мурғак инсонни шунчалик үзігінен ажыратады, бу үйиннің үйнамасын заттады. Агар инсон ҳар бир қылаёттан ишига үзини шу қадар үйнап көрсетсе олса зди, бу ҳаётда жуда катта ютуқтарға зришкан бүларды». Худи шу инстинкт интеллектуал үйинларда асосий ролни үйнайды. Фақат бунинг учун иштирокчи маълум муддат үша инстинктни «қитиқлаши» ва «үйготиши» зарур. Бунинг учун у маълум муддат болалик таассуратларини ёдға олиши керак. Шунда у ҳеч нарсага ғана ғана үйнайды, әзілі 100

фоиз үйинда бұлади. Болалик чогидагиңдең үйинга бериліш бир умр инсонни үз иземіда олиб юради. «Заковат» интеллектуал үйини тарихидан биламанки, негадир күп үқиған, жуда күп билимта зға бұлган ҳамма билимдөнлар ҳам кучли үйнаб кета олмайды. Бунинг сабаби тағига етапсиз, деб үйлайман. Үйинга болаларча берилмаслик ёки берила олмаслик уларни шу күйга солади. Клуб тарихида ҳам шундай йигитлар бұлған. Масалан, Нозим Раимқұлов деган йигит — зәңг күп үқиған билимдөнлардан. Үйин пайти үзини ноқулай тутар эди, билған нарсаларини ҳам айтишдан ҳайиқиши ҳолатларидан чиқиб кетиши учун унга уч йил керак бұлды. Инстинкт ишга тушиши учун шунча вақт зарур бұлды. У эң-и-энди үзинге келмоқда. Нозимда үйин үйнаш ҳисси пайдо бўлмоқда. Умуман, үйин ҳисси ҳар соҳа кишисига керак. Балки ошириб юборгандирман. Ҳаётдаги ҳамма ҳодисаларни ҳал қилишда уша болалиқда шаклланған инстинкт масалаларни ҳал қилишда етакчи роль үйнайды демоқчиман, холос. Буни етакчи руҳшунослар ҳам қайд этишган. Ўзбеклар бежиз болаликни подшоликка қиёс қилишмайды. Болаларга онгни ривожлантирадиган үйинлар таклиф қилиш билан уларнинг келажагига замин қозирлаймиз. Юқоридаги фикрни шундай якунласак: үйин инсонларнинг бир-бири билан муносабатта киришишларида восита бўлиб қолиши керак!

Азиз китобхон, ҳұрматли «Заковат» интеллектуал үйини мұхлислари! Құлингизга етиб боргани китобларымнинг учинчисидир. Биринчи китоб «Заковат тақдим этади» деб номланған эди. Үнда клуб фаолиятининг илк даврлари ҳақида ёритилған. Саволлар ҳам жүн ва жуда содда тузилған бўлиб, мақсад мұхлисларни жалб қилиш бұлған. Үйлаганимдек, саволлар мұхлисларни қызықтириб қўйди. Бу нарса иккинчи китобни — «Дақиқа қадри»ни чол этишга

ундади. Иккинчи китобимиздаги саволларни бир мунча вазминроқ туздик. Бу китобга бўлган қизиқиши биринчисидан-да ортиб кетди. Муаллиф сифатида бир нарсадан хурсандманки, юқоридаги китобларни ҳозир ҳам мактаб, коллеж, лицей кутубхоналарида кўриш мумкин. Айнан ёшларнинг, «Заковат» ўйинлари мухлисларининг талаби учинчي китобни тузиб, чоп этиришга ундади. Бу китобдаги саволлар илгаригиларидан кўра бир мунча мураккаб. Ниятимиз — мухлисларни ҳам билимдонлик сари «Заковат» иштирокчилари ортидан босқичма-босқич етаклаб кетиши.

Бу галги китобга кейинги йилларда экран орқали ўйналган энг сара саволлар жамланди. Бундан ташқари, томошабинлар томонидан юборилган, аммо маълум сабабларга кўра ўйналмаган қизиқарли саволлар ҳам шу китобдан жой олди. Фурсатдан фойдаланиб, савол юборган мухлисларга миннатдорчилик билдирамаи. Ҳар ҳафта ўйинга савол юборган-у, ҳали бирон марта саволи ўйналмаган мухлислардан эса узр сўрайман. Шу ўринда уларга айрим маслаҳатларни беришни жоиз деб билдим. Аввало, саволингиздаги маълумот қизиқ бўлсин. Айрим мухлислар 3-4 бетлик ривоятларни ёзиб юборишади. Агар қисқартиришнинг иложи бўлмаса, бундай саволлардан воз кечамиз. Яна баъзилар айрим қишлоқ шевасидаги номаълум атамаларни ёзиб юборишади. Масалан, бир қишлоқда қошиқни «узунчоқ» деб аташлари ҳақида савол тузиб бизга жўнаташиди. Жавобни топиш учун эса билимдон ўша қишлоқдан бўлиши керак, бўлмаса жавоб топиши амримаҳол. Ҳат муаллифлари билимдон бу саволга жавоб топиши шарт деб ўйлашса керак. Билимдон китобларда, интернетда берилган маълумотларни билиши мумкин. Қошиқни «узунчоқ» деб аталиши ҳақида эса ҳеч қаерда ёзилмаган бўлса, бу савол кулгу уйготиши турган гап.

Экран орқали жуда кўп саволларни ўйнамаслигимизга асосий сабаб, осон ва жўн саволларнинг кўплигиdir. Ҳамма биладиган адабиётлардан савол тузиш ярамайди. Рўзномалар ҳам ўз саҳифаларида викториналар ташкил этиб саволлар беришмоқда. Энг қизиги, улар иккита китобимииздан фойдаланиб, ўша китобларда чоп этилган саволлардан фойдаланишмоқда. Тақдир чархпалагини қарангки, ўзимизнинг саволлар яна муҳлислар томонидан ўзимизга қайтиб келади. Худди бумерангта ўхшаб. Бумерангни отиб, қайтадан илиб олиш мумкиндири, лекин саволни... Балки газеталарда саволни қаердан олингани кўрсатилса бу каби чалкашликлар бўлмасмиди? Яна кўп саволларда, мантиқийлик етишмайди. Ахир «Заковат» ўйинида барча саволлар мантиққа асосланиши керак-ку. Баъзи саволларни ўзимиз мантиқ мезонига солишга ҳаракат қиласиз. Масалан, қорақалпоқлар сўргични нима деб аташади, деган савол бўлса, уни ўзгартиришимиз мумкин. Масалан, сўргични сандиқчага солиб, қорақалпоқлар болалар учун зарур бир предметни фалон деб аташади, сандиқчада нима бор, деб ўзгартириш мумкин. Лекин бу ҳолатда ҳам мантиқ бузилади. Яна айрим саволларни умуман мантиққа солиб бўлмайди. Хуллас, бизга савол жўнатишдан оддин ўзингизга: «Мантиқ ўзи нима?» деб савол бериб кўринг. Экран орқали ўйналадиган саволлар яна бир талабга жавоб бериши керак. Маиший бузуқликни, ваҳшийликни, бошқа миллатларни ҳақоратлайдиган, ёмон иллатта даъват этадиган саволлар бўлмаслиги керак. Демак, юқоридаги талабларга жавоб берган саволларни ўйинга қўямиз. «Нима? Қачон? Қаерда?» кўрсатуви низомида ҳам худди шу сўзлар ёзиб қўйилган: «Савол қизиқарли, мантиқий ва томошабинга ижобий таъсир утказадиган бўлиши керак». «Заковат» интеллектуал ўйини ҳам шу омилларни ўзига шиор қилган ҳолда

фаолият юритади. Албатта, юзлаб савол юборган муаллифларимиз борки, «Заковат» уйини улар билан фахрланади.

«Заковат» том маънода ҳалқ уйинига айланиб улгурди. Утган 10 йил давомида ӯзининг одиллиги ва бой мазмунга эгалиги билан томошабинлар қалбини забт этди. Бу нарса минглаб мактубларда такрорлангани учун буни баралла айта оламан. Бизга бўлган ишончингиз сўнмасин, ўз навбатида клуб ҳам сизнинг ишончингизни оқлашучун тинимсиз изланади, меҳнат қиласиди. Ўз навбатида учинчи китобни сизга ҳадя қила туриб, ҳар учала китобда келтирилган бир фикрни қайта баён қилмоқчимиз: «Сиз бизга ишониб саволлар жўнатинг. Биз эса уларни китоб ҳолатида яна ӯзингизга қайтарамиз. Сизнинг ижод маҳсулингиз иyllар давомида манба бўлиб хизмат қиласиди».

Учинчи китобимиз фақат савол-жавоб тарзида тузилган. Бу сизга айтадиган гапларимиз камлигидан эмас, балки савол-жавобга талаб кўплигидан. Балки келгусида сизга айтмоқчи бўлган дил баёnlаримиз алоҳида китоб шаклида хонадонингизга кириб борар, иншаоллоҳ. Камчиликларимиз учун олдиндан узр сўраймиз.

*Хурмат ва эҳтиром  
билин муаллиф*

## (АДОЛАДАР)

**1. Бекобод шаҳри, Миришкор кӯчаси, 44-йданд Тулқин Адашбоев.**

Илгари словян златига мансуб ҳалқлар келинлари сепида бир эмас, иккита самовар бўлар экан. Бири чой қайнатиш учун ошхона жиҳози бўлган. Иккинчи самовар ётоқхонага қўйилган.

*Савол: иккинчи самоварнинг вазифаси нимадан иборат?*

**2. Андикон шаҳри, Нозимахоним кӯчасидан Каримжон Болтаев.**

1888 йили Жон исмли инглиз ўглининг велосипедига сув сепадиган шлангдан камера ясаб берган. Унгача велосипедлар темир гилдирақда юрган.

*Савол: Жон исмли инглиз ким эди?*

**3. Бухоро вилояти, Когон шаҳри, Деҳқонобод кӯчаси, 13-йдан Тошпӯлат Ашупров.**

Пластик жарроҳларнинг фикрича, инсондаги айнан у аъзонинг саломат бўлмаслиги ташки гўзалликка путур етказади. Юрак, буйрак, жигар, ошқозон каби ички аъзолар саломат бўлганда киши кўтаринки кайфиятда юради. Лекин айнан у аъзонинг ташки гўзалликка таъсири жуда катта.

*Савол: у қайси аъзо?*

**4. Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кӯчаси, 51-йдан Бекпошша Рассоқова.**

Телевидение ходимлари, фотографлар ва жарроҳлар орасида бир үхшашлик бор. Ҳаммалари бир нарсани ёқтиришмайди, бир хил нарсани ёмон куришади. Чунки бу нарса уларнинг ишлари сифатига путур етказиши мумкин.

*Савол: сураткашлар, жарроҳлар, телевидение ходимлари нимани ёқтиришмайди?*

**5. Фаргона вилояти, «Чимён» сицаттоғы баш шифокор үринбосари, Үлугбек Ҳайдаров.**

Халқымизда бир мақол бор: «Онасини кўриб, қизини ол». Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» китобида келтирилишича, ўша даврда яшаган йигитлар кўпроқ келин бўлмишнинг наслига мансуб бошқа инсон хулқ-автори билан қизиқишган. Генетик жиҳатдан улар ҳақ ҳам бўлишган.

*Савол: минг йил аввал уйланадиган йигитлар кимни ва нима учун кўриб уйланишган?*

**6. Фаргона вилояти, Богдод тумани, Богишамол қишлоғидан Муллахон Жўраев.**

Театр санъати пайдо бўлгандан бери уни улугвор санаб, саҳнани томошибинлар ўтирадиган ердан юқорироққа қуришган.

*Савол: яна қайси амалий сабаб неча асрлардан бери саҳнани баландроқ қуришга унダメмоқда?*

**7. Навоий вилояти, Конимех тумани, Бердақ кўчаси, 95-йдан Менглибой Муродов.**

АЗалдан Шарқда сувнинг қадри баланд тутилади. Шунинг учун қудуқлар оғзига қопқоқлар ёпилиб, сув жуда эҳтиёт қилинган, лекин тадбиркор кишилар қопқоқнинг бир жойидан тешик очиб қўйишган ва муҳим бир жараённи кузатишган.

*Савол: қудуқлар қопқогидағи тешик қандай вазифа бажарган?*

**8. Наманган вилояти, Тўракўргон тумани, Оқтош шаҳри, Навоий кўчасидан Асила Жўраева.**

Шекспир: «Ҳаёт саҳна, инсонлар ундаги актёрлар», деган. Сўз қулоққа киради, демак қулоқ — драматург, бурундан нафас оламнз, демак ҳаётни талқин этувчи

— режиссёр. Энг серҳаракат аъзо — тил, тил актёрга қиёсланади. Драматург, режиссёр, актёр учлиги театрни ташкил қиласди. Аммо театрда яна кўп воситалар бор. Масалан, саҳна ва саҳна пардаси.

*Савол: саҳна ва саҳна пардасини нимага қиёслаш уринли?*

**9. Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 4-оромгоҳ даҳаси, 246-йдсан Комилжон Паттаев.**

Хитой Ҳалқ Республикасида ёш жангчиларни тайёрлаш курсида турли ҳарбий машгулотлар билан бирга мусиқадан дарс ҳам ўтилади. Флейта, яъни сурнай орқали куйлар ўргатилади. Мусиқа орқали турли хил буйруқлар берилади.

*Савол: нега Хитой армиясида жангчиларга буйруқлар флейта орқали берилади?*

**10. Фарғона вилояти, Қува шаҳри, Қорабоев кўчаси, 136-йдсан Маъмур Азимова.**

Буюк эртакчи Ханс Христиайн Андерссенлар оиласи хонадонига кираверишда ёғочдан ясалган қўш бургутнинг сурати осиглиқ турар экан.

*Савол: бу хонадон тепасидағи қўш бургут нимани англатади?*

**11. Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани, Ҳумдон қишлоғидан Бокижон Мелибоеv.**

Тасаввур қилинг, Бразилияда қаҳва плантацияси згасисиз. Плантациянинг ўртасига шийпон қургансиз. Шийпон ердан анча баланд. Баландлиги қўриқлаш учун қулай, бундан ташқари яна бир фойдали жиҳати бор. Яна шийпон тагида чўчқа болалари сақланган.

*Савол: нима мақсадда?*

**12. Самарқанд вилояти, Каттақўргон тумани, «Гайрат» маҳалласидан Тешаев Нуриддин ва Тешаев Ҳасан.**

XIX аср охирида АҚШнинг Алабама штати пахта плантацияларида Мексика узунтумшук қўнгизи пайдо булади. Фермерлар бу қўнгизларга қарши шундай бир усулини қўллайдилар. Натижада ҳосилдорлик икки баробарга ортади. Айнан шу қўнгиз туфайли ҳосилдорлик кескин ошгани учун Алабама штатида шу қўнгизга ҳайкал ўрнатилган.

*Савол: нима учун бу қўнгизга ҳайкал ўрнатилган?*

**13. Хоразм вилояти, Урганч туманидан Тўпахон Ёкубова, ўқитувчи.**

«Заковат» сандиқчасидаги бу неъмат уч хил кўринишда истеъмол қилинади. Албатта, у учала кўринишдан бирига келиши учун унга шароит, вақт ва малакали мутахассис меҳнати зарур. Шунда ундан учала ҳолатда ҳам ҳузур топиш мумкин. Биринчи ҳолати уни энг оммавийлашган тури бўлса, иккинчи ҳолатини ҳамма ҳам маъқул кўравермайди. Сандиқчада эса унинг учинчи ҳолати бор.

*Савол: сандиқча ичида нима бор?*

**14. Урганч шаҳри, Ўзбекистон овози кўчаси, 51-ййдан Бекпошша Рассоқова.**

Тарихдан маълумки, сарой аҳларининг ута ҳашаматли ҳаёти кўпгина Европа давлатларининг инқирозига сабаб бўлган. Масалан, Рим империяси бунга ёрқин мисол бўла олади. XVIII асрда худди шундай ҳолат Франция давлатида ҳам кузатилган. Сарой аҳларининг ортиқча ҳашаматли ҳаёти мамлакат молиявий аҳволини ҳам ночор ҳолга келтирган. Ўша даврда Молия вазири бўлиб ишлаган бир шахс тежамкорлик гоясини илгари суради. Ҳатто сарой аёнлари суратларини чизищда ҳам тежамкор бўлишни таклиф этади. Шу тариқа фассомчиликда арzon жанр пайдо бўлиб, у ҳозиргача шу тежамкор вазир номи билан аталади.

**Савол: вазирнинг исми шарифи ким?**

**15. Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани Соҳибкор фермер ҳўжалигидан Алишер Рассоқов.**

Шоир Фахриёр «Аёлгу» шеърий достонидан парча:

Хиёнат қиломас ҳеч ким унчалик

Гуё дўстлик бўлиб туюлар душманликлари

Қирқ газли шамшир билан ҳам

Кесиб бўлмас унинг бошини.

Дарвоқе, унинг боши йўқ,

Унга бош бермаган қизганчиқ эгам.

Қуп-қуруқ танадан иборат унинг жуссаси.

**Савол: «Заковат» сандиқчаси ичида нима бор?**

**16. Қашқадарё вилояти, Қамапи шаҳри, Навоий кучаси, 103-йддан Шерзод Қурбонов.**

«Қиссаи Рабгузий» асарида «Унинг боши маломат, уртаси үкинч, охири товоң тўлаш билан якунланади», дейилган. Унга аралашғанларнинг бошига шу З савдо тушиши мумкин. Рабгузий юқоридаги таърифни келтириб, унга бош қўшмасликни маслаҳат беради. Ислом илмида ҳам ундан тийилиш кераклиги айтилади.

**Савол: юқоридаги ибора нима ҳақида?**

**17. Тошкент вилояти, Паркент тумани, Заркент қишлоғидан Шухрат Алпурев.**

Ёзувчилик қобилияти бўлмаган ҳолда, ёзувчиликка беҳуда уриниб, ҳадеб бемаъни нарсаларни ёзишдан чарчамайдиган инсонларга нисбатан бир термин ишлатилади.

**Савол: бу қандай термин?**

**18. Тошкент вилояти, Бўка тумани, Яхшивой тепа қишлоғидан Диляфузада Зарипова.**

Германияда бир клуб мавжуд. Шу клубга аъзо бўладиган одам билъярд соққасини ушлаб қасам ичади.

*Савол: бу кимларнинг клуби?*

**19. Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Мамашарипов кўчаси, 54-ййдан Алишер Шерниёзов.**

Энг катта табиий оғатлардан бири бу зилзила ҳисобланади. 1987 йилда Арманистонда, 1966 йилда Тошкентда, 1949 йили Ашхабодда, 1924 йили Токиода шундай кучли зилзилалар рўй берган. Зилзилалар эрамиздан аввал ҳам бўлган. Лекин уларнинг кўплари қайд этилмаган. Фақат эрамиздан аввалги 394 йилда содир бўлган зилзилагина тарих саҳифаларига ёзилган.

*Савол: бу зилзила қайси шаҳарда рўй берган ва энг катта зарар нимадан иборат бўлган?*

**20. Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Батош қишлоғидан Норгул Исмадиёрова.**

Кўпгина давлатларда итларни маҳсус ишларга ўргатадиган марказлар бор. Бу марказларда ўргатилган итларни bemor кишилар учун сотиб олишади. Кўзи ожизларни етаклаб юриши учун итлар анча босиқ, зотдори орасидан танлаб олинади. Итларнинг ичида энг сезгири оқ пудель бўлиб, ундан ҳатто бир касалликни аниқлашда фойдаланилади.

*Савол: оқ пудель қайси касалликни оддиндан сеза олади?*

**21. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор қишлоғидан Гулора Маркаева, дорихона муддираси.**

Қадимги қорақалпоқ уругларида янги ўтов учун кигиз ва намат иложи борича пишиқроқ, қалинроқ тўқилган. Қалин намат остида ўтов қишида иссиқ, ёзда

салқын бұлади. У қанча пишиқ бұлса, шунча узок чидайди.

**Савол:** үтөв устига ёпиладиган намат қайси рангта бұялади?

**22. Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Фарғона йўли шод кучаси, 10-йй, 23-хонадондан Элёрбек Раҳматуллаев.**

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романида Увайс лақаби ҳақида тушунтириш берилади. Увайс лақабига эга бўлиш учун мухлис ё шогирд тушиш керак.

**Савол:** Увайс лақабига эга бўлиш учун кимга шогирд тушилади?

**23. Тошкент вилояти, Бўка туманидан Султонмурод Файзиев, коллеж ўқитувчisi.**

Оқ пластмасса кукуни ёпишқоқликни ошириш учун, оқ ранг бериш учун бўр қоришмаси, тунда аниқ кўриниши учун майдаланганди шиша кукуни қўшилиб, 200 даражада иссиқлиқда қайнатилиб, маҳсус қоришма ҳосил қилинади.

**Савол:** бу маҳсус қоришма қаерда ишлатилади?

**24. Жиззах вилояти, Бахмал тумани, Мирзазасаги қишлоғидан Абдували Каримов.**

Ўзбекистон халқ ёзувчisi Худойберди Тўхтабоевнинг «Конизар юлдузлари» асарида шундай таъриф бор: «Навда узра нозу истигно билан юришлари, нозик таъб, чучук томоқлиги, эркаланиб бош чайқашлари... Келинчакнинг ўзгинаси. Бошидаги оқ шоҳи рўмол, эгнидаги узун, этаклари пирпироқ оқ шоҳи кўйлак ҳам фақат келинларга хос. Бўйнида қатқат шода маржон, қора қош, қора кўз...

**Савол:** ёзувчи таърифлаган қаҳрамонни топинг.

**25. Сурхондарё вилояти, Ангор туманидан Облоқул Бешимов.**

Овчилар турли жонзотларни турли хўраклар билан овлашади. Масалан, қисқичбақани сасиган балиқда илинтирса бўлади. Бўрини тирик қўй ё эчкини тузоқقا қўйиб тутадилар ё овлайдилар. Мушук валерианка ҳидини ёқтиргани учун ҳам кўп ҳолларда унинг ҳиди билан тутишади. Жуда зарарли ва хавфли, ута чидамли бир жонзотни пиво билан нобуд қилса бўлар экан.

*Савол: қайси жонзотни?*

**26. Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчасидан Шарифа Муслимова, талаба.**

XII-XV асрларгача Европада жуда кўп савдогарлар пайдо бўлган. XVI асрдан уларнинг сони кескин камая бошлаган. XVI асрда савдогарларнинг камайишига сабаб қилиб айнан уни кўрсатишади.

*Савол: тижоратчи савдогарларнинг сони камайишига нима сабаб бўлган?*

**27. Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Бобур кўчаси, 40-йдан Зулфизар Қурбонова.**

Номис сўралаётган шахс ўз гояларида Ҳиндистоннинг Гоа шаҳрини тарғиб қилгани учун, ўша шаҳарда унга ҳайкал ўрнатилган. Аслида у гуманист ва кўзбойлоқчи (гипнозчи) итальян бўлган. 1756 йили унга Гормант шаҳри ватан бўлди. Ва сўнгти манзилга ҳам шу шаҳардан кузатиљди.

*Савол: Гормант шаҳрининг қайси манзилидан?*

**28. Тошкент шаҳридан Зулфия Баҳридинова, филолог.**

Ушбу фин топишмоги анча мазмунли ва мантиқли:

Денгиз бўйидаги бир тўнка устига  
Ўтириб у зўр хониш қилмоқда.

«Мендан ҳамма баб-баравар қўрқади  
 Қўрқмаса ҳам, яқинлашсам хавотирга тушади.  
 Менинг ўткир нигоҳимдан қария ҳам,  
 Гудаклар ҳам ҳатто қочиб қутулмас.  
 Фақат дengиздаги балиқларга  
 Қўлим етмас, тишим ўтмас».

*Савол: дengизга қараб хаёл сурган зўравонни топинг.*

**29. Тошкент шаҳридан Зуҳра Қобилжонова, дизайнер-модельер.**

Марсель ва Тулон шаҳарлари орасида Ля Сьота шаҳарчаси бор. Тинч, сокин шаҳарча. Бундан роса 110 йиллар илгари бу шаҳар оламшумул бир воқеага мезбонлик қилган.

*Савол: Ля Сьота шаҳарчаси номини қайси воқеа тарихга муҳрлади?*

**30. Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, Фани Аъзамов маҳалласидан Азизбек Муродхонов.**

Кора дengиз флоти қошидаги сув ости матрослари тайёрлаш курсининг ҳар бир гуруҳида 50 тадан талаба ўқийди, яна шундай бир гуруҳ борки, унда бор-йўти 5-6 та курсант ўқийди, холос.

*Савол: Бу гуруҳда кимлар ўқийди?*

**31. Самарқанд вилояти, Кўшработ тумани, А. Қаддор кўчасидан Луқмон Асадов.**

Чингиз Айтматовнинг «Охирзамон нишоналари» асарида шундай таъриф келтирилади:

«У коинот қаъридан чиқади, унинг яратувчиси эса гўё радар орқали уни коинотдан тутиб олади, унга сайқал беради ва уйғунаштиради. У инсонларга умрларининг қисқалиги эвазига мукофот қилиб берилган гўё».

*Савол: адид нимага таъриф берган?*

**32. Қарақалпогистон Республикаси, Мангит шаҳридан Нурбек Собиров.**

Дунёнинг энг зўр 100 та китобига кирган бу образ ҳақида 32 жилдан иборат асар ёзилгани айтилади. Унинг илк томлари «Арвоҳ», «Арвоҳга ўхшаган одам» деб номланган. Бу асарлар асосида 12 та фильм ҳам суратта олинган.

*Савол: қайси персонаж ҳақида гап кетмоқда?*

**33. Аңдайлон вилояти, Жалолқудук тумани, Абдуллабий қишлоғидан Дониёр Тұхтаохунов.**

Құлнимиз: бош бармоқ, күрсаткич бармоқ, ўрта бармоқ, номсиз бармоқ, жимжилокдан иборат. Эрнест Хемингуэйниң бир асарида ҳарбий зобит бош бармоқни күрсатып сотто тененто, күрсаткич бармоги тененто, ўрта бармоги қарында, 4-бармоги магтифе, жимжилоги тененто кононелло деб санаған.

*Савол: у зобит айтган итальянча иборалар таржимасини айтинг.*

**34. Қарақалпогистон Республикаси, Эмликқалъа тумани, Қирққизобод хұжалигидан Дағдарбек Жуманиев.**

Сүнгти вақтларда Европа ҳудудида жуда күп ёнгинлар содир бўлмоқда. Шу сабаб маҳсус ўт ўчирувчилар курслари очилиб, у ерда ҳатто итлар ҳам ўргатилмоқда. Ўргатилган итлардан фақат бир мақсадда фойдаланилади.

*Савол: ўт ўчирувчи итлар нима иш қилишига ўргатилади?*

**35. Фарруҳ Асадов, СамДУ талабаси.**

Бу зодагон 10 ёшидан бошлиб ўз фикрлари билан парламент ишларига қатнашиб үрган. Бир оз оқсагани боис, камчилигини беркитиш учун ҳасса ҳам туттган. У жуда гайратли, спортга ҳам бефарқ бўлмаган. Шахсий кема ясатиб, бутун дунёни айланиб чиқкан. Лекин у

зодагон сайёх ё олим бўлиб эмас, балки бошқа соҳада ном қозонган.

*Савол: бу таниқли инсон ким?*

**36. Тошкент шаҳридан Одина Комилжонова.**

Одинахон опа бир соҳада қарийб 30 йил ишлаб, ҳозир нафақага чиққанлар. Одина опани кўча-кўйда жуда кўпчилик танийди, у кишини кўрганда одамлар самимий сўрашиб, опани ҳатто ўғил-қизларига ҳам таништириб қўяр эканлар. Машҳур эстрада юлдузидан олинган дастхат йўқолиб кетиши мумкин, лекин ҳамشاҳарларимиз Одина опадан олган дастхатларини жуда эҳтиётлаб сақлашади. Одина опа ҳар доим қишда таътилга чиқар эканлар.

*Савол: Одина опа 30 йил қаерда ишлаганлар?*

**37. Самарқанд вилояти, Иштиҳон тумани, Муслим қишлоғидан Зофир Файзиев.**

Суратда икки хил ўриндиқ тасвиirlанган. Биринчи суратдаги ўриндиқ Париждаги боғларда 1989 йилгача бўлган. У кенгроқ қилиб қурилган. Айнан бир мақсадни кўзлаб иккинчи суратдаги энсиз ўриндиқлар, яъни биринчи суратдаги ўриндиқлар билан алмаштирилган.

*Савол: боғлардаги ўриндиқларни ўзгартириш нега керак бўлиб қолди?*

**38. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Оқтош туманидан Комил Қаршиев.**

Темурйилар сулоласи ҳукмронлиги даврида илм-фан, маданиятга катта эътибор берилган. Ана шу эътибор туфайли XIV-XVI асрларда юртимиздан бир қанча алломалар етишиб чиққан. Ҳиротда Гавҳаршодбегим раҳнамолиги остида истеъдодли талабаларни йигиб, таълим беришган. Мадраса толиблари тўрт фаслага мос кийим-бош, озиқ-овқат билан бепул таъминланганлар. Бунинг устига 26

тангадан маош берилган. Аслида маош 24 танга бўлгану, толиблар яна қўшимча 2 тангадан олишган.

**Савол:** нега маошга қўшиб яна икки танга берилган?

**39. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Ўзбекистон кўчаси, 34-йдан Садоқат Бердиева.**

А. П. Чеховнинг шундай фалсафий фикри бор: «Гарчи бироз нохуш бўлсада, инсон у дамлар ҳақида узоқ ва мароқ билан гаплаша олади».

**Савол:** А.П. Чехов нимани назарда туттган?

**40. Сурхондарё вилояти, Узун туманидан Эътибор Толишова.**

Бу нарса намлик жойларда кўпаяди. Заҳарни зарарсизлантиришида унга етадигани йўқ. У бўлмаганида на электроника илми дунёга келарди, на қитъалар аро сунъий йўлдошлар бўларди. У нефтни қайта ишлашни тезлаштиради. Радиоактив нурларни сўриб, муҳитга зарарини камайтиради. Унинг яна бир қанча хислатларини санаш мумкин,

**Савол:** шунча хусусиятга эга бўлган нима таърифланмоқда?

**41. Жizzах вилояти, Бахмал тумани, Мирзазгаси қишлоғидан Абдували Каримов.**

Мақсад Шайхзода домла чўпонлар ҳузурига бориб утовда меҳмон бўлган эканлар. Чўпонлар юқорига юқорига деб у кишини тўрга чорлашибди. Домла, тўр эшикни рўпараси бўлса керак, деб тўрга ўтибдилар. Шунда чўпонлар, э домла у ерда ўтирунг, тўрга чиқинг, деб яна чап томонни кўрсатишибди. Домла ўтирганларидан кейин ўйлабдилар: «Нега улар тўр деб мени эшикка яқин жойга ўтказишибди экан?» Сунг утовнинг тузилишини кузатиб бунга жавоб топибдилар.

**Савол:** ўтов тузилишини кўз олдингизга келтириб, чупонлар Шайхзода домлани тўр деб нега пойгакка утказишганини айтинг?

**42. Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги миришкор қишлоғидан Гулора Маркаева.**

Шарқ кўчманчи қабилаларида шундай одат бўлган. Унга биноан ўз ўглини бўлак қилаётган ота-она янги оиласа ўтов, кўрпа-тўшак, идиш-товоқдан ташқари авлоддан авлодга ўтиб келаётган яна бир совгани топширган. Бу совгага эга оила мустақил равища рўзгор юритган.

**Савол:** оиланинг мустақил эканини белгиловчи нарса нима?

**43. Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Навоий маҳалласидан Абдулҳошим Жуманов.**

«Заковат» сандиқчалари олиб чиқилсин.

Биринчи сандиқчадаги буюмни Гарб халқлари омад ва баҳт келтирсинг деб бўлакларга бўлишади.

Иккинчи сандиқчадагини эса кўпгина Шарқ халқлари яхшилик ва омад, баҳт келтириши учун бўлак-бўлак қилишади.

**Савол:** ҳар иккала сандиқчаларда нима бор?

**44. Наманган вилояти, Поп шаҳри, Усмон Носир кучаси, 5-йддан Дониёр Йўлчиев.**

Қадимги Миср иероглифларига диққат қилинг!

Биринчи иероглиф икки оёқ — юрмоқ сўзини билдирган.

Иккинчи иероглиф икки кўз — кўрмоқ.

Учинчи иероглиф қалқон ва найза — жанг.

Туртинчи иероглиф Қадимги Мисрда очкўзлик, очофатлик тимсоли бўлиб тасвирланган.

**Савол:** туртинчи иероглифда очкўзлик, очофатлик тимсоли бўлиб нима тасвирланган?

**45. Самарқанд вилояти, Пактаки тумани, Султонобод фуқаролар йигинидан Қиличев Дониёр.**

Ўзбек халқ топишмогидан:

Чир-чир қушлар.

Чирмашиқ қушлар.

Ўзининг жони йўқ,

Одам келса тишлар.

*Савол: топишмоқнинг жавобини айтинг.*

**46. Сурхондарё вилояти, Бандикон туманидан Муроджон Каримов, 20-мактаб ўкувчиси.**

Австрияга борган туристларга турли раигдаги футболкалар совга қилишади. Австриядан қайтаётганлар ўзларини бошқа давлатдан эмас, айнан Австриядан қайтаётганларини билдириш учун майка орқасига 3 та сўздан иборат жумла ёзиб қўйишади.

*Савол: футболкаларда қайси 3 та сўз ёзилади?*

**47. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Иванова кўчаси, 15-йдан Сарвар Абдужалилов.**

Ҳадиси шариф ҳукмларида, одам боласининг ёши улгайгаи сари кўп нарсаларга хоҳиши ортиб боради, дейилаган. Аммо 2 та нарсага кўпроқ эгалик қилиш ҳисси йиллар ўтиб улгайгандан улгаяверади. Биринчиси бойликка нисбатан, иккинчиси ... Деярли ҳамма иккинчисига эга бўлишни орзу қиласи.

*Савол: бу қаңдай хоҳиш?*

**48. Тошкент шаҳри, Мунис кўчаси, 40-йдан Венера Бобоёрова.**

«Туркистоннинг ёввойи табиати» китобида ёзилишича, Қизилқум саҳросидаги қумлар ранги қизгиш тусда бўлгани учун номи ҳам шунга муносаб. Қорақум саҳросининг ранги ҳам оддий тусдаги қумлардан иборат. Лекин негадир уни «Қорақум» деб атаемиз. Юқорида номи келтирилган адабиётда унинг қора рангда кўринишига сабаблар келтирилган.

**Савол: ниманинг ҳисобига чўл ранги қорайлиб кўринаади?**

**49. Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий маҳалласидан Ҳуриҳон Алихўжаева.**

Машҳур «Алибобо ва қирқ қароқчи» эртагида шундай лавҳа бор: қароқчилар сардори Алибобони ўлдириш учун унинг уйига киради. Шарқ одати бўйича дастурхонга таклиф қилинади. Лекин қароқчилар сардори гарчи қорни оч бўлса ҳам қўлини нонга ҳам урмайди, чойга ҳам.

**Савол: қароқчи нега овқатланишдан қўрқади?**

**50. Тошкент шаҳридан Дилмурод Паршиев, журналист. «Бекажон» ижодий гурӯҳи раҳбари.**

Бокуда чоп этилган «Эл дузгулари, злат сўйламалари» китобида Озарбайжонда қадимдан Наврӯз куни бир одат бўлгани айтилади. Унга кўра, озарлар бир парча кўмир, бир кафт туз, бир қанча майда чақаларни кўзачага солиб, жарга улоқтирган эканлар. Улар назарида туз очкўзлик рамзи, қора кўмир парчаси бошларига тушиши мумкин бўлган қора кунлар белгиси бўлган.

**Савол: хумчага солинган майдада чақалар нимани билдиради?**

**51. Андижон вилояти, Избоскан тумани, Пойтуг шаҳридан Гулшаной Эргашева.**

Самурайлар кодекси «Будосинью»да шундай ёзилган: «Самурай ҳар куни эрталаб сочини турмаклаши, сўнгра машқ қилиши, кейин вазиятга мос кийиниши шарт. Аммо ҳар куни қайси кийимда бўлишидан қатъи назар, белида камари, 2 та қиличи ва «Заковат» сандиқчасида бор бўлган нарса бўлмоги керак».

**Савол: сандиқчада нима бор?**

**52. Самарқанд вилояти, Құшработ тумани, А. Қаджор күласидан Луқмон Асадов.**

Машхур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзенинг «Құрқманг, онагинам» романыдан парча: «Сунгги юлдуз ҳам сұнди. Кучуклару хұrozлар маслағатлашиб олғандай бирдан жим булишди. Дараҳтлар қимир этмай қолди. Денгиз қам сукутга чұмди. Шу пайт бир лаҳзада «мұъжизалар мұъжизаси» юз берди».

*Савол: Нодар Думбадзе бу парчадаги қайси ҳолатни мұъжизага қиёслаган?*

**53. Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Гидрометрия құргони, Темур Малик күчаси, 13-үйдан Нуғымон Исломов.**

Хозир бутун дүнёда видеоқароқчиліккә қарши жанг кетмоқда. Яқында ағылшын фермерлар «Йүқолсін видеоқароқчилік» деган мавзуда жуда катта семинар ташкил қилишди.

*Савол: нега фермерлар видеоқароқчилікни қоралаб чиқиши?*

**54. Жizzах вилояти, Фориш тумани, Ҳонбанда шаҳарасидан Юнус Ҳафизов.**

Тасаввур қилинг, сиз австралиялық тадбиркорсиз. Узоқ штатларнинг бирида хусусий меҳмонхона згасисиз. Сиз ҳар ҳаfta бозорга борасиз, турли ичимликлар, мева-сабзавотлар, гуруч, гүшт, хұллас меҳмонхонага нима керак бұлса, ҳаммасини хариd қиласиз. Сиз яна шундай нарсаны сотиб оласызки, у ҳам айрим мижозларнинг учун керак.

*Савол: таҳминан айтингчи, сиз яна нима хариd қиласиз?*

**55. Қорақалпогистон Республикаси, Амударё тумани, Мангит шаҳридан Нурбек Собиров.**

Абу Али ибн Сино беморларни дардига қараб бадантарбия машқларини белгилаган. Масалан,

паришонхотир, склероз касаллиги билан оғриган одамларга беланчакда учиш фойда берар экан. Меъдаси совиб кўчган, яъни сакта пайдо бўлган одамларга қайикда учишни маслаҳат берган. Ҳаким иби Сино тана аъзоларидан бири заифлашган хасталарга аравада тескари ўтириб сайр қилишни маслаҳат берганлар.

*Савол: аравада тескари сайр қилиш кимлар учун фойдали?*

**56. Фаргона вилояти, Қува шаҳридан Муҳаммадали Мамажонов, стоматолог.**

Илк автомобилларда нуқсонлар жуда кўп бўлган. Даставвал бензин баклари автомобилнинг олд томонида жойлашган бўлиб, уларда бензонасос бўлмаган. Шу сабаб машиналар тик балаңдликларга чиқа олмаган.

*Савол: балаңдликка чиқаётганда ҳайдовчилар қандай йўл тутишган?*

**57. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олим Аширов кўчаси, 22-йдан Танзила Муҳаммаджонова.**

«Шум бола» қиссасида Қоравой бой отанинг олдига келиб ёлғон-яшиқ гаплар айтади. Бой ёш хотини билан шийпонда овқатланяпти, барча хизматкорлар жимгина ўз ишлари билан машгуллар.

Савол муаллифи Танзила Муҳаммаджонова саволга ўтишдан аввал шу лавҳани эслатишимиизни сўраганлар.

«Ўзбек ҳалқ ривоятлари» китобида ёзилишича қадимда баъзи бир бойлар дам олаётганида, овқатланяётганида барча хизматкорлар қўшиқ куйлаб туришган.

*Савол: бойлар овқатланаётганида нега хизматкорларга қўшиқ куйлатишган?*

58. Тошкент вилояти Бекобод шаҳри, Тинчлик кӯчаси, 27-йданд Ботир Ражабов.

Үнг томонга ҳам, сўл томонга ҳам, пастга ва тепага қараб ҳам Ботир Ражабов сўрамоқчи бўлган нарсани кўрмаймиз. Уни кўзгуга қараб кўришдан ташқари, фақат соямишга қараб кўришимиз мумкин.

*Савол: нимани фақат сояга қараб кўриш мумкин?*

59. Тошкент шаҳри, Жарариқ мавзеси, 12-йй, 8-хонадоңдан Фозилжон Гофуров.

Шахмат ўйинининг ёзма вариантида турли хил белгилар мавжуд. Масалан + (плюс) шоҳ бериш белгиси бўлиб, у бир ўйин давомида чексиз, сонсаноқсиз бўлиши мумкин.

Х (икс) белгиси мотни англатади. У бир ўйинда бир марта ёзилиши мумкин. Чунки мот ўйин тутаганини билдиради. Энди 3 та ноль рақамини ёзинг.

*Савол: шахматчилар бу белги билан қайси вариантни белгилашади ва у бир ўйин давомида неча бор қайд қилинади?*

60. Самарқанд вилояти, Пахтакор тумани, Султонобод қишлоғидан Дониёр Қиличев.

Абдулла Қодирийнинг «Жинлар базми» ҳикоясида шундай лавҳа бор: «Деҳқон бобо, эртага токни очмасам ҳам ўзим учун, ҳам ток учун жабр қилган бўламан. Лекин токни очиш учун истак керак. Истакни эса бозордан сотиб олиб келиш керак», дейди.

*Савол: истакни ҳам бозордан сотиб олиш мумкини? Агар мумкин бўлса, унинг кўриниши ва вазифаси нимадан иборат?*

61. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Юсуф Ҳамдам кӯчаси, 383-йданд Турсуной Темирова.

Ўзбек халқ мақолларидан:

Отамдан бир мерос қолди,

Ерга кўмсам чиrimайди.

Демак, у тана билан бирга күмилади, тана чирийди, у эса йўқ.

**Савол: отамиздан қоладиган қайси мерос ҳақида гап кетмоқда?**

**62. Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Хонназар маҳалласидан Элёр Умиров.**

Ҳиндистон ва Бирмада фили бор инсонлар бой ҳисобланишади. Сиам подшоларида эса гуноҳкор инсонларга фил совга қилишган.

**Савол: гуноҳкорларга нега айнан фил совга қилинганд?**

**63. Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани, Үрнак фермер ҳужалигидан Нигора Ембергенова.**

Тасаввур қилинг, сиз кундалик эҳтиёжга керакли нарсалардан бирини ясовчи ҳунармандсиз. Ҳар куни қассоблардан арzon гаровга мол ва қўй шохларини сотиб оласиз. Уни қозонда узоқ қайнаттагач, сўнг ишлов бериб, ҳунарингизни ишга солиб «Заковат» сандиқчасидаги нарсани ясайсиз.

**Савол: сандиқчада нима бор?**

**64. Наманган вилояти, Поп шаҳри, Усмон Носир кучаси, 5-йдан Дониёр Йулчиеv.**

Туя нега кам сув ичади? Ахир саҳро жазирамаси унинг сувга бўлган эҳтиёжини ошириши керак.

Олимлар туялар ҳаётини ўрганиб, унинг танаси қалин ва зич жун билан қоплангани учун ҳам қизиб кетмаслигини ва танадаги сув бутланмаслигини ўрганишди. Олимлар иккинчи сабабини тушунтириб, бошқа бир жонзотни мисол келтириб туя билан таққослашади. Айнан ўша жонзот қилган хатоликни туя қайтармайди, бу ҳам сувнинг танадан бугланиб чиқиб кетишининг олдини олади.

**Савол: иккинчи сабаб нима эканини топинг.**

65. Тошкент шаҳри, Бор кӯча мавзеси, 16-йй, 17-хонадоңдан Дониёр Исаоқунов.

«Заковат» сандиқчасидаги предмет ҳамма оила учун зарур. Унинг ичида иккита W (даблю) ҳарфи бор. Бу предметнинг ичида ҳам, ташқи томонида ҳам даблю ҳарфи мавжуд.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

66. Тошкент шаҳри, Жаҳариқ мавзеси, 7-йй, 79-хонадоңдан Жамшид Исмоилов.

Ривоят қилишларича, бир рассом дунёдаги энг гўзал нарсанинг сиймосини яратмоқчи бўлибди-ю, аммо боши қотибди. Нима дунёда энг гўзал нарса булиши мумкин? Бу саволни йўлида учраган бир қарияга, ёш аёлга, аскар йигитта бериб кўрибди. Қария — меҳр, аёл — вафо, аскар — тинчлик деб жавоб берибди. «Хўш, - деб уйлабди рассом, - дунёдаги энг гўзал нарса меҳр, вафо, тинчлик бўлса, ниманинг суратини чизишим керак? Шу хаёл билан уйга қайтибди ва бирдан саволига жавоб топибди. Рассом шу ондаёқ у энг чиройли нарсанинг суратини чиза бошлабди.

*Савол: рассом ниманинг суратини чизган?*

67. Жizzах вилояти, Галлаорол тумани, Қўйтот шаҳридан Эркин Ёкубов.

Қадимдан Шарқ бозорларида ўз молини мақтаб сотиши, яъни баланд овозда реклама қилиш одати бўлган ва у ҳозир ҳам бор. Аммо Шарқ бозорларига XVII аср бошларида кириб келган бир маҳсулот борки, у ҳеч қачон бақириб сотилмаган. Уни реклама қилиш учун ёнига биронта гул қўйиб қўйилган. Бунда гулнинг гўзаллиги қадрига етган одамгина у маҳсулотнинг қадрига етади деган фалсафий маъно бўлган. Яна бир жиҳати, у маҳсулотни болалар ҳам, аёллар ҳам сотишмаган. Уни фақат қариялар сотишган.

**Савол: қариялар қайси маҳсулотни гул ёнига қўйиб сотишган?**

**68. Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Қўнгирот қишлоғидан Шарифа Хусейнова, стоматолог.**

Фёдор Михайлович Достоевский «Ака-ука Карамазовлар» романи учун эпиграф қилиб Евангелдан шундай жумлани келтиради: «Агар у тирик қолса, йўқ булиб тугайди, борди-ю үлса, ундан кўп уруг-аймоқ қолади». Бу фикр инсонга таалуқли эмас.

**Савол: ниманинг ўлиши унинг уруг-аймогини кўпайтиради?**

**69. Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, Жума шаҳридан Облоқул Мўминов.**

Япон хоккулари ўзи қисқа, аммо маъноси кенглиги билан бошқа ижод намуналаридан ажралиб туради. Басё ижодидан хокку:

Йўқ, сен уни эмас,

У сени отмоқда ...

**Савол: хокку охири 2 та сўз билан тугайди, уларни топинг.**

**70. Андижон вилояти, Жалолқудук тумани, Охуябобоев шаҳридан Карим Аҳмедов.**

(Катталиги 15x20 оқсалта кўрсатилади)

Савол муаллифи XVII-XIX асрларда овчилар ов пайтида ишлатган халтачани тикиб юборибдилар. Қиши пайтида овга чиққанда овчилар шу мосламадан усталик билан фойдаланишган.

**Савол: овчилар халтачадан нима мақсадда фойдаланишган?**

**71. Жizzах вилояти, Фориш тумани, Болғали қишлоғидан Шариф Йўлдошев, фермер.**

Азалдан ота-боболаримиз ўзлари қурган иморатлар атрофига арча дараҳини экмаганлар. Уни иморат атрофига экишни хосиятсиз деб билганлар.

Арчанинг қайси хусусиятга кўра, уни уйлари яқининга экишмаган?

**72. Сарвар Тўраев, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети II босқич талабаси.**

Инсон билан боғлиқ бу биринчи жараён пайдо бўлганига эндиғина 40 минг йил бўлди. Иккинчи жараён эса қарийб бир неча юз минг йилларни ўз ичига олади.

*Савол: ҳар иккала жараённинг нимадан иборат эканини айтинг.*

**73. Саймарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нуробод шаҳридан Сардор Шарипов.**

Қариндош-уругчиликни ўзбек халқидек қадрловчи миллатни топиш қийин. «Қудачилик — минг йилчилик» ибораси фикримизни тасдиқдайди.

*Савол: қуда-андачилик иборасидаги «анд» сўзи қандай маънони билдиради?*

**74. Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, 8-мавзе, 17-уй, 6-хонаёндан Файзулло Муҳамедов.**

Туристик агентликлар мижозларни жалб қилиш учун: «Шарқдан гарбгача саёҳат» каби реклама брендлари остида ишлашади. Германиядаги энг нуфузли туристик агентликларидан бири «Мисрдан — Кипргача» деган хитоб билан фирма иш кўлами кенглигини билдиromoқчи бўлади. Миср билан Кипр ораси унча узоқ эмас, бунинг устига иқлими, табиатида ҳам унча катта фарқ йўқ.

*Савол: нега туристик фирма бу реклама брендини ишлатган?*

**75. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олим Аширов кўчаси, 22-йдан Танзила Муҳаммеджонова.**

Машхур ёзувчи Владимир Набоков «Пушкин, ҳақиқатми ёки...» мақоласида: «Байрон ҳам, Пушкин ҳам, Гёте ҳам бу вақтгача, яъни 1840 йилгача яшашмаган, йўқса биз улар ҳақида янада аниқроқ тасаввурга эга бўлар эдик», деб ёзган.

*Савол: мақола муаллифи 1840 йил билан bogлиқ қандай янгиликни айтмоқчи бўлган?*

**76. Каттақўргон тумани, Баланд чордара қишлоғидан Шерали Баҳриев.**

Алишер Навоий ҳазратлари «Маҳбуб ул-қулуб»да

У — кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади.

У — ёшларни кўзга улуг қилиб кўрсатади.

У — одам табиатига инсонийлик бахш этади,  
деб таъриф берганлар.

*Савол: ҳазрат Навоий нимага таъриф берганлар?*

**77. Навоий вилояти, Зарафшон шаҳридан Хуршид Жалилов.**

Хоразмшоҳ салтанатининг энг мустаҳкам қалъаларидан бўлган Гургунч шаҳрини мўгуллар 1221 йили қамал қилган. Хоразмшоҳ хуфиялари мўтуллар тут дараҳтларини тагидан арралаб кесишаётганини маълум қиласди. Очиги, қалъа ичидағилар ҳам тутларни нега кесишаётганини бошида билишмайди. Аммо тез орада уларнинг мақсади ойдинлашади.

*Савол: нима сабабдан мўтуллар тут дараҳтларини кесишиган?*

**78. Наманганд вилояти, Норин тумани, Қўргонтепа қишлоқ фуқаролар йигинидан Ёдгора Позилова.**

Ҳозир ўзбек тўйларида палов, лагмон, шўрва, мастава каби миллӣ таомлар тайёрланади. Аммо илгари никоҳ тўйларида албатта мошкичири пиширилган.

*Савол: нима учун мошкичири тайёрланган?*

79. Тошкент шаҳри, Шайконтотхур тумани,  
Шарафуддинов кӯчаси, бўйдан Фахридин  
Зайнутдинов.

1956 йили машҳур актёр ва режиссёр Игорь Ильинский «Ревизор» пьесасини гаройиб тарзда саҳналаштирган. Биринчидан, саҳна пардаси ҳозир «Заковат» сандиқчасидаги нарсадан ясалган. Бундан ташқари, томошабин театрга киргач то спектакль бошлигунча карнайлардан паст овозда бир ибора қайта-қайта ўқилган. Бу асарнинг машҳур эпиграфи эди. Эпиграфда инсон танасидаги бир нуқсон сандиқчадаги предметга таққосланган.

*Савол: асар эпиграфи нима бўлган ва сандиқчада нима бор?*

80. Андижон вилояти, Марҳамат тумани Йўламатол маҳалласидан Тожихон Абдураҳимова, ўқитувчи.

Бу санъат олдида бош эг, эй ақл,  
Бу мармар достонни ўқигил, эй кўз.  
Бу бир афсонаким, поёнсиз нақл,  
Унинг тавсифига топмагайсан сўз.

*Савол: бу шеърда қайси санъат дурдонаси таърифланмоқда?*

81. Самарқанд вилояти, Каттакўргон тумани,  
Баландчордара қишлоғидан Шерали Баҳриев.

Бурунгилар тўрт оёқли ўтхўр ҳайвонларнинг подшоси — от, гавҳарлар подшоси — ёқут, маъданлар подшоси — олтин бўлганидай, гўштхўр жонзорларнинг подшоси — у деганлар. Умар Ҳайём «Наврўзнома» асарида уларнинг нозиклиги ва покизалиги подшоҳлар хулқига ўхшаш эканини ёзган. Шунинг учун Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари уни уз хонадонларида асрashaди.

*Савол: Умар Ҳайём асарида гўштхўрлар подшоси деб қайси жонзор аталган?*

**82. Самарқанд вилояти, Құшработ тумани, А. Қаңдор күчаси, 7-йдән Луқмон Асатов.**

Мирмуҳсин «Чури қиссаси» асарида унға шундай таъриф берган: «Узоқдан қарасанғиз, у кенг сайхонлик үртасига тушиб қолған улкан харсанғ тошға үхшайды. Аслида у даштдаги энг гавжум жой. Уни ҳатто қушлар ҳам яхши танийди. Уннің тепасида чарх урган каптарларни күрмасдан иложингиз йўқ. У шу атрофдаги жонзотлар учун энг ёқимли жой ҳисобланади»:

*Савол: ёзувчи таърифлаган жой номини топинг.*

**83. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Құшқұрғон маҳалласыдан Мерос Ахроров.**

Тасаввур қилинг, катта юк кемаси капитанисиз. Каютанғизда учта соат осилиб, уч хил вақтни күрсатиб туради. Учала вақтни ҳам назорат қилиб турасиз ва шу вақт бўйича ҳаракатланасиз.

*Савол: бу учала соат қайси вақтларни күрсатади?*

**84. Чирчиқ шаҳри, Құшқұрғон қишлоғидан Қосимхон Ахроров.**

Ўзбек қизлари турмушга чиқаёттанида сепларида албатта саккиз тепкили хонатлас бўлади. Хонатлас атласлар хони дегани.

*Савол: саккиз тепкилик номи қаердан келиб чиқсан?*

**85. Жizzах вилояти, Фориш тумани, Хонбанди шаҳарчаси, 24-й, 5-хонадондан Юнус Ҳафизов.**

Турли мамлакатларда миллий мотам кунлари телевидение күрсатувларида ҳам чекловлар қилинади: кўнгилочар дастурлар, турли жанрдаги фильмлар тухтатилади. Осиё ва Африка давлатларида умуман ТВ ишламайди. Ливияда мотам кунларида телеканалларга икки хил чеклов жорий қилинган. Кўнгилочар

дастурлар, фильmlар намойиш этилмаслигидан ташқари яна бир чеклов ҳам мавжуд.

*Савол: мотам билиниши учун яна қандай усул жорий қилинган?*

86. **Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Олмазор кӯчаси, 89-йдан Бону Азизова.**

Альберт Эйнштейн уни билимдан ҳам муҳимроқ деб таърифлаган. Юлий Цезарь бирваракайига унинг 2-3 таси билан сайд эта олган ноёб қобилият соҳиби бўлган.

*Савол: у саёҳатчининг иоми нима?*

87. **Қашқадарё вилояти, Миришкор тумани, Янги Миришкор қишлоғидан Гулора Маркаева.**

Маҳмуд Қошгарий «Девону-лугатит турк»да уни айнан шаҳар деб атаган. Кулоллар эса бу шаҳарнинг қисмларини ўз асарларида тасвиrlашади. Ҳатто Чуст пичноқчилари ясаган пичноқ дасталарида бу шаҳар кўринишларини кўриш мумкин.

*Савол: бу шаҳар нима?*

88. **Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Олим Аширов кӯчаси, 22-йдан Танзила Мұхаммаджонова.**

Ҳиндистонда авваллари ҳам санитария ҳолати яхши бўлмаган. Айниқса, қудуқлардаги сувни маҳаллий аҳоли бемалол ича олсада, ўзга юртлик муҳожирлар бу сувдан касалланишган. 1398 йили Амир Темур Ҳиндистонни забт этганида, унинг лашкарлари ҳам худди шу муаммога дуч келишган. Ҳинд диёрида кўп учрайдиган неъмат уларнинг жонига оро киради. Бу нарса ҳар бир лашкарга турли хил маҳсулотларга қўшиб тарқатилган.

*Савол: бу неъмат нима?*

89. **Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юнус Ражабий кӯчаси, 49-йдан Эркин Маматмусаев.**

**82. Самарқанд вилояти, Күшработ тумани, Ақаддор күчаси, 7-үйдан Луқмон Асатов.**

Мирмуҳсин «Чури қиссаси» асарида унга шундай таъриф берган: «Узокдан қарасангиз, у кенг сайхонлик ўртасига тушиб қолган улкан харсанг тошга үхшайди. Аслида у даштдаги энг гавжум жой. Уни ҳатто қушлар ҳам яхши танийди. Унинг тепасида чарх урган капитарларни кўрмасдан иложингиз йўқ. У шу атрофдаги жонзотлар учун энг ёқимли жой ҳисобланади:..

*Савол: ёзувчи таърифлаган жой номини топинг.*

**83. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Қўшқўргон маҳалласидан Мерос Ахроров.**

Тасаввур қилинг, катта юк кемаси капитанисиз. Каютангизда учта соат осилиб, уч хил вақтни кўрсатиб турди. Учала вақтни ҳам назорат қилиб турасиз ва шу вақт бўйича ҳаракатланасиз.

*Савол: бу учала соат қайси вақтларни кўрсатади?*

**84. Чирчиқ шаҳри, Қўшқўргон қишлоғидан Қосимков Ахроров.**

Ўзбек қизлари турмушга чиқаётганида сепларида албатта саккиз тепкили хонатлас бўлади. Хонатлас атласлар хони дегани.

*Савол: саккиз тепкилик номи қаердан келиб чиққан?*

**85. Жizzах вилояти, Фориш тумани, Хонбанди шаҳарчаси, 24-уй, 5-хонадондан Юнус Ҳафизов.**

Турли мамлакатларда миллий мотам кунлари телевидение кўрсатувларида ҳам чекловлар қилинади: кўнгилочар дастурлар, турли жанрдаги фильмлар тұхтатилади. Осиё ва Африка давлатларида умуман ТВ ишламайди. Ливияда мотам кунларида телеканалларга икки хил чеклов жорий қилинган. Кўнгилочар

дастурлар, фильмлар намойиш этилмаслигидан ташқари яна бир чеклов ҳам мавжуд.

**Савол:** мотам билиниши учун яна қандай усул жорий қилинган?

**86. Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани, Олмазор күчаси, 89-йдан Бону Азизова.**

Альберт Эйнштейн уни билимдан ҳам муҳимроқ деб таърифлаган. Юлий Цезарь бирваракайига унинг 2-3 таси билан сайр эта олган ноёб қобилият соҳиби бўлган.

**Савол:** у саёҳатчининг номи нима?

**217.** 1942 йили немис коммандатураси аралашуви билан унинг бюсти Вена опера театридан олиб ташланди, 1950 йили эса Москва консерваториясидан унинг ҳайкали олиб ташланди. Лекин унинг асарлари фашистлар Германиясида ҳам, Совет Иттилоғида ҳам ҳеч қачон тинмаган.

**Савол:** композиторнинг фамилиясини топинг.

**218.** 1991 йили киевлик 1,5 ёшли Маша исмли қизча 8-чи қаватдан тушиб кетиб тирик қолади. Бу ҳакда бонг урган газеталар мазкур ҳолатни үзича баҳолаган. «Қизчанинг тирик қолишига у яшаган күчанинг номи машҳур бир киевликнинг номига қўйилгани бўлса керак. Бу номдаги кўчада ҳар қандай ҳодиса юз бериши мумкин», деб ёзган газета.

*Савол: кўча кимнинг номида бўлган?*

**219.** Агата Кристи «уларнинг жиноятчига айланишини полиция ходимлари хоҳлашмайди», деб айтган эди. Чунки уларнинг жиноят пайтида алиби топиши осон.

*Савол: кимлар ҳақида сўз кетяпти?*

**220.** 14 июн, 1800 йил, Италия. 26 август, 1812 йил, Москва вилояти. 18 июн, 1815 йил, Бельгия. Лев Сергеевич Пушкиннинг фикрича, буюк жанглар о ҳарфи билан якунланар экан.

*Савол: ҳар учала буюк жангнинг номини ёзиб беринг?*

**221.** Улар орасида 109, 96 ва 105 ҳали ҳаёт. Аммо 23, 41, 77лар оламдан утишган. Уларга багишланган француз веп-сайтига кирмоқчи бўлсангиз, парол сўзи айнан ўша машҳур француз ибораси бўлади.

Гап нима ҳақида эканини билган бўлсангиз, айтингчи, қайси ибора билан уларнинг сайтига кирилади?

**222.** XX аср бошларида уларни етиштирадиган маҳсус фермалар ташкил этила бошланди. Буюртмага кўра уларни турли рангда етиштира бошладилар. Масалан, Австралия учун оқ ранг, Англия учун қора, турклар ва қозоқлар учун сарғиш рангларни тайёрлана бошлаган. Бу фермаларнинг асосан Туркия

ва Қозогистонда ташкил этилгани сизга ёрдам бериши мүмкін.

*Савол: ниманинг ранги ҳақида гап кетмоқда?*

**223.** Арманистон учун 1963 ва 1973 йиллар эсда қоларли сана бұлиб тарихда қолган. Бу соҳадаги ютуқлар уларни эсанкиратдими, шундан буён арманларда эсда қоларли воқеалар содир бұлмади. Ұша воқеалар шоҳиди бұлган кишилар учун 1973 йилдаги ютуқ ұта аҳамиятли экан.

*Савол: 1973 йилдаги ютуққа ким әнг күп улуш қүшганды?*

**224.** 1760 йил Рус армиясида снайперлар гурұхлари ташкил этила бошланды. У гурұхға уста мерғанлар ва совуққа чидамли инсонлар сарапаб олинган. Айнан шу икки хислат бир касб әгаларида бұлғани учун ҳам, гурұх улар номи билан аталған?

*Савол: бу номнинг аслидагисини топинг.*

**225.** Ирландия азалдан католик дини таъсирида бұлған ва у ерда аёллар жуда тортинчоқ, содда бұлишлари талаб этилған. Шунинг учун улар бирмунча қолоқроқ бұлишған. Фақат бир күн уларға бирмунча зеркинлик берилар экан. Ҳатто үз майларидағи йигитта күнгіл изҳор этишлари ҳам мүмкін бұлған экан.

*Савол: бу қайси ойнинг қайси куни?*

**226.** X-XII асрларда Англия уруш бошлашдан олдин бир жараённи үтказа бошлар экан. Бу жараённи яширинча үтказишнинг иложи бұлмагач, ошкора амалға оширилған. Бу ҳақида хабар топғанлар билғанки, Англия урушта ҳозирлік күрмөқда.

*Савол: қандай жараён ҳақида гап кетмоқда?*

**227.** Шанель модалар уйи бу фожиали кунни бутун дунё газеталарида маҳсулотимиз намойиш этилди, деб баҳолади. Бу газеталардаги аёлнинг кўз ёшларини тиёлмагани ва Шанелнинг пуштиранг костюмида пайдо бўлгани уларни қизиқтирган эди.

*Савол: аёл қайси шаҳарда Шанель костюмини узи билмаган ҳолатда реклама қилган?*

**228.** Афсоналарга кўра, пайгамбаримиз Мұҳаммад саллалоҳу алайхি олий вассаллам мушукларни ёқтирган эканлар, мушукларни силаш пайгамбаримизнинг энг ёқтирган машгулотларидан бири бўлган экан. Шундан бўлса керак, мушуклар доим бу ҳаракатни бехато бажаришган.

*Савол: қайси ҳаракатни?*

**229.** 1956 йили Лондондаги ким ошди савдосида Паганинининг скрипкаси сотувга қўйилди. Лот зълон қилинганда бу скрипкага шундай ном берилдики, бу сўз фақат айрим инсонларгагина нисбатан ишлатилади.

*Савол: Паганинидан қолган скрипка ким ошди савдосида қандай ном билан зълон қилинган?*

**230.** «Очиқ табиат қонунлари» китобида: «Оқ тутунларни ҳосил қилиш учун яшил барглар, моҳ ва ўтлар ёқилади, қора тутунларни пайдо қилиш учун резина, мойланган латталар ёқилади», деб қайд этилган. Бу сигналларни ҳар иккаласидан ҳам бир давлатда одамлар сайловда овоз беришда фойдаланишади.

*Савол: сайлов қайси давлатда бўлиб утади?*

**231.** «Нима? Қаерда? Қачон?» уйини ҳақидаги манбаларда қизиқ воқеалар бўлгани айтилади. Айниқса, совет даврида 1979 йилнинг 12 декабридаги уйин 5:5 ҳисобда тутаган. Аниқроги, охирги савол цензура томонидан олиб ташланган.

**Савол: савол нима ҳақида эди?**

**232.** Японияда узоқ йиллар давомида гуруч пул вазифасини үтаган. Шундан келиб чиқиб японлар яқин-яқингача марказий банкни «Окура сё» деб аташган.

**Савол:** агар «сё» гуруч бұлса, «окура» қандай таржима қилинади?

**233.** Қуйидаги рақамларни шу тартибда ва шу күринищда бир неча бор күргансиз. Сизларнинг оталарингиз ҳам күришган, фарзандларингиз ҳам күриши мумкин. Воқеалар ривожи 02-21 дан бошланиб, ниҳояси 49-49 рақами билан туғайды.

**Савол:** рақамлар билан бевосита bogliq инсон номини топинг.

**234.** Соҳибқирон Амир Темурга пири Зайниддин Абу Бакр Тайдобийдан шундай хат келади: тұрттынчи халифа ҳазрати Али ибн Абу Толидан бир киши сұрабдикі, осмон — камон, ҳодисалар — үқ-әй бұлса, инсонлар — нишон ва отгучи Аллоҳ таолодыр. Хүш, айтингчи, ҳазрат, унда ер нимага үхшатылған?

**Савол:** ривоятда ер нимага үхшатылған?

**235.** Шукур Холмирзаев ҳикояларидан бирида вилоятга янги раҳбар бұлған қаҳрамон халқни яқындан билиш йұлларини излайды. Күнлардан бир күн құлиға китоб олади. Беш-олти дақиқа үқиғач, китобни қўйиб, либосини ўзгартыриб кўчага чиқиб кетади.

**Савол:** қаҳрамон қайси китобни үқиған?

**236.** 1970 йиллардаги Будапешт шаҳри. Шаҳар кафеларида қизиқ ҳолатни кузатиш мумкин. Аниқрогоғи, менюда. Дейлик, 1 дона сосиска 6 форинт. Худди шу менюда бир дона сосиска 8 форинт деб күрсатылған.

*Савол: иккинчи ҳолатда унга нима қўшиб сотилган?*

**237.** Жуда кўп экзотик ўсимлик ва жонзотлар яшаши учун маҳаллий аҳоли у ерни «Аллоҳнинг боги» деб атайди. Жак Ив Кусто эса уни мўъжизалар коридори деб атаган.

*Савол: бу жой номини иккита сўз билан ифодаланг.*

**238. Хокку:**

Симдаги чумчукларнинг қаторига  
Қарга келиб қўнди,  
Алифбо бузилди.

*Савол: алифбо қайси сўз ўрнида ишлатилади.*

**239.** Челябинск шаҳридаги бир корхона музейида турли хил предметлар: комсомол билетлари, ҳалқ дружинниги ҳужжати, турли справкалар, ҳатто Монголия компартиясининг аъзолик билети, штатсиз ГУВД ходимининг гувоҳномаси ва бошқа шу каби ҳужжатларни кўриш мумкин.

*Савол: бу музей қайси корхонада ташкил этилган?*

**240.** Тибетга борган туристлар кун ботиш ҳолатига ҳеч қам тушунишмайди. Қуёш ботаётган пайт соатларига қараб ҳайрон бўлишади. Соат тунги 24 ни кўрсатмоқда, қуёш эса энди ботаяпти. Бир-икки кундан кейин бунинг жуда оддий сабабини билиб олишади.

*Савол: сабабни сиз айтинг.*

**241.** Венгер шоири Шандор Петефе шеъридан парча:

Унинг ёқимсиз овози изсиз йўқолмоқда  
Қанот багишлаб гўё ўрмон, дарё, жарлигу қирга.

Шатакка олмоқда ҳатто шалдираб бораётган тунд араваларни.

Унинг парвози излари ортидан ёпиб,  
Бормоқда ҳолсираб соқов туманлар.

Айнан шу сарлавҳали шеърни Некрасов ҳам, узбек шоири Қамчибек Кенжга ижодида ҳам кўриш мумкин.

*Савол: юқорицаги шеърни сарлавҳасини иккита сўз билан ёзинг.*

**242.** Марифатпарвар адаб Абдулла Авлоний ёзган: «У шаҳватни ифратга, газабни шижоатга, манманликни тавозега, ёмонликни яхшиликка айлантира олади».

*Савол: адаб нимага нисбатан бу таърифни берган?*

**243.** Гафур Гулом ижодидан:

Нинанинг учила қудук қазиган  
Азамат эрларнинг кенг майдонисан.  
Садафдай кўксингта инжулар тузган  
Ошиқ шоирларнинг жон, жононасисан.

*Савол: шоир бу тўртликини нимага багишлаган?*

**244.** Япон хоккуси:

Заранг баргига ҳавасим келади,  
У гўзаллик чўққисига кўтарилади,  
Ва...

*Савол: жумлани битта сўз билан тугатинг.*

**245.** Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса инсон ўзида учта хўжалик, рўзгор асбобини кўтариб юради. Биринчиси — ошқозон, қозон.

*Савол: иккинчи ва учинчисини топинг.*

**246.** Инсоният спиртли ичкиликка қарши кўп курашиб келган. Қаердадир бутун бошли узумзорлар пайҳон қилинган, дўконлар беркитилган. Англияда

ичкилилкка қарши курашнинг британча усули ўйлаб топилган. Биринчидан, спиртли ичимликлар нархи кескин оширилган, иккинчидан...

*Савол: иккинчи кескин чорани топинг.*

**247.** Оригинал фикрловчи Иосиф Бродский шундай ёзган: «Ён-атрофдаги жой танқислигини вақтнинг кўплиги билан тўлдириш мумкин».

*Савол: Бродский нимага ёки қаерга бу таърифни берган?*

**248.** Михаил Таль, буюк шахматчиларни композиторларга қиёслаб: «Ботвинник шундай залворли ўйинчики, уни Бахга қиёслаш мумкин. Смисловни Чайковскийга, Петросянни Листга». Ўзини эса бироз енгилроқ жанрнинг қиролига таққослаган.

*Савол: Михаил Таль ўзини кимга қиёслаган.*

**249.** XIX аср. Москвалик ҳунарманд усталарда галати бир одат бўлган. Улар ҳар ҳафтада бир кун ёш уставаччаларининг тарбияси билан шугулланишган ва уларни яхшилаб савалаб туришган. XX асрда эса бу анъана давом этиб, маросим номи сақланган ҳолда моҳияти тубдан ўзгартирилган.

*Савол: усталар бу ҳафталик тарбия сабогини қандай ном билан аташган?*

**250.** А.П. Чехов билан Максим Горький опасингилларга уйланишган. Биттаси ўртанча қизга, иккинчиси кенжা қизга. Энг қизиги, қизлар бошқа оиласаларнинг, бошқа ота-онанинг фарзандлари бўлишган. Лекин фамилиялари бир хил. Ёзувчилар ҳазиллашиб, бу иккаласини божа дейишган.

*Савол: опа-сингилларнинг фамилияси нима бўлган?*

**251.** Петр Андреевич Толстой машҳур ёзувчи Лев Николаевичнинг бобосининг бобоси, Петр I да маҳфий хизматчи вазифасини бажарган. Петрнинг ўғли шаҳзода Алексей чет элга қочиб кетганида уни тутиб келган ҳам Петр Андреевич бўлган. Петр I эса унинг бу хизматларини иккита мукофот билан тақдирлайди.

*Савол: шоҳ қандай мукофот билан тақдирлаган?*

**252.** Жавоҳарлаъл Нерунинг «Ҳиндистоннинг қашф қилиниши» китобида, Бобурий Аврангзебнинг қабул қилган бир қонуни, қоидаси шу кунгача амал қилишини ёзган. Үқимишли ва зиёли Аврангзебга бу қарорни қабул қилишга ундан нарса Ҳиндистоннинг иссиқ ҳавоси бўлган. Буни у Сарой олимлари, мунахжимлари ёрдамида, кўп ҳисоб-китоблардан сўнг қабул қилган.

*Савол: бу қандай қарор?*

**253.** Корнеуль университети тиббиёт факультети доктори Рассель Сесил кенг тарқалган касалликни келтириб чиқарувчи асосий 4 та омилни санаб ўтган:

- А) ёлгизлик;
- Б) молиявий начорлик;
- С) шахталарда узоқ муддат ишлаш;
- Д) бирорга нисбатан зимдан кек сақлаш.

*Савол: доктор Сесил қайси касалликни келтириб чиқарувчи омилларни санаб ўтган?*

**254.** Катмандулик Идорис Макут XX асрнинг 70 йилларида жуда кўп маротаба Жомолунгмада бўлган. Саёҳатлари ҳақида ёзган Макут, ҳатто бир гал бўйнига қўнгироқ ҳам илиб чўққига кўтарилганини ёзди.

*Савол: Макут кимга йўлбошчилик қилган?*

**255.** Денгизчи-матрослар шимини эсланг.

*Савол: нега уларнинг шимлари почаси кенг бўлади?*

**256.** XIX асрда Грузияда ундай оиласалар жуда кўп бўлган. Чунки унга эришиш учун онланнинг бир неча арка ери ва 15-20 та қўйи бўлса бўлгани эди.

*Савол: бир неча арка ери ва бир нечта қўйи бўлган оила нимага эришган?*

**257.** Афсонага кўра, Аллоҳ таоло қопда ризқ улашганида, ҳаммага ундан битта-битта тарқатган экан. Кавказга келганда, у қопда нима бўлса, бари тўкилиб кетган, дейилади. Шундан бўлса керак, Кавказда у нарса жуда сероб.

*Савол: Кавказда нима сероб?*

**258.** «Буюклар ҳақида» китобида уларнинг бири уйқучи экани, жангдан олдин бироз мизгиб олиш тарафдори экани айтилади. Иккинчиси эса сутқада 3-4 соат ухлаган, холос. Уйқудан сўнг олинган яхши дам биринчисига катта ёрдам бергани тариҳдан маълум.

*Савол: гап кимлар ҳақида кетяпти?*

**259.** Гананинг Ашанти қабиласида чақалоқларга тутилган кунига қараб исм қўйилар экан. Душанба куни тутилган болаларга Кеджо, сешанба куни туғилса, Кобла, чоршанбада — Кваку, пайшанбада — Квао, шанбада — Кваме, якшанбада — Кваши деб қўйилар экан.

*Савол: 2001 йилдаги бир воқеани эслангда, айтинг, ашантиликлар жума куни тутилган ўғил болаларга қандай исм беришган?*

**260.** У ҳақидаги биринчи иқтибос:

Емиш қидириб бир кунда 30 км.гача юради;

Иккинчи иқтибос:

Алексей Нейман Анна Ахматова учун у эди.

Учинчи иқтибос:

**ЖАР** гербида ҳам уни кўриш мумкин.

**261.** Ёзувчи Юлиан Семёнов билан актёр Вячеслав Тихонов 1978 йилда ташкил этилган мукофотнинг илк совриндорлари бўлишган.

*Савол: мукофот таъсисчисининг номини ёзиб беринг.*

**262.** 1965 йилда айтилган бу иборадан бир тоифа аҳолининг, миллатнинг эмас, кўнгли тогдай кўтарилиб қолган. Ибора қўйидағича эди: «Биз ҳеч ким олдида бош эгмаймиз, ҳалқим олдида бош эгишим мумкин, аммо қироллар олдида эмас».

*Савол: бу иборани ким айттан?*

**263.** Жак Ширак Франция президентлигига сайдланганда унинг кабинетида учта шахснинг сурати бўлган: Людовик XIV, Шарл де Гол ва унинг сурати.., гарчи у француз бўлмасада, президент учинчи суратдаги шахсни жуда қадрлаган. Дарвоқе, учинчи шахснинг болалигида лақаби «француз» бўлган.

*Савол: учинчи шахснинг кимлигини топинг.*

**264.** Биласиз, милицияда итлар ҳам хизмат қиласди. Овчарка, ротвейлер, лабрадор каби. Ҳарбий соҳада эса кўпроқ спаниел ити фойда беради. Биринчидан, спаниел зотли итнинг жуссаси кичик, қўрқмас бўлади. Иккинчидан, ундаги бир нуқсон ҳам ҳарбийларга мос тушади.

*Савол: қайси нуқсони?*

**265.** 1995 йилги маълумотга кўра, ўта оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлган Жеймс Смит бир соҳада ягона бўлган. Чунки унгача жаҳон чемпионларини бирортасида у бўлмаган.

**Савол:** Жеймс Смит бошқа чемпионлардан нимаси билан фарқ қиласди?

**266.** Аввалари Кубада ўтказиладиган карнавалларда жуда кўп нохуш воқеалар, қасди бор одамлар бир-бiriни ҳатто ўлдириш ҳодисаларигача содир бўлган. Ҳокимият тепасига Фидел Кастро келгач, карнавалларни тўхтатмади, лекин у бир нарсани бекор қилди.

**Савол:** нимани?

**267.** Шон Пеннинг бир фильм қаҳрамони доимо гуллари сояда касалманд бўлиб ўсаётганидан нолийди. Аммо кунларнинг бирида унинг муаммоси бирдан ҳал бўлади.

**Савол:** қайси йил, кунда бу воқеа содир бўлади?

**268.** Машҳур бразилиялик футболистлар ҳақида гап кетганда, уларнинг тахаллуслари алоҳида Ўрин тутади. 2000 йилларда Бразилия футболида ёш бир футболчи пайдо бўлади. У машқ ва йигинларга доим бўлгуси рафиқасини олиб юриши билан бошқалардан фарқ қилган. Жамоадошлари шундан келиб чиқиб, унга лақаб қўйишади.

**Савол:** у ким?

**269.** Япония кўчаларида ҳар қадамда савдо қиладиган электрон автоматлар қўйиб ташланган. Айрим автоматлар тепасида ҳатто камералар борлиги диққатни тортади.

**Савол:** бу электрон автоматлар нима билан савдо қиласди?

**270.** «Юқоридан назар» асари персонажининг монологидан парча: «Бу борада менга эркаклардан кўра аёллар маъқул. Уларнинг кийинишлиари менинг эркин ҳаракат қилишимга ёрдам беради. Эркаклардачи,

кийимлари дагал, бунинг устига улар жуда агрессив бўлганидан, уларга унча ҳушим йўқ», дейди. Юрий Никулин улар ҳақидаги бир латифасида: «Тажрибали кишилар уларнинг 100 тасини боқади, тажрибасизи эса бир кунда мингтани боқади».

*Савол: монолог муаллифини топинг.*

**271.** Будда ҳайкали сақланадиган ибодатхонадаро ҳам кўриш мумкин. Онда-сонда ташриф буюрувчилар уларга таъзим ҳам қилиб қўйишади. Бунинг битта сабаби бор.

*Савол: қандай сабаб?*

**272.** Копенгагенда думалоқ минора бўлиб, у данияликларнинг ифтихори саналади. Андерссон эртакларида ҳам у ҳақида ёзилган. Пётр I Копенгагенда бўлганида минора тепасигача отда чиқиб ҳаммани ҳайрон қолдирган. Унинг хотини Екатерина Iники Петр I никидан ҳам ошиб тушган.

*Савол: у қандай қилиб эриини ортда қолдирган?*

**273.** Африканинг Огого қабиласи тасавурида мард ва қўрқмас бўлиш учун уни ейиш керак, деган гап бўлган. Уни топиш, унга эришиш учун мардларнинг марди бўлиш керак. Уинстон Черчилл «Британиянинг тутилиши» асарининг 14 бобини ҳам шундай атаган.

*Савол:aborигенлар мард бўлиш учун нима ейиш керак деб билишган?*

**274.** Немисларнинг Баден-Баден шаҳри қадимги Римга қарашиб бўлган вақтида шаҳар бир галати ном билан аталгани тарихда ёзиб қолдирган.

*Савол: қайси ном билан?*

**275.** Аслида бу Аполлоннинг совгаси бўлгани ҳақида тарихда ёзиб қолдирилган. Айтишларича, у Кавказ

худудида йўқолган деб ҳам қайд этилади. Лекин бир совет олими, ўз гуруҳи билан уни Москва яқинидан қидириб топган. Илмий гуруҳнинг ютугини омма йиллар давомида олқишлиб келмоқда.

**Савол:** гуруҳ раҳбари бу экспедициягача қайси муассасанн бошқарган?

**276.** Лочин билан ов қилиш XVII асрда москвалик бойларнинг ажойиб хоббисига айланади. Итлар билан ов қилишдан, қушлар билан ов қилиш битмас-туғанмас роҳат багишилагани айтилади. Ҳатто шундай бир қўргон ҳам ташкил қилиб, уни шу ном билан аташган.

**Савол:** қайси ном билан?

**277.** Гимназия директори Дъяконов қишин-ёзин оёғида калиш ва қўлида соябон билан юрган. Муаллиф ўз кўзи билан кўрган киши Россиянинг айлан шу шаҳрида яшарди.

**Савол:** қайси шаҳарда?

**278.** Гарчи Рим ақидаларига риоя қилишмасада, японлар бутун айнан уни истеъмол қилиш бўйича (киши бошига) олдинги ўринда туришади. Ҳозир ҳатто йирик бир фирма ҳам маҳсулотини реклама қилишда ундан фойдаланмоқда.

**Савол:** унинг нималигини эмас, ундан ўз рекламасида фойдаланаётган фирмада номини топинг.

**279.** Драматург Карл Гуцков: «Француз аёллари ҳисоб-китоб билан турмушга чиқади, инглизлар турмушга чиқиши керак бўлгани учун, олмон қизлари эса севиб турмуш қуришади. Уларни биринчиси сергап, иккинчиси камгап, учинчиси фақат тинглашни ёқтиради». Шундан келиб чиқиб Карл Гуцков башорат қиласди.

*Агар биринчиси фақат асал ойида севса, иккинчиси сунгти нафасигача севса, учинчисининг севгисини узбекча атамасини ёзиб беринг.*

**280.** Роберто Донадони Италия терма жамоасига бош мураббий бўлган чоглари, Торсхавна шаҳрига кираётганида божхона ходимлари паспортининг вақти утгани боис озгина ушлаб қолишади. Божхона гуруҳи раҳбари ҳолатни тўғри бақолаб, муаммони тезда бартараф қиласди. Шунда Донадонининг, уйинни томоша қилгани келинг, деб қилган таклифига у гайриоддий жавоб беради.

*Савол: унинг жавобини ёзиб беринг.*

**281.** Парижлик машҳур Шарл Анри Сансон Жозеф исмли профессор-шифокор билан қўшни бўлган. Улар тез-тез чойхўрлик қилиб туришган. Скрипка чалиб у ёқ-буёқдан суҳбатлашиб утиришган. Шундай чойхўрликлардан бирида профессор Сансонга бир янгилик қилганини айтади. Сансон учун бу янгилик маъқул келади. Хурсанд бўлиб шу кундан бошлаб профессорни ўзига ҳамкасб деб атай бошлиайди.

*Савол: Сансон қандай янгиликдан хурсанд бўлганини эмас, қўшниси Жозефнинг фамилиясини топиб беринг.*

**282.** Леонид Куравлёв «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради» фильмида бир детални таърифлаб, унинг устига керосин қуйиб ёқилгани ҳақида айтади. Бу деталь ўз пайтида жуда қиммат бўлган.

*Савол: фильмда ишлатилган қайси оддий деталь ҳақида гап кетаётганини айтинг.*

**283.** Қадимги Мисрда бойлар вафот эттач, уларни саркофагларда кўмишган. «Саркофаг» сўзи юончча сўз бўлиб, таржимаси «гўшт ейувчи» маъносига яқин

келади. Айнан саркофаг ясалган қурилиш ашёсидан келиб чиқиб улар шундай аталган.

*Савол: саркофаг қандай ашёдан ясалган?*

**284.** Машхур физиолог Уильям Шендон инсонларни уч турга ажратади: эктоморфлар, мезоморфлар, эндоморфлар. 1953 йили бу илмий номланишлар зълон қилинди. Ундан олдин халқ тилида бу илмий қарашиб ўзгача, оддий юритилган. Халқ тилида ҳозир ҳам оддий ва тушунарли номланади.

*Савол: халқ тилида эктоморфлар, мезоморфлар, эндоморфлар қандай аталади.*

**285.** Бу сурат күпчиликка салбий таъсир ўтказади. Суратни томоша қилиб туриб ҳатто ҳушидан кетиб қолғанлар ҳам бор. Рұхшунослар суратда қон ниҳоятда бүрттириб күрсатылғани боис, шундай салбий таъсир кучига эга деб баҳолашади. Санъятшунослар эса суратни тарихийліги ва уйдирма әмаслигини сабаб қилиб күрсатышади.

*Савол: дүнёга машхур қайси сурат ҳақида сұз кетмоқда?*

**286.** Гондурас байроби неча рангдан иборат?

Байроқ икки, аниқроби уч қисмдан иборат. Үртаси оқ, юқори ва қуийи қисми зангори рангда берилған. Гондурасликларнинг пок қалби оқ рангта қиёсланған. Иккита зангори ранг эса ...

*Савол: иккита зангори ранг остида қайси икки жой назарда тутилған?*

**287.** Пикассо ижодини ўрганған санъятшунослар, унинг ўсмирилк даврида ишлаган суратларидан биронтаси ҳам қолмаганини аниқлашған. Уларнинг фикрича, рассом бу даврда кунига 5-6 та сурат чизған. Рассом уларни аёвсиз ёқиб ташлаган экан.

*Савол: Пикассо нега уз асарларини ёқиб юборган?*

**288.** Бутун дунё Тиббиёт Ташкилотининг касб касалликлари бўлимининг қайд этишича, мактаб ўқитувчилари орасида полиоз касаллиги кўп учрар экан. Касаллик хавфли эмас, юқмайди қам.

*Савол: бу касалликнинг асосий симптоми нима?*

**289.** Кубада сафра деган мавсум бор. Узоги бир ой давом этадиган сафра ниҳоясида 24 соат байрам бўлади. Испан тилида бу байрам «Фиеста» деб аталади. Айнан сафрадан кейин «Фиеста» қилинади.

*Савол: сафра қандай мавсум?*

**290.** 1912 йил Францияда биринчи аэродинамик лаборатория ишга туширилди. Лабораториянинг асосий вазифаси самолётларни синаш эмас, кўприклар ва бошқа иншоотларни синаш бўлган.

*Савол: лабораториянинг асосчиси ким?*

**291.** Ҳар йили Американинг Индианаполис шаҳрида Инди-500 номли автопойгалар бўлиб ўтади. Бу пойгалар оддий стадионларда айлана шаклида ўтказилади. Пойгаларнинг яна бир фарқи автомобиллар метанолда ҳаракатланади.

*Савол: бу пойгаларда нега метанол ёқилгиси ишлатилади?*

**292.** Ватикандаги машҳур Авлиё Пётр мақбараси гумбазининг юқори қисмида ёргу тусиши учун атай каттагина тешик қолдирилган. Ўтовнинг тепа қисмида ҳам худди шундай тешиклар бўлади. Ёмғир ёққанда ўтовнинг тепаси кигиз билан ёпиб қўйилади. Аммо Ватикандаги мақбара тешиги ёпилмайди. Лекин бир томчи ҳам сув пастта тушмайди.

*Савол: ёмғир томчиси нега пастга тушмайди?*

**293.** XVIII-XIX асрларда Европада бир касб згаларининг құллари сип-силиқ, биронта чизнұ ҳам, ботиқ жойы ҳам бұлмаган. Россияда ҳам бу касб згалари жуда күп ва ҳурматли булишган.

*Савол: бу касб згаларини топинг.*

**294.** Үргимчак жуда очофат ҳашарот ҳисобланади. У әрталаб иккита пашша, тушликда капалак, кечқурун бир-иккита чивин ейди. Олимлар үргимчаклар ҳар кекки овқатда уни десерт үрнида истеъмол қилишларини қузатишган.

*Савол: үргимчак ҳар кеч нимани десерт үрнида ейди?*

**295.** Кипрға борған сайёхни албатта үша қасрға олиб боришиади. Қасрда құпчилик билған, үқиган муджиш воқеа содир бұлған.

*Савол: XV асрда қурилған бу қаср Кипрнинг қайси шаҳрида бунёд этилған?*

**296.** Арасту уни саккиз хил бұлади деган. Карл Линней XVII асрға келиб уларни түққиз хил эканлигини айтади. XX аср бошида яшаган олмон Ганс Хеннинг унинг асосан 4 хилии борлигини, шу 4 хилидан ажралиб чиққанлари бениҳоя күп эканини ёзған. Демак, унинг асоси түрт хил. Айнан шу түрт хилини ҳаммамиз ҳар куни бир неча маротабадан сеза оламиз, шу асосий 4 хилини ҳосил қилиш үз құлымизды.

*Савол: Ниманинг түрт хили түгрисіда гап боради?*

**297.** Тарихдан маълумки, Усмонли турк давлати Европани деярли истило қылған. Усмонли турклар ҳамма босиб олған ҳудудларида геноцит ва зұравонлик сиёсатини олиб боришиган, лекин насронийлик динидагиларга ибодат қилишлари учун чеклашлар

бұлмаган. Фақат янги қурилған черковларда бир нарса бұлмаслиғи қаттық талаб қилинганды.

**Савол: нима талаб қилинганды?**

**298.** Инглиз ёзувчиси Гилберт Честертоннинг таъкидлашича: «У кимда күп бұлса ва ундан күп фойдаланса, ҳеч қаңон унга сиғинмайды, унга сиғинувчилар эса ундан кам фойлаништани учун унга тобелар».

**Савол: юқорицади таъриф нимага берилганды?**

**299.** Япония давлатида 3 феврал куни дуккакли маҳсулотларни улоқтириш кечаси байрам қилинады. Ўй остонасида туриб олиб навбатма-навбат аниқ сондаги дуккаклилардан ташқарига улоқтирилади. Бу билан улар үзларига баҳт тилашиб, ёвуз рухларни қувишади.

**Савол: ҳар бир япониялик неча донадан дон улоқтиради?**

**300.** Дунёда энг қиммат жониворлардан бири отлар ҳисобланады. Тарихчиларнинг фикрича, Уайт Суррей лақаблы от дунёда энг қиммат нархлаиган от экан. Бу от нархлаиган, сотилған эмас.

**Савол: от қанчага баҳоланғанды?**

**301.** 1856 йили Англия парламенти Бенжамин Холл чсмли бир жанобға бир шарафли ишни топширади. Бу шунчалар шарафли вазифа эканини жаноб Холл үша пайлари сезмаган ҳам бұлиши мүмкін.

**Савол: Англия парламенти унга қандай вазифани топширган зди?**

**302.** Статистик маълумотларға күра, Европада суюқлик ичиш бүйича инглизлар олд үринде турар экан. Чой ва кофедан ташқары яна бир ичимлик инглизлар томонидан күп истеъмол қилинады.

**Савол:** чой ва кофедан ташқари яна қайси ичимликни инглизлар күп истеъмол қилишади?

**303.** Ҳинд афсонаси «Ригведа»да шундай ривоят бор. «Кунлардан бир куни чангалзорга ўт кетади. Талвасага тушган ҳайвоnlар жон ҳолатда ўрмонни ташлаб қоча бошлайдилар. Шунда бир читтак кўлга учиб бориб, тумшугида сув олиб келиб ўтни учира бошлайди. Буни кузатиб турган осмон худоларидан бири: «Сен бутун умринг давомида ҳам бу оловни учира олмайсан-ку, нега чиранаяпсан», дейди. Шунда читтак унга шундай бир жавоб берадики, осмон худоси унинг куйди-пишдилигига, шижоатига қойил қолади, шу митти қушча учун жала юбориб ўтни учиради.

**Савол:** *Худо қушнинг қайси гапидан таъсирланиб ўтни учиришга жазм қилган?*

**304.** «Заковат» сандиқчаси олиб чиқилсин.

Шерлок Холмс ҳақидаги ҳикоялардан бирида машҳур изқувар Бейкер-стритдаги қамоқхонада тутқунларга бериладиган ашёлар дафтарчасини бир жойини ўқиб аввал тушунмайди. Унда ёзилишича, июл ойи учун 4 та, октябр ойи учун 11 та, декабр ойи учун 18 та берилди деб ёзилган эди. Айнан ҳар ойда, ҳар хил сонда тутқунларга берилган нарса сандиқча ичида турибди.

**Савол:** *сандиқчада нима бор?*

**305.** Симфоник мусиқа жанрларидан бири драматик сюжетта бойлиги, солистлар, хор ва оркестр учун мослаб ёзилиши билан ажralиб туради. Операнинг бир қанча элементлари у жанрда ифодаланади. У жанрнинг номи лотинча «сўзамол», «сўзга чечан» маъноларида қўлланилади.

**Савол:** *бу мусиқий жанрнинг номи нима?*

**306.** Дунё бўйича бундай шаҳарлар сони унчалик кўп эмас. Бундай шаҳарлар қаторини Рим бошлаб берган. Кейинчалик Константинополь, Афина, Багдод, Лидиялар ўшандай шаҳарлар қаторига киритилган.

*Савол: бу шаҳарларнинг бир хилиги нимада?*

**307.** Британиялик Филипп Дъюгмар исмли жарроҳ 1981 йилдан бери бир дақиқалик операциялар қилишни бошлади. Бу операция бир дақиқада тугаши керак, йўқса bemor нобуд бўлиши тайин. Бошида у бир дақиқада улгурга олмай анчагина bemorларнинг ўлимига сабаб бўлди. Тажрибаси орттан сари берилган муддатда жарроҳлик ишларини қилиб улгурга бошлади. Шундан бери минглаб bemorларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

*Савол: Дъюгмарнинг bemori номини топинг.*

**308.** Мопассаннинг «Қирғоқ» номли асарида шундай лавҳа бор. Унда муаллиф ҳар куни эрталаб савдогар аёлларнинг овозидан уйғониб кетиши келтирилган. Улар ҳар куни эрталаб уйма-уй юриб савдо қилишган.

*Савол: Аёллар ниманинг савдоси билан шутулланган?*

**309.** Лотин тилида инсоннинг танаси қандай аталишини биласизми? Бу сўз билан, яъни лотинча тана сўзи билан ҳозирда ҳарбий қисмлардан бири аталади.

*Савол: лотин тилида тана қандай аталади?*

**310.** Никарагуа, Боливия, Лихтенштейн, Саудия Арабистони, Колумбия, Филиппин, АҚШ каби давлатлардаги бир хил ўхшашликни белгиланг.

**311.** 1800 йил бошларигача Хитойда амалда бўлган қонунга кўра, хорижликларга уни ўргатиш оғир

жиноят ҳисобланган. Бир гуруҳ хорижликларга уни ўргатгани учун Лю-Яо-Банъ исмли кишининг боши танасидан жуда қилинган. Чунки қонунда у Хитойники ва фақат Хитойники бўлиб қолиши керак дейилган. 1798 йили бир гуруҳ зиёлилар императорга бу жиноят эмас, аксинча эканини тушунтириб мактуб йўллашади.

*Савол: Лю-Яо-Банни нима учун жазолашган?*

**312.** Томас Эдиссон XIX аср охирларида фонографни, яъни гапирадиган аппаратни ихтиро қилгач, ундан интервью олишганда ҳазиллашиб: «Тинимсиз гапирадиган аппаратни мен ихтиро қилмаганман, у аппарат бир неча минг йиллар олдин яратилган эди», деб айтади. Мухбир ундан биринчи гапирадиган машинани номи нима бўлган деб сўраганда, Эдиссон шундай жавоб берган.

*Савол: гапирадиган биринчи аппарат деб Эдиссон ким ёки нимани кўрсатган?*

**313.** 1995 йилдан бўён ҳар 1 май кунида Бразилияning бошқа давлатлардаги элчихоналари олдига ишқибозлар гуллар олиб келишади. Улар ўз кумирларини шу тахлит ёдга олишади. Рио де Жанейродаги илгари Амадейро деб номланган бульварни-ку айтмаса ҳам бўлади. Уни ёд олиш учун келганларнинг сон-саноги йўқ, улар келтирган гуллардан бульварда бўш жойнинг ўзи қолмайди.

*Савол: Амадейро деб номланган бульвар бугун қандай номланади?*

**314.** Гомерда шундай ўхшатиш бор: «У очкўз ва жоҳил, ўз манфаати йўлида инсонни аямасдан азобларга дучор қила олади. Унинг буйруги билан денгизларда сузамиз, одамларни талаб, ўзимизни бойитамиз. Унга содиқ инсон тақдири доимо аянчли ниҳоя топган. Ҳаммамиз унинг овозсиз буйругига

сүзсиз бўйин эгамиз. Эрталабдан уни рози қилиш тадоригини кўрамиз».

*Савол: Гомер достонидаги қўл билан ушласа буладиган жоҳил ва очкӯзнинг номи нима?*

**315.** Александр Сергеевич Пушкин уни кўриб ҳайратдан шундай деган эди:

Ер қимиirlаб, тўсинлар бошга қулаб, оломон қўрқувдан оҳу фарёд чекиб, ёшу қари бу дўзаҳдан қочмоқчи, аниқроги, қочишига жой қидирмоқда. Олов ва тош осмондан ёғилиб, табиатни бир зумда бўтизланган танадек ҳолга солгани, қнёмат қойимдан дарак эди гўё.

*Савол: Пушкиннинг ҳайратига сабаб бўлган воқеа нима?*

**316.** XX аср охирларида Лондоннинг «Кристи» аукционида 12 минг долларга бир эълон, афиша сотилди. У 1912 йилда чиқарилган реклама плакати булиб, унда хоҳловчиларни ёқимли ва ўта ажойиб сайрга таклиф этилган эди.

*Савол: плакатда бу сайд қаердан бошлиниб, қаерда тугаши ҳақида ёзилган эди?*

**317.** 1600 йил Япониянинг Кагосима шаҳрида мушуклар учун мақбара қурилган. Буни қурдирган уша даврдаги япон императори узоқ ҳарбий сафарларга ўзи билан доимо 10 тача мушукни олиб юрган. Мушуклар унга вақтни аниқлашга ёрдам берган. Шунинг учун ҳам ҳозир у мақбара соатсозлар зиёратгоҳи деб ҳисобланади.

*Савол: мушуклар орқали вақт қандай аниқланган?*

**318.** Дунёнинг энг зўр, афсонавий баскетболчиларидан бўлмиш Майкл Жордан Найк фирмаси билан 2010 йилгача шартнома имзолаган. 15 йил давомида Майкл Жордан фирма кийимларини

реклама қилиб бериши керак. Найк фирмаси бунинг эвазига унга бир дунё пул бериши ва маҳсус ҳайдовчиси билан автомобиль ҳам тортиқ қилиши лозим экан.

*Савол: фирма нега Майкл Жорданни автомобиль ва унинг ҳайдовчиси билан таъминлашни ўз бўйнига олган?*

**319.** Швейцария соатсозлари бир неча асрлардан бўён бу соҳада тенгсиз ҳисобланишади. Соатнинг деярли ҳамма қисмлари, мурватларини, ҳатто шишиасини ҳам ўzlари ишлаб чиқаришади. XVIII асрда бир австриялик мутахассис соатсозларга бир қизиқ таклиф киритади. Соатсозлар унинг гояси ва таклифини жон деб қабул қилишади ва соатсозликда янгилик яратишади.

*Савол: австриялик мутахассис ким эди ва у нимани усталарга таклиф этган?*

**320.** У нарса Японияга XX аср бошларида кириб келди. Унинг пайдо бўлиши билан Японияда коцюбен касби ҳам пайдо бўлди. Коцюбенликка овози чиройли, шу билан бирга актёрлик маҳорати бор бўлган кишилар танлаб олинган. Тез орада улар халқ орасида машҳур бўлиб, энг обрули инсонларга айланишган. Аммо маълум муддат ўтгач эса кераксиз бўлиб четта сурилиб қолишган.

*Савол: қандай янгилик коцюбен касби эгаларини ишсиз қолдирган?*

**321.** Рим папаси учун маҳсус тикиладиган шарф учун мато, азал-азалдан «Заковат» сандиқчаси каби сандиқчаларда тайёрланган.

*Савол: қандай қилиб сандиқчалардан мато учун хом ашё олиш мумкин?*

**322.** XVI асрда Рим ҳукуматига Венеция шаҳар ҳокими Фабрицио Нуорте таклиф хати жұнатади. Үнда шаҳардан б чақирим нарида жойлашган сұлым Сан-Микель оролчасини Венеция ихтиёрига бериш сұралған зди. Рим папасининг аралашувидан кейин орол Венеция ҳудудың киригилади.

*Савол: хатда Сан-Микель оролчаси Венецияга нима учун керак дейилган?*

**323.** «Заковат» сандиқчасида доимийлик, садоқат, узвийлик, улуғлик рамзи бұлған бир нарса бор. У нарсаларнинг сифатини жуда яхши сақлады. Шунинг учун бу нарса бебақо саналади.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**324.** Голланд Эдвин Лендсир ўз суратларида уларни энг күп тасвирлаган рассом сифатида әттироф этилган. Тұтры Брейгель, Гойя, Ренуар, Тициан, Рубенс, Ваттол асарларида ҳам улар учрайди. Аммо біронтаси Эдвин Лендсирчалик уларни күп чизмаган. Санъатшунослар аниқ нечта суратда уни тасвирланғани ҳисобига ҳам ета олишмайды.

*Савол: Эдвин Лендсир нимани ўз суратларида күп чизған?*

**325.** Лев Толстой граф оиласида катта бұлған. Ұсмирлик чогидан у оддий ҳаёт тарзини маъқул күрган. Деңқонча кийиниб, ер ҳайдаб, мол боқиб юрган. Үзининг графлигини ошкор қилишини истамаган. Ҳатто илк ижод намуналарига Лев Толстой деб змас, бөшқа исм-шарифни қўйган. Толстой графлигини беркитиш мақсадида жуда оддий ва үзига яқин бир номни танлайды.

*Савол: Толстой тахамус сифатида қўммаган номнинг бош ҳарфларини топинг.*

326. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» асари қаҳрамони Чацкий бу янгиликни күриб, бир ёқтириб, бир ёқтирмай, дам хушлаб, дам хушламай, сұнг унга шундай баҳо берган:

«Хаёлингга келмас нарсаларни  
Үйлаб топишар қаранг.  
Олди томони томоққача йиртилган,  
Орқасида узун думи, таранг тортилган.  
Богичлари сиқилғач, ҳаракатлар чекланур,  
Нафас олиб, сұнг зұрга  
Икки юзинг қызарур».

*Савол: Чацкий нимага таъриф бермоқда?*

327. Машхұр француз адеби Стендаль «Италия хроникаси» даврий асарида көлтиришича, үша даврлардаги вакт ҳисоби ҳозирғи ҳисоб-китобға умуман үшшамас экан. Масалан, юқоридаги хроник асарида у шундай маълумотни көлтиради: «Ҳар куни соат 13 да, (соат 8 демоқчи) қардошлик қамоқхонаси эшиги очилиб, маҳбусларни күргани келгандарни рүйхатта олиш бошланади».

*Савол: нимага асосланиб улар зерталабки 8 ни 13. 00 деб ҳисоблашған?*

328. «Заковат» сандиқчаси ичида унинг сурати бор. У Иккінчи жағон урушигача ёғочдан ясалған. Урушдан кейин эса уни ҳатто тилладан ҳам ясашған. У саноқлы кишиларда ва ҳатто бир сичқонда ҳам бор.

*Савол: сандиқчада ниманинг сурати бор?*

329. Үнчалик катта бұлмаган Америка қытъасидаги бу давлатнинг номи бир дарё номидан олинған. Улар қылған ишни Англия, Германия каби давлатлар анча кейин амалға оширган. АҚШ, Россия каби йирик давлатлар умуман ҳали амалға оширмаган.

Савол уч қисмдан иборат: бу қайси давлат, Германия ва Англия у давлатдан неча йил ўтиб, улар қилган ишни қайтаришган?

**330.** Бразилияда футбол таргиботи учун жуда кўп ишлар қилинади. Мавсум сўнгида турли номинацияларда совгалар топширилади. Сандиқчадаги мосламани ўз дарвозасига энг кўп гол киргизган, автогол соҳибига топширишади. Унинг футболчига, футболга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин дарвозасини адаштириб қўйган футболчига бундан зўр совга ҳам йўқ.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**331.** 1994 йили АҚШда булиб ўтган футбол бўйича жаҳон биринчилигида Швеция терма жамоаси 3-уринни эгаллаган. Худди шу куни Стокгольмдаги касалхоналарга бир қанча bemorlar murojaat қилишган. Уларнинг ҳаммаси тан жароҳати олган ва ҳамма bemorларнинг жароҳати тананинг бир қисмидан бўлган.

*Савол: bemorлар қаерларидан лат ейишган?*

**332.** Метро инсоният ўйлаб топган энг фойдали ва экологик тоза транспорт турларидан бири. Дунёнинг кўпгина шаҳарлари қатори Тошкентда ҳам 1977 йилдан бери ер ости транспорти ҳаракатда. Париж metrosida яқин-яқинларгача бир қизиқ ҳолат мавжуд эди. Чипталар биринчи ва иккинчи тоифага ажратилар эди. Биринчи тоифа вагонларининг нархи 2 баробар қиммат бўлган.

*Савол: биринчи ва иккинчи тоифа вагонлари орасидаги ягона фарқ нимадан иборат эди?*

**333.** XX асрда кўпгина Ҳарбий Академияларда у фан сифатида мажбуран ўқитилган эди, у бўлгуси зобит учун ниҳоятда зарур экан.

*Савол: нима Ҳарбий Академияларга мажбурний фан сиғатида киритилган?*

**334.** Кинода имитация унинг таъсирини оширишда муҳим ҳисобланади. Масалан, дарё тұлқинини имитаторлар тогорага сув солиб ҳам ҳосил қила олишади. Ингичка ипак лентачани таранг тортиб, чертилса ўқ овози чиқади. Крахмал солинган қопча кафтга олиб ишқаланса, қорнинг гичирлаши эшитилади.

*Савол: имитаторлар гуттурт орқали қандай овозни ҳосил қилишган.*

**335.** Англия қиролларидан бири Генрих VIII жуда қаттиққұл ва адолатлы, ажабланарлеси уришқоқ, аммо зиёли шахс бұлған. Урушлардан бұш вақтларида Англиянинг бу ҳудудида бұлишни жуда ёқтирган. Қиролнинг жой ҳақыда «Англиянинг ҳеч бир ҳудуди бу жой каби даромад келтира олмайды», деб айтған бир ибораси ҳалигача одамларнинг эсида.

*Савол: қирол қаерни назарда туттан?*

**336.** «Олмослар тарихи» китобида ёзилишича: 50 каратдан ошгандағина олмосга шундай ном бериш мүмкін.

*Савол: кattагина олмосга қандай ном берилади?*

**337.** «Заковат» сандиқчаси ичидағы нарсаннинг узбекча атамаси бору, аммо уни күпчилик эшиитмаган. Назир Сафаровнинг «Догули» ҳикояси қаҳрамонларидан бири унга жуда оддий, халқона ном берган. У сандиқча ичидағини «сирли идиш» деб атаган.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**338.** XX асрнинг 70 йиллари италиялик санъатшунос Жованни Морелли ҳақиқий суратларнинг нусхасыдан

ажратишнинг янги усулини топди. У суратни құллари, бармоқлари, қулогининг чуқурчаси, тирноқлари орқали ажрата олган. Қарийб 100 йил аввал Дублиндаги санъат галереяси директори ҳам бу усул билан қизиққан экан. Аслида Морелли топган услуб галарея директори жияни ёзган асарларида берилган эди.

*Савол: галерея директори жиянининг исм-шарифи ким?*

**339.** 1892 йили Буюк Британияда Колумбнинг Американи очганига 400 йил түлиши муносабати билан Колумб тасвири туширилган марка нашр қилинади. Маркадаги суратда Колумб кемада узоқça қараб турғани тасвирланади. Кейинроқ бу марка бир тарихий хатолик туфайли йигиштириб олинади. Хатоликни күпчилик тушунмаслиги мумкин эди.

*Савол: Христофор Колумб күринишидаги қандай даврий хатолик туфайли маркалар бекор қилинган?*

**340.** Андрей Вознесенский бир шеърида, уни инсон елкаси ва осмон уртасидаги элчи эканини айтган. Твардовский унга қарши чиқиб, елка ва осмонга ёноқ ҳам ёрдам бермаса, улар иккиси ҳеч нарсага қодир змас, деб зътиroz билдирган.

*Савол: тана аъзоларидан яна қай бири уни ишлатиш учун керак?*

**341.** Инсондаги бир хислатта Рендом Уорти шундай таъриф беради: «Нодонлик ва дангасалик қучайган ерда у болалайди. У бутун дунёни сувга ботириб, оғзини бир очиб ёпиши учун оламни қурбон ҳам қила олади. Кўп салбий иллатларнинг отаси ҳам, онаси ҳам — у».

*Савол: Рендом Уорти нимага бу таърифни бермоқда?*

**342.** Қадимги Шарқ файласуфлари қайдномаларида олтита мусибат инсонни бир умр қийнаб ўтиши ёзилади. Шундан тұрттаси ташқи таъсир оқибатида инсонни кулфатда қолдирағи дейилган. Очлик, сувсизлик, жазирама — қургоқчилик, аёз — совук ҳарорат инсон жисмини, танасини азобга солади. Бешинчи мусибат айёрлик, душманлық бұлиб, уни кишиларнинг үзи бир-бирига рұбару қиласы. Шарқ алломалари қайд эттан олтинчи мусибаттаға инсоннинг үзи күпроқ сабабчи бұлади.

**Савол: олтинчи мусибатни инсоннинг бошиға нима солади?**

**343.** Файласуф Конфуций: «Орангизда учрайдиган бундай инсонлар билан бирга бұлманды. Ҳукмдорлар чиқаражак қонунлар ҳам айнан уларни йұлға солиши учундир. Мабодо қонун ҳам йұлға сололмаса унда мажбурлаш лозим. Чунки улар жамият учун хавфлидурлар», деб ёзған зди.

Савол эса таърифланған инсонларнинг акси бұлған кишилар ҳақида: у инсонга обрұ, шон-шавкат келтиради, манманлыкни ер билан яксон қиласы. У инсон умри давомида әгаллаши мумкин бұлған одат, урға қатто санъатдир. Бундай инсонларнинг күпроқ бұлғани яхши. Ҳар иккала таърифдагилар кимлар?

**344.** А. П. Чеховнинг «Пашша дориси» ҳикоясида бир тарих үқитувчиси, гимназия мудири билан айтишиб қолиб, жанжал орасида: «Менга Рим императорига қилинған мулозаматни қилманг», дейди. Тарихдан анча узоқ бұлған мудир у қандай мулозамат бұлды, деб боши қотади.

**Савол: гимназия мудири Қадимги Рим императорига қилинған қайси мулозаматни құллаган?**

**345.** «Илиада» достонида Асклепий ҳақида шундай маълумотлар бор: Аполлоннинг ўғли Асклепий ўликларни тирилтира олган. Бу хусусият унинг ўғли Подалирийга ҳам ўтган. Гомер «Илиада»да уларни авлоди ҳақида маълумот берган.

**Савол:** отасидан ҳам, бобосидан ҳам машҳур бўлган Подалирийнинг ўғли ким?

**346.** Кардинал Решелье ўз юрти Францияда дуэлларни тұхтатиши анчадан бери уйлаб юрар зди. Охир-оқибат сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган бир йўлни топади. Бунинг учун Конститутцияда ишламаёттан бир бандни оммалаштиради. Дуэлга чиқмоқчи бўлганларни қонун йўли билан ҳисбса ола бошлияди. Уларга ўзларини қиролга тенг қилишган деган айб қўйилади.

**Савол:** Конституциянинг у бандида нима дейилган зди?

**347.** Буюк масалчи Эзопнинг оғзаки масаллари тиллардан тилларга кўчиб бугунгача етиб келган. Мана шундай масаллардан бирида айтилишича, қушлар ва каламушлар ўртасида узоқ йил уруш бўлиб ўтибди. Бу урушда дам қушларнинг, дам каламушларнинг қўли баланд келар эмиш. Шунда бир жонзот қайси томоннинг қўли баланд келса, ўзини уларга қўшар эмиш ...

**Савол:** у айёр жонивор номини айтинг.

**348.** Морзе алифбосидаги матн ичида А, Е, О каби элементлар жуда кўп ишлатилади.

**Савол:** нега бу ҳарфлар кўп учрайди?

**349.** 1888 йили Бельгиянинг Спа шаҳарчасида биринчи марта гўзаллар танлови бўлиб ўтган. Унда иштирок этишни истаганлар жуда кўп бўлган, лекин танловда бор-йўти 35 та қиз қатнашган.

Чунки танловнинг битта талабини бажарганларгина мусобақага қўйилган.

**Савол:** танловнинг қайси шартини бажаролмаганиклари учун қизлар мусобақага қўйилмаган?

350. «Заковат» сандиқчасида инсон учун жудаям зарур бир нарса бор. Қадимда юнон зодагонлари уни ҳосил қилиш учун Хиос оролидан маҳсус турпоқ олиб келишган. Уни оммавий ишлаб чиқарадиган цех X асрдагина Испанияда очилган. Бизнинг даврга етиб келгунча у анча мураккаб жараёнлардан ўтган. У нарса ҳамма даврларда ҳам келинлар сепидан муносиб жой эгаллаган.

**Савол:** сандиқчада нима бор?

351. Индонезиянинг Суматра оролида яшайдиган маҳаллий аборигенлар оролда бир маҳсулотни жуда кўп етиштирганларидан, ён-атрофдаги ҳолатларга баҳо беришда ҳам ўша маҳсулотни сўз орасида кўп ишлатишади. Масалан, семиз одамни кўришса бақувват ерда ўсган ... дек тўлишиб кетибди ёки бўйи пакана бўлса худди ... деккина экан, деб қўйишади. Маҳаллий аборигенлар инсоннинг дунёга келишини ҳам унга ўхшатишади.

**Савол:** орол аҳолисининг асосий тирикчилиги бўлган қайси маҳсулот ҳақида сўз кетяпти?

352. Тула қуролсозлар шаҳри ҳисобланади. XVIII асрда тулалик қизлар қуролсоз йигитларга турмушга чиқишдан қўрқишар эди. Қизлар бир-бирига ҳазиллашиб, қилич ясовчи устага тегсанг, умринг охиригача ҳавода қилич ўйнатиб юрасан. дейишар экан.

**Савол:** қизлар қуролсоз йигитларга турмушга чиқса, нега қилич ўйнатиб умр ўтказишлари керак?

**353.** Куз ойларида финляндиялик туристлар Россияга жуда серқатнов бўлиб қолишади. Сайёҳатдан қайтишда ҳар 2 та туристдан бири сандиқча ичидаги нарсадан олади. Финляндияда у нарсага талаб жуда катта бўлгани учун ҳар бир фин ундан кўпроқ олиб кетишни хоҳлайди. Чунки фин қонунлари уни ўзларида ишлаб чиқаришга қўймайди, иккинчидан Россияда ишлаб чиқарилгани анча сифатли.

*Савол: бу қандай маҳсулот?*

**354.** XX асрда қўшиқчилик санъати жуда ривожланди. Янги оҳанглар, усуллар ва албатта хонандалар кўпайди. Жаҳон саҳнасига чиқа олганлардан юонон хонандаси Демус Русос ўзи ҳақида гапирганда 3 та рақамни кўп ишлатади. 25, 100 миллион, 115 рақамларини.

*Савол: бу рақамлар нимани билдиради?*

**355.** Лондон Қироллик Академияси аъзолари Исаак Ньютон ва Роберт Бойль бу гаройиб голланднинг суҳбатларидан доим баҳраманд бўлишлари айтилган. Аслида Гаага шаҳрида жун савдоси билан шутулланган бу голланднинг кўринмас жонзотлар ҳақидаги суҳбатлари уларни ҳам михлаб қўяр эди. Бу кам ҳаракат ҳайвончаларнинг айримлари шарсимон, яна бошқаларининг илонсимон бўлиши Ньютон ва Бойльни ҳайрон қолдирар эди.

*Савол: Ньютондек, Бойлдек олимлар нимадан ҳайрон қолишган, у голланднинг исм-шарифи ким бўлган?*

**356.** Кўпгина сартарошларнинг хизмат тароқлари металдан ясалади. Тароқнинг темирдан бўлишининг узоқ вақтгача хизмат қилишидан ташқари бошқа аниқ сабаби ҳам бор.

*Савол: тароқнинг темирдан ясалishiiga яна қандай сабаб бор?*

357. Император Адриан, Наполеон III, Пруссия қироли Фридрих-Вильгельм III каби ҳукмдорларнинг муҳаббатлари бир Амалий иш сабаб тарихга кирган.

*Савол: муҳаббатини намойиш этиб худди шу амалий сабаб туфайли тарихга кирган шарқ ҳукмдори номини топинг.*

358. Румин ҳалқ топишмогидан:

Битта бўлиб кирасиз, З та бўлиб чиқасиз, чиқдим деб ўйлайсизу, аслида эса киргансиз.

*Савол: топишмоқ нима ҳақида?*

359. Драматург ва ёзувчи Лопе де Вега фикрича ён-атрофдагилардан З та нарсанни яшириб бўлмайди: Биринчиси муҳаббатни яшириб бўлмайди, уни қўзлар ошкор этиб қўяди; иккинчиси пули кўп одам кийинишдаги ҳашаматда ўзини сездириб қўяди; учинчи нарсанни ҳам беркитиб бўлмас экан. У ҳам ўзини ифода этиб қўяр экан.

*Савол: ниманинни атрофдагилардан яшириб бўлмайди?*

360. Лондон шаҳри аҳолиси ҳовлисида бочкаларда сув сақлайди. Улар ҳар куни эрталаб бочқадаги сувга 5-10 та енгил шарчалар солиб қўяди. Шарчаларнинг бир томони тешик бўлади. Кечга бориб у шарчалар йигиштириб олинади.

*Савол: туманинни альбион аҳолиси бу ишни ҳар куни нега қайтаради?*

361. Темирчилик билан шугулланувчи кишини қўз олдингизга келтирингда қўйидаги саволга жавоб топинг: темирчилар нега соқол қўйиб юришади?

362. Швецияда аёлларнинг сайловларда иштирок этиши ҳақида қонун қабул қилган илк давлат

хисобланади. Шунда ҳам 100 фоиз аёлларга рухсат этилмаган.

*Савол: сайдовда овоз бериш ҳуқуқи қайси аёлларда бўлган?*

363. Вильям Шекспир ўзи очган «Глобус» театрига раҳбарлик қилган. Ўзи пъесалар ёзиг, ўзи саҳнالаштирган. Ҳатто актёрларга қанча маош тұлашни ҳам ўзи белгилаган. Масалан, Гамлетни ўйнаган актёр Қирол Лирни ўйнаган актёрдан анча күп пул олган. Фальстафни ўйнаган актёр Макбет ижрочисидан икки баробар күп ҳақ олган.

*Савол: Шекспир ҳақ тұлашни қайси омилга кўра белгилаган?*

364. Саҳрода яшайдиган араб бадавийлари турмушыда бир одат бор, ҳар бир кўчага тандирлар қурилган бўлиб, хоҳлаган киши бу ерга келиб нон ёпиб кетиши мумкин. Узлуксиз бир неча ой давомида аҳоли бу тандирлардан фойдаланади. Энг қизиги, ҳамманинг уйида худди шунақа тандирлар бор.

*Савол: араблар жамоат тандирларидан қачон фойдаланишини маъқул кўрадилар?*

365. «Заковат» сандиқчасида жуда керакли, фойдали неъмат бор. Бу неъмат ҳақида Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да ҳам маълумот бор. Европада ҳам бу неъмат ҳақида күп яхши гаплар айтилган. Хусусан, данияліклар уни бошида тишдан бўлак ҳеч нарса йўқ леб таърифлашади.

*Савол: сандиқчада бошида тишидан бошқа ҳеч нарсаси бўлмаган нима бор?*

366. XVII асрда Голландиянинг энг нуфузли кишилари Адмирал ван Эйкка эга бўлишни жуда хоҳлашарди. Уша пайтларда унга 50-60 гульден сарфлашга ҳам рози эдилар.

*Савол: Адмирал Ван Эйк нима узи?*

367. Ақваланғчилар XVI асрда чүкиб кетган кемадан бир темир сандиқни сув тагидан олиб чиқиб, уни ичидан үқ-ёй, камон ва құлқоплар топишган. Құлқопларнинг ҳаммаси чап құлники экан. Тадқиқотчилар уни үрганиб, бу үқ-ёй ва құлқоп згаларининг асосий вазифаларини аниқлашган.

*Савол: улар қаңдай ишни бажаришган?*

368. Англиядаги машхур икки қаватли автобуслар янги чиққан вақтида иккала қавати ҳам йұловчилар билан тұлғақ, улар автобуснинг томига ҳам чиқарыла бошланған. Энг қизиги, томда кетишини хоҳловчилар икки ҳисса ҳақ тұлаганлар.

**500.** «Шахмат тарихи» китобида бу ўйиннинг ривожланишига кўпгина қироллар, шоҳлар катта ҳисса қўшгани ёзилган. 1119 йили бўлиб ўтган шахмат матчи Франция қироли Людовик IV ва Англия қироли Генрих I ўртасида ўйналган. Шу матч шахматга бир янгиликнинг кириб келишига сабаб бўлган.

**Савол: қандай янгилик?**

**501.** XVI асрда бу ишни қилган кишиларни ҳатто черковга киритишмаган. XVII асрда у иш учун ҳатто калтакланишган. Бугун кўпгина давлатларда бу иш учун бир йил қамоқ жазосига маҳкум қилиниш, йирик миқдордаги жаримага тортилиш мумкин.

**Савол: академик Илья Мечниковнинг унга қарши айтган энг машҳур иборасини топинг.**

**502.** Замонавий эртак: бор эканда йўқ экан, тўртта паҳлавон бор экан. Улар узоқ сафарда бўлиб ўз уйларига қайтишибди. Келишлари билан шаҳар дарвозаси беркилиб қолибди. Шунда биттаси дарвозани тақиллата кетибди, иккинчиси девордан ошмоқчи бўлибди. Учинчиси, бўлар иш бўлди, эрталаб дарвоза очилишини кутамиз, дебди.

**Савол: эртак қиссасидан ҳисса чиқаринг ва охиргиси бу ҳолатга қандай муносабат билдирган?**

**503.** Савол: нега қанд толинган чой қандсиз чойдан кўра тез совийди? Қандай физик ҳодиса рўй беради?

**504.** Бу нарса шинам ва кўркам хонадонларда бир томонга қийшайган, урингансимон бўлади. Файзсиз хонадонлардагиси янги ва хушқомат бўлади.

*Савол: бу нима?*

**505.** Лев Николаевич Толстой яратган бу асар ўз вақтида жуда ноёб булган. Гарчи бу Толстой яратган энг сүнгти асар бўлсада: «Барча асарларимдан унга кўп меҳнат сарф қилганман, бунинг устига ҳеч бир асаримни буюртма асосида яратмаган эдим», деб қайд этганди ёзувчи ўз вақтида.

*Савол: Толстойнинг энг сүнгти асарини топинг.*

**506.** Яқинда Бухоро сафарида бўлган савол муаллифи йўлда «Заковат» сандиқчасидаги предметни кўрган ва тагидаги ёзувни ўқиган: «Қозон мис ва латун заводи маҳсулоти».

*Савол: сандиқча ичиғагини топинг.*

**507.** 2006 йили 28 октябр куни Озодлик ҳайкалининг қурилганига 120 йил тўлиши муносабати «Нью-Йорк Таймс» газетасида бир мақола чоп этилади. Унинг сарлавҳаси «29, аммо жуда магрур».

*Савол: сарлавҳадаги 29 рақами ниманн англатади?*

**508.** Шахмат устаси Пескаторе 1976 йилги Италия биринчилигида энг охирги ўринни эгаллагач, ҳамкаслари Роберт Фишерга сенинг ҳам гуруринг топталди, келиб Пескаторе учун реванш ол деган мазмунда ҳазил телеграммаси юборадилар.

*Савол: жаҳон чемпиони нега итальян шахматчиси учун ўч олиши керак?*

**509.** Ўзбек оиласарида бўлгани сингари япон хонадонларида ҳам тугилган чақалоқлар исмида ўзига яраша маънолари бор экан. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида Токио шаҳридаги ишчи оиласарида Томэ деган исм кўпайиб кетгани айтилади.

*Савол: Томэ исми қайси ўзбекча сўзга яқин?*

510. «Фан ва ҳаёт» журналида ёзилишича, бу жонзотнинг иккита энг катта ютуги бор, биринчиси, у жуда узоқни кўра олади. Иккинчиси, у жудаям чиройли. Битта энг катта камчилиги орқа томонни яхши кўролмайди.

*Савол: бу қайси жонзот?*

511. 1990 йилларнинг энг зўр футболчиларидан Юрген Клинсманн «Тоттенхэм» клубидә жуда муваффақиятли ўйнаб юрган чоғларида унга бир гурӯҳ ўқитувчилардан мактуб келади. Мактуб эгалари миннатдорчилик билдириб, мактаб ўқувчилари орасида унга қизиқиш кучаяёттани ҳақида ёзилган эди.

*Савол: мактубда нимага қизиқиш ортаёттани баён этилган?*

512. Файласуф Беме, математик Бернулли, кимёгар Берцелиус, бастакор Оффенбах, генерал де ла Гарди, ёзувчи Гриммлар. Бу машҳур шахсларни яхши биласиз.

*Савол: уларни бирлаштирувчи номни топинг.*

513. Тажрибали балиқчилар форель балигини бу мавсумда умуман ушлаб бўлмаслигини билишади. Шунинг учун бу қисқа мавсумни тезроқ утиб кетишини хоҳлашади. Бу пайтда уларда емиш етарли бўлиш билан бирга, табиатнинг ўзи ҳам уларга қармоқ ташлашга монелик қиласи.

*Савол: бу қайси мавсум.*

514. Данте жуда юқорилаб кетган амалдорларга шундай маслаҳат бериб бир үхшатиш қиласи; парвози қанча юқори бўлмасин, у қуш ерга яқин учишни канда қиласи.

*Савол: қайси қуш назарда тутилади?*

**515.** Замонавий француз файласуфи Поль Моран: «Ҳамма шаҳарлар ҳам одамга үхшаб қарийди, аммо у шаҳар ҳаммадан тез қаримоқда». Яна бир шоир уни оғир касал аёлга үхшатади ва унга «нарциссизм» ташхисини қўяди.

**Савол:** «нарциссизм» қандай қўринишда бўлади?

**516.** Герберт Уэлснинг бир машҳур асари қаҳрамони профессор Гнилстон бир мақсадда дунёнинг ярмини кезиб чиқади. У коллекцияни бойитиш мақсадида Калькуттада бўлиб, бир хизматкорни ёллаб, бир ой ишлатиб пул бермай ҳайдаб солади. Европадаги меҳмонхоналар гарсонларига чой-чақа бермай ҳайдайди. Петербургдаги извошлиларни алдайди, дайдиларни тўплаб май қўйиб беради.

**Савол:** профессорнинг мақсади нима бўлган?

**517.** «Ҳаммаси итлар ҳақида» китобида итлар тўгрисида маълумотлар, афоризмлар ва ҳазиллар берилган. Ҳатто асар персонажлари ҳам маълум сабабларга кўра бу китобчага киритилган.

**Савол:** Гоголнинг «Ревизор» комедиясидағи қайси персонаж қайси жиноий иши учун бу китобдан ўрин олган?

**518.** XV асрда Европада вабодан жуда катта хавф пайдо бўлади. Флоренция яқинида вабо тарқагач, денгизчиларни сақлайдиган бир орол бўлган. Кемани эса чўктириб юборишган. Лекин барибир шаҳарга вабо кирган. Вабо чўктирилган кемалардан тарқалган экан.

**Савол:** чўктирилган кемалардан қандай қилиб вабо тарқashi мумкин?

**519.** 2003 йилда бир жаҳон рекорди қайд этилди. Рекордни қайтарганлар сони 9 тага етди. Қизиги, 9 киши бу рекордни энди янгилай олмайди. Рекорд

қайдномасида 3 та рақам зинр этилади. Биринчиси — 9, 9 та рекордчи, иккинчиси — 14 рақами.

*Савол: учинчи рақамни сиз топинг.*

**520.** Украин ҳалқ топишмоги:

Бу не ҳайвон, қишида овқат еб, ёзда ухлар, гарчи қони бўлмасада, бадани ҳузурбахш, иссиқ, бир ўтирган киши ундан туриб кетолмас.

*Савол: топишмоқнинг жавобини топинг.*

**521.** Дунёда лугатлар кўп. Фасмер лугатида ҳаммамиз киядиган бир кийим ҳақида жуда қизиқ маълумот берилган. Унга кўра, бу кийим кўпроқ баҳор тугаши арафасида кийилган. Шу кийим «Заковат» сандиқчаси ичида турибди.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**522.** Афанди Тошкентда бўлиб, қишлоғига қайтгач бир одамга шундай таъриф берибди: «Бир қарасанг ҳисобчига үхшаб чут ташлаб кетади, яна бир қарасанг тикувчи бўлиб, нина-ипда иш тикади, зум ўтмай этиқдўз бўлиб, этикка мих қоқиб кетади, сартарош бўлиб қаламтарошини ўткирлайди. Аммо кўринишидан на тикувчига, на этиқдўзга үхшайди».

*Савол: Ҳужа Насриддин шаҳарда кимни кўрган?*

**523.** Ўзбекистонда суд ишларини илгари қозилар қозихоналарда олиб боришган. Фуқаролар шу ерга келиб ўз арзларини айтишган. Аёллар арзга келганда ёнларида бир эркак бўлиши талаб этилган.

*Савол: эркак қозихонага нега таклиф этилган?*

**524.** Жиззах шаҳридан 68 км узоқлиқда жойлашган бу шаҳарчада 18 минг аҳоли истиқомат қиласди. Бу тарихий шаҳар қадимда Сарсанда, Сусанда, Сабза каби номлар билан аталган. Самарқанд, Бухоро, Шош, Фаргона водийси шаҳарларини бogglovchi катта

карвон йўлида жойлашгани унинг равнақига катта ҳисса қўшган. Бу шаҳар ёнида Даشتобод темирйўл станцияси ҳам жойлашган.

*Савол: бу қайси шаҳарча?*

**525.** Узбекистон Миллий Энциклопедияси IV жилдида бир тоифа инсонларга шундай таъриф берилган. Унга кўра, ночорлик туфайли одам унга маълум муддат рози бўлади. Эрамизнинг IV-V асрларида Ўрта Осиё ҳалқлари орасида бу тоифадаги инсонлар шакллана бошлаган ва ҳалигача давом этмоқда.

*Савол: ночорлигидан нимага розилик беришган?*

**526.** Марҳум ёзувчимиз Саид Аҳмад ҳикояларидан бирида: «Инсон фақат ўша пайтдагина, ўзи билан ўзи узоқ вақт қолиши мумкин. Бу шунчалар даҳшатли пайтки, инсон ўзини-ўзи ёқтиргмай кетади. Ёшлигимда отам ҳам бу пайт ҳақида жуда хуноб бўлиб гапирав эдилар. Энди эса ёшим ўтган сайин бу ҳолат ўзимни ҳам бошимга тушаяпти».

*Савол: ёзувчи инсоңдаги қайси пайтни қаламга олган?*

**527.** IX-XI асрларда араб отларининг довруги оламга ёйилган. Уни Осиёда ҳам, Европада ҳам қадрлашган. Ўша пайтларда араблар отларини Европадаги жудаям кичик бир жонзотта алмашишган. Чунки унга араб дунёсида ҳам талаб катта бўлган. Қандайдир фойдаси учун уларни бир донасига битта учқур от беришган.

*Савол: матнда қай жонзот сўралмоқда?*

**528.** Бутун мижоз атамаси анча фаол инсонлар тонфасиганисбатанишлатилмоқда. Қадимгиirimliklar мижоз, яъни клиент сўзи билан яқин қариндошларини аташган. Қандайдир бир воқеани содир бўлиши, бу қариндошларни клиентга айлантирган.

**Савол: қандай воқеа?**

**529.** Машхур Руаль Амундсен 1910 йили Антарктиканың 212 та альбомын бир неча ой тадқиқотлар қылышынан ватанларига беталофат, эсон-омон қайтиб келеди. Лекин уларнинг сони 221 тага күпайиб қайтади.

**Савол: аъзолар сони нимага кўпайган?**

**530.** Граммафонга 1887 йилда патент олинган. 1892 йилда «Одеон» фирмаси айланадиган пластинкага патент олган. 1904 йилда «Одеон» фирмаси яна бир патент олган.

**Савол: иккинчи патентни нимага олган?**

**531.** Француздар битта от қўшиладиган енгил икки гидриакли аравани шундай ном билан аташганки, бу чиройли ном бугун ҳам сақланиб қолган.

**Савол: у аравани қандай номлашган?**

**532.** Кинотанқидчи Самуэль Гольдвайннинг ушбу машхур жумласини битта сўз билан якунланг: «Кино қачон үлади, қачонки кинотеатрларда у бўлмаса».

**Савол: нима бўлмаса?**

**533.** Озарбайжон халқ мақоли:

Етим бола ... (3 та нуқта) ўзи боғлайди.

**Савол: 3 та нуқта ўрнидаги сўзни топинг.**

**534.** «Рамзлар лутгати» китобида у, яъни «Заковат» сандиқчалик ичида нарса илгаридан тоза қалб ва ҳаққонийлик рамзи сифатида зикр этилган. Шундан бўлса керак, 1896 йилги Олимпиада ўйинларида ҳакамлар мусобақада фақат у билан иштирок этишлари талаб этилган.

**Савол: сандиқчадаги нарсанинг фақат номини эмас, сифатини ҳам тўғри топинг.**

**535.** «Мицубиси» фирмаси 1870 йилларда ташкил топган. Бу фирма эмблемасида 3 та ромб шаклидаги винт тасвирланған. Бу айнан 1870 йилда қабул қилингандык эмблема.

*Савол: бу оддий ромб шаклидаги винтларни фирмада көзөндеңгенде үзигең өткөндеңдердеги нега үзинген эмблема қилиб олған?*

**536.** XX аср бошларида Бельгияда сиёҳ ишлаб чиқариш соҳаси жуда ривожланған зди. Автомат, шарикли ручкалар бұлмаган пайтлари сиёҳнинг қадри жуда баланд бұлған. Буюртмаларга мувофиқ 15 фоиз сиёҳ тез қурийдиган сифатда ишлаб чиқарылар зди. Нархи бироз қиммат бұлсада, ундағы сиёҳларнинг үз буюртмачилари бор зди.

*Савол: кимлар буюртма берған?*

**537.** Қуйидаги таърифға дікқат қилинг:

Уннинг қиргоги яшил, сувлари қызыл, балиқлари қора.

*Савол: у нима?*

**538.** Гарбий Европада барон унвонини олған кишилар бевосита қиролнинг вассали ҳисобланишган. Уларда қирол кенгәши аъзоси, кейинчалик парламентда зинг юқори лавозимга сайланиш ҳуқуқи ҳам бұлған. Германия ва Францияда барон унвони графдан кейин турған. Англияда эса барон унвони ундан кейин турған.

*Савол: XIII-XV асрларда Англияда зинг юқори унвон нима бұлған?*

**539.** Машхұр футболчиларни ҳар бир хаттың қарыншыларының жарнада өткізу үшін 2005 жылдагы рүйхат:

Сартарош учун бир ойда Уэйн Руни 2 минг доллар, Райан Гиггз 3 минг, Адебайор 5 минг, Дидье Дрогба 6 минг доллар сарф қилиштан.

Рўйхатнинг бошида хитойлик Сунъ Цзихай бўлиб, у сартарош учун ҳар ойда ўртача 12 минг доллар сарф қилган экан.

*Савол: нега у бунча қимматта соч олдирган?*

**540.** Лондон шаҳрида «Газеталар тарихи» деган музей бор. «Ллойдс Ньюз» газетаси 1696 йилда чоп этилган экан. Ундан олдин ҳам бир газета бўлган, лекин тарих музейида айнан «Ллойдс Ньюз» билан газеталар тарихи бошланган деб қайд этилган.

*Савол: нимага биринчи газета бу рўйхатдан тушиб қолган?*

**541.** Кўчманчи халқлар учун ўтовнинг аҳамияти жуда катта. Улар ўтовни қурганда эшигини жанубга қаратиб қуриб, уй ичидағи жиҳозларни ҳам бир хил кетма-кетликда, жойини узгартирмасдан ўрнатишган. Ўтов улар учун яшаш жойи. Ўтовни доимо бир хил жойлашиши улар учун аҳамиятли бўлган. Шамолдан тўсиленган ва уй ичи иссиқ бўлган.

*Савол: яна қандай сабаб билан ўтовлар шу тахлит тикилган?*

**542.** Бу давлат ҳудудининг катталиги жиҳатидан 110-үринда, аҳолиси сони бўйича 73-үринда, 16-үринда халқаро савдо-сотиқ бўйича, валюта захираси бўйича 6-үринда, аҳоли жон бошига тушадиган соф фойда бўйича 4-үринда. Травма — жароҳат олиш бўйича ҳам юқори үринларда туради.

*Савол: бу қайси давлат?*

**543.** Табият музейларида ҳайвон ва қушларнинг қотирилган нусҳалари сақланади. Узоқ муддат сақлаш, куя тушмаслиги учун уларга нафталин билан ишлов берилар эди. Ҳозир бир соҳа кишиларининг аралашуви туфайли бундай ишлов бериш тўхтатилган.

*Савол: қайси соҳа кишилари?*

**544.** Крис Касперский фақат компьютер ҳақида эмас, бошқа соҳалар бўйича ҳам китоблар ёзган. Масалан, «Об-ҳаво энциклопедияси» китобида, унинг ўзгариши билан боғлиқ табиий ҳолатлар ҳақида ёзган. «Агар, — деб ёзди у, — қишда уларни қор устида кўриб қолсангиз, билингки, кунлар исий бошлиётган бўлади».

*Савол: нимани?*

**545.** Шундай предметлар борки, Ўрта асрларда уларни кўрсатиш билан жангдаги маглубият билдирилган.

*Савол: қайси предметлар?*

**546.** Дунёда кинофестиваллар кўп. Шундай бир фестивал борки, унда ижтимоий фильmlар намойиш этилади. Фестивал рамзи ёнаётган бир варак қозоз. Фильmlар мавзуси ҳар хил булиб, бирон соҳага багишлимаган.

*Савол: фестиваlda қандай фильмлар намойиш этилган?*

**547.** Табиатга ошно бир замонавий шоирнинг ўз қизиқишиларидан келиб чиқиб ёзган хоккуси шундай янграйди:

Май, июн, июл, август ўтиб,

Етиб келдик унга.

*Савол: шоир нимага қизиқкан?*

**548.** Оноре де Бальзакнинг фикрлари: «У энг узоқ ахлоқ тузатиш муассасаси. Ахлоқ тузатиш колониясида ёмон хулқингиз билан сиз жазо муддатини чўзишингиз мумкин. Аммо Бальзак назарда туттан муассасада ёмон хулақ билан жазо муддатини тутгатишингиз ҳам мумкин». Бальзак яна шуни қайд этадики, бошида ҳаммаёқ гўзал булиб туюлади.

*Савол: Бальзак нимага бу фикрни билдирган?*

549. 1981 йилдан бери Хитой киноакадемиясининг «Олтин хўроз» мукофоти таъсис этиб келинади. Энг яхши фильм, актёр, режиссёр ва бошқа энг яхшилар «Олтин хўроз» мукофотини олишади.

**Савол:** нима учун мукофотнинг номи «Олтин хўроз»?

550. 1996 йилда Малайзия Маориф вазирлиги мутахассиси Сахағизан Туан Ҳамза мактаблардаги ўқувчилар кундакликларини қалбакилаштириш, беркитиш ҳолларининг олдини олиш мақсадида бир янгиликни жорий қилди. Бу янгилик ҳозир кўпгина давлатларда амал қилмоқда ва янгиликдан ота-оналар хурсанд.

**Савол:** бу янгиликни топинг.

551. Стефан Цвейг «Мария Стюарт» романи бошида худди пьесаларда ишлатиладиган услубдан фойдаланиб, романда қатнашувчиларни номма-ном зикр қилиб чиқсан. Персонаж лавозими ва исм-ширифи кўрсатилган. Таништирилганлар орасида яна бир персонаж бўлганки, муаллиф унинг касбини ёзib қўйган, холос.

**Савол:** персонажнинг касбини топинг.

552. Венгриядаги энг кенж шаҳарнинг номи Дуна уй варош деб аталади. Бу атамадаги «Дуна» сўзи Дунай дарёсини билдиради.

**Савол:** «уй варош» сўzlари қандай таржима қилинади?

553. Қарийб уч аср дунё мўтул истилосига қарши курашган. Тарихчиларнинг қайд этишларича, уларни кўп ҳолларда феврал ва март ойларида енгиш осон бўлган экан.

**Савол:** нега айнан шу ойларда улар кўп маглуб булишган?

**554.** XX аср охирларигача энг оммалашган жарроғлик операцияси күричакни олиб ташлаш бұлған. Бугунга келиб бошқа бир операция бириңчи уринга чиқиб олди.

**Савол:** *Бу операция билан одамлар нимани олдиришиади?*

**555.** Ұрта асрларда унинг қызил рангдагисига фақат аристократларнинг ұқыптылығы бұлған. Агар оддийреқ одам үзбошимчалик қилиб қўйса, боши танасидан жудо бўлиши мумкин экан. Бизда эса унинг қанақа рангда бўлишининг аҳамияти йўқ.

**Савол:** *Ниманинг қызил рангдагиси сўралмоқда?*

**556.** Курка, гоз ва ўрдакнинг жигарини таклиф этишса, сиз қайси бирини танлардингиз? Мазали таомни хуш кўрувчилар ҳеч иккиланмай ўрдакникини буюради.

**Савол:** *Нима сабаб ўрдак жигари курка ва гозницидан мазали?*

**557.** Статистик маълумотларга кўра, Францияда у транспорт энг кўп ишлатиладиган ҳаракат воситаси ҳисобланар экан.

**Савол:** *Транспорт воситаси номини топинг.*

**558.** XVII асрда Испания университети профессори Парижга янги китоблар олиб келиш учун юборилади. У шундай бир янгиликни олиб келадики, университет мудири кирим дафтариға нимадеб қайд этишни билмай турганда, ўша профессор «4 та томонидан ўқиладиган китоб» деб ном беришни маслаҳат беради.

**Савол:** *У нима?*

**559.** Ер сайёрамизда жуда кўп денгизлар бор. Айрим денгизлар ўз номини давлатлардан олган. Масалан, Япон соҳилини ювгани учун, у денгиз Япон номини

олган. Норвегия қиргогини ювган денгиз Норвегия денгизи деб аталади. Бир ёш давлат эса ўз номини ёнидаги денгиздан, яъни Қизил денгиздан олган.

*Савол: давлат номини топинг.*

**560.** «Заковат» сандиқчасидаги нарсанинг пайдо бўлиши суратлар, кўргазмалар намойишнинг утказилишига олиб келди. Чунки у XVII асрдаёқ жуда кўп зодагонлар хонадонидан ўрин олишга улгурган эди. У Европа бойларининг жуда кўп вақтини олганидан бўлса керак, уларни бу гояга ундаган.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**561.** Эрамизнинг IV-V асрларида Испан денгиз флоти катталашиб, кўплаб бошқа соҳа одамлари ҳам дengizchilikka қабул қилина бошланди. Бу эса узига яраша қийинчиликларни келтириб чиқарди. Деҳқон-дengizchilarни бу соҳага ўргатиш учун ҳатто шолгом ва пиёздан фойдаланишга мажбур бўлишган.

*Савол: шолгом ва пиёз орқали дengizchilar нимага ўргатилган?*

**562.** Япон телеканалларида бирида 2003 йилдан бери тарихий-социал, анимацион роликлар бериб бориш йўлга қўйилган. Битта умумий иомдаги бу фильм — роликларнинг муаллифи бир инсон эканлиги дикқатни тортади.

*Савол: бу тарихий фильм-роликларнинг муаллифи ким?*

**563.** XX аср бошларида Мисрда суд ишлари йўлга қўйилган. Айни шу даврларда суд биноси олдида баъзи кишилар ўз хизматларини таклиф қилиб юришган. Уларга хизматларининг оғир, енгиллигига қараб 6 доллардан 60 долларгача ҳақ тұлашган.

*Савол: улар судда қаңдай вазифани бажаришган?*

**564.** Айтишларича, бу маликанинг ватани Марказий Америка экан. XV аср охирларида у Европага ташриф буюради. Малика унвони унга анча кейинроқ берилган.

*Савол: унинг номи ва қаернинг маликаси эканини айтинг.*

**565.** Ҳарбий таргибот ишлари билан шугулланувчи мутахассислар, немислар уруш пайти ҳарбий техника билан рақибни енгиш мумкин деб ҳисоблашларини қайд этишган. Америка аскарлари учун галабанинг қалити буйруқни сўзсиз бажаришда экан. Японлар фикрича, аскарларнинг шахсий қаҳрамонлиги уруш тақдирини ҳал қиласди, французларда кучли тактика галаба омили санаалар экан.

*Савол: хитойликлар учун урушда галаба қалити нима деб баҳоланади.*

**566.** Артур Конан Дойлнинг «Бригадир Жерарнинг жасорати» китоби қаҳрамони Этьен Жерф болалигидан бу икки рангни ёқтирганини айтиб, 1812 йилдан кейин айнан шу икки рангни кўрарга кўзи йўқлигини баён этади. Уларни ёнма-ён кўриб, асабийлашганидан ҳатто беҳуш бўлишгача боради.

*Савол: у қайси иккита рангни нима учун ёқтиrmай қолган?*

**567.** Бир пайтлар «Огонёк» журнали ходимлари ойномада бир ўйин ташкил этиб, уни нима деб эълон қилишни билмай туришганда «Известия» газетасида бир эълон чоп этилиб қолган. Газетада пиониночи Крючер концерти эълон қилинган эди. Шунда журнал муҳаррири бу ўйинни Крючернинг исми билан номлашни таклиф қиласди.

*Савол: қайси ўйинни?*

**568.** 1911 йил 21 августда рўй берган бу нохуш воқеадан французлар ўзларини ҳақоратлангандек ҳис қилишди. Улар бутун айни Германия кайзери Вильгельм II га қўйиши. Ўз навбатида Германия газеталари бу далил французларни немис халқига қилган уйдирмаси деб бонг уради. Сал бўлмаса икки буюк халқ орасида уруш чиқай деб турганда бу нохуш ҳодиса ўзининг мантиқий якунига етди.

*Савол: 1911 йил 21 август куни қандай воқеа рўй берган?*

**569.** Бу фамилияли машҳур кимёгар, спортчи, физик, ҳатто билимдан ҳам бор. Энг машҳури 1906 йили тиббиётдаги буюк кашфиёти учун Нобель мукофотини ҳам олган.

*Савол: қайси фамилия сўралмоқда?*

**570.** Биз сўрайдиган инсон ҳақидаги жумбоқди китобда сўз боши ўрнида шундай ёзилган. «Агар у башоратчилик билан шугулланганида Нострадамуслар оёқ ости бўлиб қоларди. У тушида кўрганларни ҳаётда акс эттира олар эди. Икки юз, ҳатто уч юз йил кейин бўладиган ҳодисаларни ифодалай олган. «Башорат» номли илмий асар ҳам ёзиб қолдирган. Шу китоб асносида эса биз сўраётган асар пайдо бўлган.

*Савол: келтирилган маълумотлар қайси китобдан олинган?*

**571.** Польшада уни кўрганлар: «У келдими, демак товуқ ва куркалар тухумдан қолади», дейишади. Жанубий Америка туб аҳолиси уларнинг кўпайиши «померо», яъни довулни келтириб чиқаради деб ҳисоблашади.

*Савол: ниманинг кўпайиши довулни келтириб чиқариши мумкин.*

**572.** 1893 йили Лондонда норозилик намойиши булиб ўтади. Намойишчилар мотам кийимида құлларига қора ленталар тақиб бир инсоннинг суратини күтариб олиб, сурат тагига «қоти» деган ёзув ҳам битилган эди.

*Савол: бу норозилик намойиши қатнашчилари кимларнинг суратини күтариб олишган?*

**573.** XX аср 70 йилларнинг охирида Гарб сиёсатшунослари бу воқеани социализмга берилган зарба деб баҳоладилар. Социалистик блоклардан бирида бұлиб ўтган бу воқеага коммунистлар ҳеч қандай муносабат билдиrolмай ҳам қолиңди. Улар, бор-йүги бир одамнинг сағимиздан чиқиши ҳеч қандай йүқотишини англатмайды, деб баҳоналар қилишди.

*Савол: бу ерда қайси воқеа назарда тутилмоқда?*

**574.** Бу актёр 1946 йили 6 июлда таваллуд топған. 1978 йили у профсоюзнинг қандай кучи борлигини ҳаммага күрсатиб қыйди. Айнан 15 йил давомида профсоюзга аъзо булиш уни дунёга машхур қилди. Бириңчи ва иккинчи фильмларда у фақат бош қаҳрамон ролини ижро этганды. Учинчи фильмінде үзи режиссёрлик қилды, сценарий ёзды ва бош ролни ҳам ижро этди. Учинчи фильмини у тана аъзоларидан бириңнинг номи билан атади.

*Савол: учинчи фильмнинг қандай номланғанини топынг.*

**575.** АҚШ тилшунослари үрганиш қийин бұлған тиллар рүйхатини эълон қилишган. Бириңчи үринде суахиль тили, иккинчиси - иврит, учинчиси - япон, тұрттыңчы тили нафақат үрганиш, ёзиш ҳам қийин.

*Савол: бу қайси тил?*

**576.** XVII аср биринчи йилдан кейин, шаҳарнинг зарар етказиши мумкин, д

*Савол: уларнинг жавоб беринг.*

**577.** 1995 йил Болға қилинмаган ҳолда, яъни кўрининги ўзгартирилэди, болгар миллатига мансуб тасвиранади. Аммо 50 ғ Юнон миллатига мансуб билан муомалага чиқарил

*Савол: унинг исми ким*

**578.** Украина халқ топиги

Мурдалар устида руҳот устида...

*Савол: тириклар устид*

**579.** Иван Грозний се гуруҳи бўлган. Рус ошпа таомлар тайёрлашган. Қо миллат ошпазлари гуруҳи

*Савол: бу гуруҳ қайси*

**580.** Бу рассом но қилиш, мураккабни одданиқлаштиришни ўз о. эди. Мақсадингизни яна мумкинми деб берилган ёнгоқни кўрсатган. Ташқи ичи маъноли ва мазали.

*Савол: бу рассом ким*

**581.** Бу рўйхатда Друзи Поташевнинг адаши б

**576.** XVIII аср биринчи ярмида лондонликларга 100 йилдан кейин, шағарнинг кўринишига нима кўпроқ зарар етказиши мумкин, деб савол беришган.

*Савол: уларнинг жавобини иккита сўз билан ёзиб беринг.*

**577.** 1995 йил Болгарияда пул деволвацияси қилинмаган ҳолда, яъни купюрларнинг қиймати эмас, кўринигчи ўзгартириләди. Ҳамма купюрларга машҳур болгар миллатига мансуб кишиларнинг суратлари тасвиранади. Аммо 50 минг лев — купюрада асли Юнон миллатига мансуб бўлган руҳонийнинг сурати билан муомалага чиқарилади.

*Савол: унинг исми ким?*

**578.** Украин халқ топишмогидан:

Мурдалар устида руҳоний қўшиқ айтади. Тириклар устида...

*Савол: тириклар устида-чи?*

**579.** Иван Грозний саройида 2 тоифа ошпазлар гуруҳи бўлган. Рус ошпазлари бугда пишириладиган таомлар тайёрлашган. Қовурилган таомларни бошқа миллат ошпазлари гуруҳи тайёрлаган.

*Савол: бу гуруҳ қайси миллатта мансуб бўлган?*

**580.** Бу рассом номаълумдан маълум ҳосил қилиш, мураккабни оддийлаштириш, ноаниқликни аниқлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Мақсадингизни яна ҳам оддийроқ тушунтириш мумкинми деб берилган саволга у, мумкин, деб оддий ёнгоқни кўрсатган. Ташқи томонидан қаттиқ ва хунук, ичи маъноли ва мазали.

*Савол: бу рассом ким?*

**581.** Бу рўйхатда Друзнинг адаши тўртинчи ўринда, Поташевнинг адаши бешинчи, Бурданинг адаши

Унинчи ўринда турсада, Вассерманники ўн иккинчи рақамга тұгри келади.

*Савол: Друзъ адашыннинг исм-шарифини топинг?*

**582.** АҚШ президенти Франклин Рузвельт 1940 йилда суратта олинган бу фильмни жуда қаттық танқид қылған. Фильмнинг АҚШда ишлаб чиқарылғани бошқа мамлакатларнинг бизга бұлған муносабатини ёмонлаشتыради, деган фикрни қайд эттан.

*Савол: фильм режиссёрини топинг?*

**583.** XVI асрда ёзилған шеър:

Ер үз үқидан чиққандек бұлиб  
Янги шаҳар инсонларин құрқұвга солиб.  
Икки ақа-ука бұлар бу урушга сабабчи  
Бу уруш мантиқсиз эканин этаман баён.

Бу Мишел Нострадамуснинг энг биринчи ижод намуналаридан бири.

*Савол: шеър муаллифининг башорати нечанчи ийили амалга ошди?*

**584.** Қадимги Рим лашкарбошларида шундай удум бұлған. Урушдан катта галаба билан қайттан құмондон шаҳар марказига кириб келиб катта бұқаны тантана билан құрбонлик қылған. Бу тантана триумф деб аталған. Агар галаба күп йүқотиши зөвізига әришилған бұлса, у ҳолда ұша майдонда ургочи қўйни құрбонликка келтирғанлар. Бу маросим ҳам лотинча сўз билан аталған.

*Савол: қўй билан боялиқ маросимни лотинча қандай сўз билан аташған?*

**585.** А.С. Пушкин үқиған лицейи ҳақида ёзганида 158 та үкувчи у ерда таълим олгани, шулардан 100 та бола пул тұлаб, 50 таси ута нәғидорлы бұлғани учун давлат ҳомийлигидә үқиғанини айтади. Яна

талабаларнинг б таси умуман пул тӯламай ўқишга ҳақди эканини таъкидлаган.

*Савол: улар нега пулсиз ўқишган?*

**586.** Шоир Иқбол Мирзонинг шеъридан бир парча:

Хилвироқ китобни зарб билан ёпдим,  
Кӯҳна бўй урилиб бузди кўнглимни.  
Хазон тушагидан бир гавҳар топдим;  
У — муҳаббатнинг гўзал ўлими.

*Савол: шоир нимани «муҳаббатнинг гўзал ўлими» деб таърифлаган?*

**587.** Покистоннинг Лоҳар ва Ҳиндистоннинг Амритсар шаҳарлари орасида 2005 йилдан бошлаб автобус қатнови йўлга қўйилган.

*Савол: бу маршрутнинг очилишига нима сабаб бўлди?*

**588.** Сан-Марино республикаси асосан 20 га яқин оила асосига қурилган давлат бўлгани учун ҳам, қарийб 100 йиллардан бери бу икки лавозимда фақат хорижлик мутахассислар ишлашади.

*Савол: ҳар иккала лавозим номини топинг?*

**589.** Япон шеъриятида тўртта мавзуда ижод қилиш XV асрдан бери бир хил ном остида эълон қилинади. Биринчиси Оч бўрининг увиллаши, иккинчиси майнин ўтлар устидаги момақалдироқ, учинчиси энг қисқа тунлар, тўртинчиси тилларанг япроқлар қўшиги каби мавзулар бўлиб, шоирлар ижоди асосини шу тўртта бўлим ташкил этади.

*Савол: тўрттала мавзуни ўз асарида бирлаштирган итальян бастакори номини топинг?*

**590.** Арманлар ва грузинлар учун у жой табиатнинг бир булаги. У ерда йигинлар, уйин-кулги, байрамлар

үтказилган. У ерда қариндош-уруглар билан дилдан сұхбатлашиб ҳордик чиқаришган.

*Савол: улар үзларини қаерда әркін тутишган?*

**591.** Эңг күп үр-йиқитлар бокс, футбол, хоккей каби спорт турларида содир бұлади. Аммо Николай Васильевич Гоголь шашка үйини ҳам жанг билан тугаши мүмкінлиги ҳақида айттан.

*Савол: бу жанг қайси иккита персонаж үртасида чиққан?*

**592.** 7-олимпиада үйини 1920 йили Антверпенда бұлыб үтди. Шу турнирда қиличбоз Буан илк бор спортчилар номидан, 1968 йилги олимпиадада футбол ҳаками Жон Бреозиль ҳакамлар номидан у ишни биринчи бұлыб бошлашган.

*Савол: нимани?*

**593.** Дамашқ құчаларида таксилар қатнови жуда күп. Такси күплигі учун нархлар ҳам арzon.

*Савол: таксиның күп бўлишига сабаб нима?*

**594.** Бундан 200 йил олдин Англияning Буккингем шаҳрида шундай қонун бұлған. Үнга күра шаҳар мэрлигига сайланған одам бутун халқ орасида қасамёд қабул қылған ва шу ернинг үзида мэрни омма олдида намойишкорона ... (учта нуқта) қилишгай. Айнан шу ҳаракат у лавозимдан кетар чогида ҳам халқ олдида қайтарылған.

*Савол: учта нуқта үрнидаги иккита сұзни топинг.*

**595.** Л.Н. Толстойнинг «Хожимурод» асари 1939 иилдан бери бир маҳсулотнинг юзи бұлыб келмоқда. Л.Н. Толстойнинг үзи эшитганида албатта хафа бұлар зәди. У маҳсулотни тиңга олғанда от билан болғық салбий қолатни күпроқ тиңга олишади.

**Савол: отда кетаётган Ҳожимурод қайси номдаги маҳсулотнинг бренди ҳисобланади?**

**596.** XVII асрда араб дengиз қароқчилари Ўрта ер дengизини бутунлай эгаллаб олишган зди. Европа давлатлари бунга қарши бир эмбарго жорий қилишганки, бу ўз-ўзидан дengиз қароқчилиги у ёқда турсин, араб дengиз саноатини ҳам хавф остига солар зди.

**Савол: қайси маҳсулотни етказиб бериш тұхтатылған?**

**597.** Узбек гимнида халқ мадҳ этилади. Буюк Британия гимнида қирол ё қиролича мадҳ этилса, Германия мадҳиясида ишчи, деҳқон ва зиёлилар күйланади.

**Савол: Миср давлат мадҳиясида-чи?**

**598.** Бу йилги Париж-Дакар пойгалари Жанубий Америка ҳудудида бұлыб үтганидан хабарингиз бор. Трасса жуда мashaққатли бұлғанини пойга қатнашчилари ҳам зътироф этишди. Айрим ҳудудларда мииглаб, үн минглаб горлар устидан утишга тұтри келди. Горларни мағаллій ақоли «Уакерос» деб аташар экан. Уакерос нима деган саволға уакерос нима змас, ким деб жавоб қайтаришибиди.

**Савол: Жанубий Америкада «уакерос» деб кимни аташади?**

**599.** XVI асрда парижлик Жюль исмли ҳунарманда турли даражадаги бүеклар ишлаб чиқарадыган мануфактура очиб, у ерда турли матолар, гулқогозлар, гилам-у палослар ишлаб чиқаришни йұлға құяди. У тезда бойиб, Франциянинг энг бой одамларидан бирига айланади. Машхұр тадбиркорнинг фамилияси нима?

**600.** Рус шоир ва ёзувчиларининг авлоду аждодларини ўрганган олимлар шундай фикрни илгари сурешади: «А.С. Пушкинда қонида эфиоп қони бор бўлса, Лермонтовда шотланд қони борлиги исботланган. Достоевскийда поляк қони борлигига шубҳа йўқ. Уша давр классикларидан бири ҳақиқий рус бўлса ҳам фамилиясида мўгулча «тезроқ» сўзини учратиш мумкин.

*Савол: классикнинг фамилиясини топинг.*

**601.** Бу шаҳар 1922 йилгача Порт-петровск деб номланган. Кейин революционер Магомед Али Доходаев номига ўзгартирилиб, бутунгача шундай атамоқда. Бу шаҳар бугун ҳам мавжуд.

*Савол: Махамат Али Доходаевнинг лақаби нима?*

**602.** Пушкинни отиб ўлдирган Дантесининг машҳур тўппончаси Франциядаги бир соҳага оид кишилар музейида сақланади.

*Савол: қайси соҳа кишиларининг музейида?*

**603.** Ёзувчи Шукрулло домланинг «Кафансиз кўмилганлар» асарида шундай сўзларни ўқнш мумкин: «У қамоқдаги ҳамма маҳбусларга бирдай азоб беради. У шундай бир оғатки, эрта-ю кеч ундан тинчлик бўлмайди. Бўлиши мумкин, ойда бир ё икки кунгина, холос.

*Савол: ёзувчи қандай азоб ҳақида айтмоқда?*

**604.** Япониялик Нобель мукофоти соҳиби ёзувчи Кенձабуро Оэ асарларидан бирида ёзган: Япония қишлоқларида ҳар доим битта бўлса ҳам бундай одамлар бўлган. Лекин бир вақтнинг узида бир қишлоқда иккитадан бўлмаган. Қишлоқ ҳеч қачон бундай одамларсиз қолмаган ҳам. Қишлоқ деймиз-у бундай одамлар буюк шаҳарларда ҳам, ҳатто ҳукмдорлар орасида ҳам бўлган.

**Савол:** Оз кимлар ҳақида ёзган ва уларга үхшаш Рим императорларидан бирининг номини айтинг?

**605.** Бир мева ҳақида тўртлик:

Меваларидан дармон-дори қилурлар,

Вақти келса таёқ билан урурлар.

Ҳатто япроқларин йигиб тахмонларга солурлар.

**Савол:** у қайси мева, барглари нега тахмонга солинади?

**606.** Италиядаги бу миттигина шаҳарнинг номи дунёга машҳур. Италиядаги бу шаҳарчанинг номини учта оила дунёга тараттан. Ҳозир ҳам бу оиласар шу шаҳарчада яшашади.

**Савол:** шаҳар номини топинг?

**607.** Бу рус классик адабиёти намунаси бўлган асарни экранлаштирган режиссёрлар бош роль ижрочисини доимо ёлгизликни севишга чақирадилар. Ҳеч ким билан қўшилмай съёмка пайтида у билан гаплашишни қолган гуруҳ аъзоларига ҳам тақиқлаб қўяди. Фильмнинг асосий эпизодини суратга олиш учун сув остида ишлайдиган ижодий гуруҳ ҳам чақиририлади.

**Савол:** қайси асар экранлаштирилаётган эди деб ўйлайсиз?

**608.** Венгрияда аввал фамилия, кейин исм айтилади. Масалан, Вилям Шекспир — Шекспир Вилямош. Александр Солженицин — Солженицин Шондор... ва ҳ.к.

**Савол:** Надъ Пётр, Надъ Шандор деб қайси шахслар аталган?

**609.** XIX асрнинг 80 йилларида Москвада чоп этилган «Москва хабарлари» газетаси тиражи жиҳатидан оддинги уринларда турган. Газетани кўпроқ оддий

одамлар сотиб олишар эди. Газетаини күплаб сотиб олувчилар орасида қовоқхона хўжайинлари ҳам бор.

**Савол:** «Москва хабарлари» газетаси харидорларининг кўп булишига сабаб нима?

**610.** Пётр Ильич Чайковский гастролларда юрганида, кундузи дам олиш пайтида мухлислар уни кўп безовта қилишларини айтган. Мухлисларга дасхат бериш, улар билан суратта тушиш, мусиқа ҳақида суҳбатлашиш бастакорни анча чарчатар эди. Яна мухлисларнинг бир талаби бўлганки, у узини ўша ишдан олиб қочган. Чунки у иш анча вақтни олган.

**Савол:** қайси талаб ҳақида гап кетмоқда?

**611.** Биз ҳарбий хизматда у ишни 15-20 даражада совуқда ҳам қиласверар эдик. Ваҳоланки, уставда уни 10 даражада совуқ бўлган ҳароратда қилиш тақиқланган.

**Савол:** армия устави бўйича 10 даражада совуқдан кейин қайси иш тақиқланган?

**612.** Бир сайёҳ дунё бўйлаб 16 йил сайёҳат қиёди. Ўига келгач у ҳайротомуз ҳикоялар билан ҳамманинг диққатига тушди. Үлеми олдидан черков ходимлари унга ҳикояларидан воз кечишини сўрашади. Лекин үлемидан анча йиллар ўтиб унинг сўzlари ўз тасдигини топади. Ватандошлари унинг қадрига етиб юксак баҳолайдилар. 1982 йили ватандошлари уни эслаб юришсин деб номини бир ерда абадийлаштиришиди. Аниқроги, 17 йилгина абадийлаштира олишди.

**Савол:** сайёҳ ким ва уни қаерда абадийлаштирумоччи булишди?

**613.** Борис Бурда ва Максим Поташев — икки йирик билимдон. Бир қараашда уларни фақат «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйини бирлаштириб тургандек. Иккиси икки давлатдан, ораларидаги ёшда ҳам фарқ бор. Паспортида бири украин, бири рус деб ёзилган.

Лекин уларни бирлаштириб турувчи бир нарса бор, бир қараңда улар яқындең туолади. Бу яқынликни АҚШда феврал ойида бұлиб үтган воқеадан топса бұлади.

*Савол: уларни бирлаштирувчн яқынлик номини АҚШ билан болғаб аниқланғ?*

**614. Латифа:**

Чукоткалик бугу боқувчи чұпондан сұрашмоқда: «Қайси мамлакатда косманавтика күп ривожланған, биздами ё Америкадами? Бу саволга чукча шундай жавоб берганки, ундан америкаликлар ҳам, руслар ҳам хафа бұлишмаган.

*Савол: у нима деб жавоб берган?*

**615. Германияда 2006 йилдан бери бир компьютер үйини үйналмоқда.** Үнга күра, автомобиллар бир-бири билан ұзаро тұқнашади. Иккі томондан келиб уриладиган автомобиллар жанганин иккита рақамлы машиналар бoshлаб беради.

*Савол: сиз менға ҳар иккала рақамни ҳам топиб беринг?*

**616. 1993 йили гүзаллар танловидан қайттан Ливан давлати гүзали Хади Турк хонимни аэропортда полиция құлиға кишан солиб қамоққа олади.** «Айбим нима?» деб берган саволига жавоб қилиб, унинг газетадаги суратини күрсатишиади. У суратда ёнма-ён турған одам учун қамоққа олинади.

*Савол: у ким билан суратта тушған эди?*

**617. 1760 йили Лондонда түгілған Мария Грассхольц хоним Франсуа исмли бир йигитта турмушга чиқади.** Тұрмушға чиқаётганидаёқ у күримсиз ва сокин үйнинг бекаси булиб улгурған эди.

*Савол: Франсуанинг фамилияси ким бұлған?*

**618.** Бутун фермер хўжаликлари бутун дунёда ривожланмоқда. Ўтган йилнинг биринчи кварталида бир рўзномада беларуссиялик 18 та фермерга биттадаи трактор совга қилингани ҳақида хабар берилди.

*Савол: кимларга бундай совгалар берилди?*

**619. 1, 2, 3, 6, 12, 15 ...**

*Савол: ушбу рақамлар қаторини тўлдирувчи бир ҳарфни топинг*

**620.** Тасаввур қилинг, электрон саноатида ишлайсиз. Оддий ходимсиз, компьютер ё телевизор йигасиз. Сизга ва сизга үхшаш ишчиларга шифокорлар ҳар ярим соатда бир ишни қилиб туришни маслаҳат берадилар. У маҳсус машқтанадаги қоннинг кислородга тўйинишига ёрдам беради ва мияни углекисло газидан тозалаб, қон айланишини тезлаштиради.

*Савол: айнан ўша машқни кўрсатиб беринг.*

**621.** Япониянинг «Субару» автомобиль концерни «Вивио» номли кичик литражли автомобиль ишлаб чиқара бошлади. Унинг жуда ихчамлиги ва кам ёнилги сарф қилиши харидорлар диққатини тортди. «Вивио» лотинча сўз бўлиб, «ҳаёт» деган маънони билдиради.

*Савол: автомобильнинг цилиндр ҳажми неча куб сантиметрни ташкил этади?*

**622.** 1917 йили адабиёт соҳасида Нобель мукофоти колумбиялик Геллеруп деган адигба топширилди. Физика буййича Чарльз Барклига мукофот берилди. Тиббиёт соҳасида шу йили Нобель мукофотини ҳеч ким олмади. Аммо ўша йили тиббиётта бевосита алоқадор инсонлар мукофот олишди.

*Савол: мукофот соҳибларини топинг.*

**623.** Дунёда шундай савдолар, олди-сотдилар бўлганки, ҳайратдан ёқа ушлаш мумкин. Баъзи олди-

сотдининг улгуржи нархи ярим сўмдан, 2,5 сўмгача бўлган. Машҳур бир устамон савдогар бутун бошли партиясини ҳатто 15 сўмгача сотиб олган. Энг қизиги, товарни кўрмасдан ҳам олаверган.

*Савол: бу машҳур устамон савдогарнинг фамилияси ким?*

**624.** Тасаввур қилинг, XV аср, Шотландия. Шаҳардаги қовоқхоналардан бирига йўтон эшикларни очиб қироллик армиясининг 3-4 камончилари кириб келишади. Бироз кайфлари ошгач, бир-бирлари билан мусобақалаша бошлайдилар. Орадан бир йил ўтирас бутун Британия оролидаги қаҳвахоналарда ҳам шундай мусобақалар ташкил этила бошланди.

*Савол: бу мусобақалар бутун қандай аталади?*

**625.** «Заковат» сандиқчасидаги нарса жуда кўп соҳада ишлатилади. Унинг жинси борми, деб сўралса эркак жинсига, фақат эркак жинсига лойиқ деб айтиш мумкин. Унинг кўп соҳаларда: тиббиёт, қишлоқ хўжалиги саноат, санъат, хонадонимизда ҳам унинг ўрни баланд. Энг қизиги, уни бемалол маҳсус дўконлардан сотиб олиш мумкин. Ундан ҳам қизиги, уни сотиб олган дўконингизда бошқа ҳеч нарса сотилмайди.

*Савол: сандиқчада нима бор?*

**626.** 1778 йил 3 август. Меъмор Жузеппе Пьемарини томонидан Авлиё Мария ибодатхонаси олдида янги қироллик театри қад ростлади.

*Савол: бутун ҳам ишлайдиган бу театрни бутун дунё аҳли қандай атайди?*

**627.** Дунё олимлари охирги 2000 йил ичида инсоният учун энг фойдали қашфиётлар рўйхатини зълон қилишди. Биринчи ўрин бир немисга берилди. Унинг қашфиёти ҳақиқатан шунга лойиқ,

**Савол: у немис ким ва у нимани ихтиро қилган?**

**628.** Ўттан аср бошларида яшаган италиялик бу қари аёл ёшларга ёрдам бериб юрган. Бойлиги туфайли жуда қимматбаҳо кийимлар кийган. Энг севимли кийими зебра терисидан ёпингич бўлган. Ўлимидан олдин бойлигининг маълум бир қисмини узи тўплаган ёшлар гуруҳи истиқболи учун васият қилиб қолдирган.

**Савол: гуруҳ номини айтинг.**

**629.** Гонконгдаги казинолардан бири рақобатни синдириш мақсадида бир янгиликни жорий қилади. Ва тез орада у ўз самарасини бера бошлайди. Йирик мафия аъзолари ва давлат ходимлари бу казинонинг мижозларига айланишади.

**Савол: казино қандай янгилик жорий қилган?**

**630.** Ҳинд афсонасига кўра, Будда ер юзида 550 марта пайдо бўлган экан. 83 марта руҳоний, 58 марта шоҳ кўринишида, 24 марта оддий монах бўлиб.

**Савол: Айтингчи, у 18 марта қайси жонивор кўринишида пайдо бўлган?**

**631.** Германиянинг бу шаҳри Ўрта асрларда жуда ривожланган эди. Бу шаҳарда илк глобус ясалган. Венецияллар назарида бу Германиянинг биринчи шаҳри эмиш. Мартин Лютер фикрича, бу шаҳар Германиянинг кўзи ва қулоги экан.

**Савол: XX асрда бу шаҳарда бўлиб ўтган энг йирик воқеани айтинг?**

**632.** Туркия президенти Мустафо Ота Турк ўз давлатига кўп янгиликлар олиб кирган шахс сифатида тарихда қолган. Туркиянинг Европага яқинлашиши ва замонавийлашишида унинг роли катта бўлган.

асосида яраттан. Эртакдаги Пьеро образи үзининг энг яқин бир танишига қиёсан ёзилган.

**Савол: у ким?**

**644.** Славянларда азалдан меҳрибонлик байрами утказилади. Айнан шу байрамда Иван Грозний амнистия эълон қилган.

**Савол: худди шу куни Иван Грознийдан ибрат олган фуқаролағ қаңдай ишни бажаришган?**

**645.** Макка шаҳри ҳар йили кўпгина туристларни қабул қиласди. Бир ой давомида бир неча миллион кишилар ҳаж амалини бажариш учун бу шаҳнрга ташриф буюришади. 2000 йили Рим шаҳрига ҳам жуда кўплаб туристлар ташриф буюрган.

**Савол: нега?**

**646.** XX асрнинг 60-70 йилларида ишланган фильмлар намойиш этилганда вақти-вақти билан экраннинг ўнг томонида З та қора ҳалқачалар пайдо бўлади ва йўқолади. Бир фильм охиригача бир неча маротаба шу ҳолат такрорланади.

**Савол: нега?**

**647.** Қадимда созандалар мусобақаси концерт деб аталган. Ҳозир бу мусиқий мусобақа эмас, оддий куй-қўшиқлар дастури ҳисобланади. Бу мусобақада яна бир шарт бажарилиши керак бўлганки, усиз ҳар қаңдай мусобақа концерт деб аталмаган.

**Савол: концерт мақомини олиш учун яна қаңдай шарт бўлган?**

**648.** XX арнинг 30-40 йиллари Британия радиоси об-ҳаво маълумотидан ташқари кўпчилик учун жуда аҳамиятли бир маълумотни ҳам берар эди.

**Савол: об-ҳаво билан бирга яна қаңдай маълумот берилган?**

**649.** Япониялик Альберто Фухиморе Перуга президентликка сайлангач, маңаллий аҳоли уни Эльчино «хитойлик» деб атай бошлади. Унинг кирдикорлари ошкор бўлгач, мамлакат жуда ноchor аҳволга тушиб қолди. Шундан сўнг ақли үспирин боланикidek эканку, деб уни испан тилида шундай атай бошлашган.

*Савол: қандай?*

**650.** XVII аср ўрталаригача Жанубий Американинг Суринам ҳудудини згаллаш учун Голландия билан Англия ўртасида уруш бўлган. 1667 йили улар масалани тинчлик йўли билан ҳал қилишиди. Англия Суринамни Голландияга совга қилади, Голландия эса у ерни.

*Савол: қаерни?*

**651.** Европадаги бу давлат гимнида шундай сўзлар бор: «Сендан миннатдормиз, қадрдан отамиз, о буюк Карл. Сен бизни араблардан халос қилдинг».

*Савол: бу сўзлар қайси давлат мадҳиясида учрайди?*

**652.** Фламандларнинг қадимий ривоятига кўра, брюсселлик бир бойнинг икки ёшли боласи йўқолиб қолади. Болани узоқ қидиришади ва охири топишади. Бойвачча ота хурсанд булиб кетиб, Брюсселнинг марказида ўглига ҳайкал ҳам қўйдиради. Бола топилган вақтидаги ҳолатида тасвирланади.

*Савол: бола қандай ҳолатда турган?*

**653.** XVI-XVII асрларда милтиқлар унча узоққа отмаган. Чунки қуроллар унча мукаммал бўлмаган. Орадаги масофа маълум бир ўлчамга етганда ўқ отиласа нишонга тегиши мумкин. Хуш, жанг пайтида бу масофа қандай аниқланади? Қуролсозлар, рақибни лиққат билан кузатиш зарур, у кўрингандан кейин ўқ узса бўлади, деб маслаҳат беришади.

**Савол: ниманинг кўриниши билан ўқ узини кераклиги маслаҳат берилади?**

**654.** Улар чигиртка, ўргимчак, қурбақаларнинг, ҳатто каттароқ ниначиларнинг ҳам қурбони бўлиши мумкин. Инглизлар унинг сурати билан ўз уйларини ясатишади.

**Савол: у нима?**

**655.** XVI асрда Амазонка дарёсини илк бор кўрган испанлар уни Рио-Мар деб атай бошлашган.

**Савол: «Рио-Мар»нинг таржимасини топинг.**

**656.** 1968 йилги мавсумда энг кўп гол урган футболчилар учун «Олтин бутса» соврани таъсис этилди. «Олтин бутса»нинг таъсисчиларидан бири Франс футбол ҳафтаномаси бўлган.

**Савол: иккинчи таъсисчи номини сиз топинг.**

**657.** Россияда зарб этилган иккита танга. Унинг биринчисида аёл тасвирланган, иккинчисида эркак. Бу иккала танга бугун ҳам жуда харидоргир.

Аёл тангада қиролича Елизавета тасвирланган, эркак тангада Шох Иоанн VI тасвирланган. Иоанн VI туширилган танга Елизавета сурати туширилган тангадан ўн баробар қиммат баҳоланади.

**Савол: нима учун?**

**658.** Океан ва деңгизларда кемалар турли вазифани адо этиш учун сузиб юради. Масалан, ўловчи, юк, суюқлик ташийдиган танкерлар ва ҳ. к.

**Савол: қайси ҳарбий бўлмаган кемага тротила олиб юришга рухсат берилади?**

**659.** Оқ, юбилей навли, юлдуз, зангори хав юлдузи, кварц минорали юлдуз, Робенс юлдузи ва ҳ. к. Булар юлдузларнинг номи эмас.

**Савол: улар қайси ўсимликнинг навлари?**

**660.** 1883 йили бир касб учун одобли, сўкинмайдиган, маданиятли аёллар ишга қабул қилингани. Бундан ташқари уларнинг қулочлари ҳам кенг бўлиши керак.

**Савол: аёллар қандай ишга қабул қилинган?**

**661.** Уларнинг умумий сони 16-17 та чиқиши мумкин. Уларнинг орасида Борис, Анатолий, Александр, Василий, иккита Михаил ва ~~х~~ к.лар бўлишган. 1886 йилдан бери иккита Михаилни учратиш мумкин.

**Савол: Михаилларнинг фамилиясини топинг?**

**662.** Ўрта асрларда христиан дини миссонерлари ва ислом дини таргиботчилари Хитойда ташвиқот ишларини олиб боришган. Насронийлик дини хитойликларга маъқул туолган, мусулмон дини эса битта сабаб туфайли уларнинг зътиrozига сабаб бўлган.

**Савол: исломнинг қайси талаби хитойликларга маъқул келмаган?**

**663.** Ёнма-ён жойлашган бу давлатларда ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб энг қадимги тиллар сақланиб қолган. Ҳозиргача мавжуд бўлган тиллар ичида бу тиллар санскритта жуда яқин. Бу типдаги тилларни жуда кўпи йўқ бўлиб кетган.

**Савол: давлатлар жойлашган ҳудудини топинг.**

**664.** Н.В. Гоголь «Ревизор» комедиясида у аввало 72 та сўздан иборат бўлган. Кейинги вариантда 45 сўзга, охирги вариантда эса 15 та сўзга қисқарган. Ҳозирда 15 та сўздан иборат бу ибора учқур ихтибосга дайланган.

**Савол:** иборанинг қисқача мазмунини ёзиб беринг.

**665.** Тарих манбаларига кўра А. Македонский бир юони ӯз номини абадийлаштирган кунда дунёга келган экан.

**Савол:** ӯз номини абадийлаштирган одамни топинг.

**666.** Жулиано де Медичининг маъшуқаси Констанция Д. Авалос номи сизларга таниш деб уйлайман. Кўрган бўлишингиз ҳам керак.

**Савол:** унинг маъшуқасининг исми ким?

**667.** Бу давлат паст-техниклик, дашт ва ўрмонлардан ташкил топган. Қир, тоглар ҳам бор, бир пайтлар у ерда далалар ҳам бўлган. Давлатнинг номланишпга далалар асос.

**Савол:** бу қайси давлат?

**668.** Бу митти давлат ҳақида гап кетганда ҳазиллашиб, бу давлатнинг кенглиги баландлиги билан бир хил, дейишади.

**Савол:** бу қайси давлат?

**669.** 1933 йили Иван Бунин Нобель мукофотини олади. Лауреатлар анъанага кўра мукофотни ӯз давлат байроқлари остида олишлари керак. Аммо Бунин 1920 йилда Россиядан чиқиб кетган ва Францияда истиқомат қилган. Лекин Франция фуқаролигини ҳам қабул қилмаган эди. Бунин Россия империясининг фуқароси эди. СССР фуқаролигини ҳам қабул қилмаган эди.

**Савол:** Бунинга мукофот қайси давлат байроғи остида топширилган?

670. 1895 йили бўлгуси рус подшоси Николай II Германияда бўлиб, у ерда немис маликаси Алекс Дариштадекаяга оғиз солади. У Николай II га турмушга чиқишига розилик беради. Николай Александрович тўй тараффудини кўриш учун Россияяга йўл олади. Лекин рафиқаси билан икки соҳа кишисини қолдиради.

*Савол: уларнинг қасби нима бўлган?*

671. 1908 йил латифасидан:

Кечқурун — Менделеев, эрталаб — Мечников!

*Савол: латифада нималар назарда тутилган?*

672. Россиянинг «Коммерсант» журнали шарҳидан: «Аввал картошка, конъки, тамаки, штурман, сунгра эса улар. Улар деб икки кишининг фамилияси келтирилади.

*Савол: кимларнинг?*

673. 1912 йилнинг май ойида икки ойлик сафар билан бир груп рус зобитлари Швецияга ташриф буюришади. Делегация таркибида полковник фон Шредер, штаб-капитан фон Эксе, княз Човчавадзе, капитан Салихов, Ротмистр Екимов, под поручик фон Руммель ва яна бир неча зобитлар бор эди.

*Савол: улар Швецияга нега боришган?*

674. Бир неча аср илгари Швеция ҳудудида ундан фойдаланишга рухсат бўлмаган. Турли кўз, тери касалликлари ва юқумли касалликлар тарқалади деб ундан фойдаланишмаган.

*Савол: унинг нима экани ва табиатта қандай зарар етказишини айтинг?*

675. Буюк Британия — анъаналарга бой мамлакат. Буюк Британиянинг барча вазирликлари Лондонда жойлашган. Фақат учта вазирликлардан ташқари.

*Савол: қайси вазирликлар?*

**676.** Унинг ихтирочиси рассом ва монах Фра Бартоломео бўлиб, XVI асрда уни дараҳтдан ясаган. 188 йили британиялик савдогар унга жон киргизди. Ҳоир улар жуда кўпайиб кетган, жонсизи ҳам, жо миси ҳам.

*Савол: рассом Фра Бартоломео нимани ихтиро ки тан?*

**677.** Японлар биз бир ном билан атайдиган кишиларнинг бирларини «кадзинлар»лар, иккинчиларини «хайдзин»лар деб аташади.

*Савол: кадзинлар билан хайдзинлар ишлаб чиқарадиган маҳсулотни 2 та сўз билан ёзинг.*

**678.** А.С. Пушкин Россия шоҳи Александр I ҳақида ақли қалта ит, жанжалкаш хотин, деб уни доимо таҳқирлаб юрган. Лекин Пушкин шоҳнинг Россияга қилган иккита хизматини ҳам таъкидлаб қўярди. Биринчиси Наполеон устидан галаба қилгани бўлса, иккинчиси бевосита Пушкинга ҳам болгик. Иккинчисидан Пушкиннинг ўзи ҳам манфаат кўрган.

*Савол: шоҳнинг иккинчи хизмати нима бўлган?*

**679.** «Труд» газетаси «Шляпангизни ечинг, хонимлар» номли мақола эълон қилиб, унда аёллардан у ишдан олдин дори истеъмол қиласлик, телесериал қўраслик, кенг шляпа киймаслик, оёқ кийимга ҳам катта зътибор қаратиш кераклиги сўралади.

*Савол: қандай иш қилишдан олдин бундай чекловлар жорий қилинади?*

**680.** У 1597 йилнинг 28 январида тонготар вақти вафот этди. Испанияда шу кунни миллий байрам сифатида қарши олишиди. Унинг тобути Номбре-де-

Диоса бүгозида дengизга ташланди. Айнан шу бүгоздан унинг дengиз юришлари бошланган эди.

**Савол: кимнинг вафотидан испанлар шод булишган?**

**681.** Қуйидаги муаллифларни исм-шарифи билан ёзиб олинг: Фёдор Михайлович Достоевский, Эрик Мария Ремарк, Маргарет Митчелл, Филипп Жозе Фармер, Александр Исаевич Солженицин, Никифор Ляпис-Трубецкий, Константин Симонов. Яхшилаб Ўргансангиз, ушбу муаллифларнинг қуйидаги кетма-кетлигида бир маъно топасиз.

**Савол: уларни кетма-кетлиқда ёзиб беринг.**

**682.** Роллс-Ройс автомобилининг реклама роликлари эфирда кетяпти. Автомобиль харид қилаётган мижозга салон ичидағи бу овоз ёқмаганини айтади.

**Савол: харидор ниманинг овозини ўзгартириш кераклигини айтади?**

**683.** Россияда дengизчилар тайёрлайдиган юнга мактаблари анча йиллардан бери мавжуд. XIX асрда бу мактабларга кириб ўқиш жуда қийин булган. Аввал дворян ва чиновникларнинг болалари қабул қилинган. Улар пул тұлаб ўқишиган. Кейин эса талабгорлар имтиҳон билан қабул қилинган. Уларнинг орасида айрим болаларга имтиёзлар булган.

**Савол: кимларга құшимча имтиёзлар берилган?**

**684.** Достоевский «Жиноят ва жазо» асарида кичик бир эпизод бұлыб, унда 1865 йили 4 июл куни Санкт-Петербург күчаларида бемалол у ишни қилиб юришга рухсат берилгани айтилади. Лекин бу ҳаммага ҳам маъқул бұлавермаган.

**Савол: нимага рухсат берилган?**

685. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романи қаҳрамони Раскольников синглиси Дуняни Лужинга бойлиги учун турмушга чиқишига қарши бўлиб: «Бу режага розилик билдиргандан кўра плантаторга негр бўлиб ёлланаман, немисга малай бўлган фалончилик хор бўламан», дейди.

*Савол: Раскольников фикрича, немисга ким малай бўлган?*

686. Кореядә бу кунни жуда кўпчилик интизор бўлиб кутади. Шу куни кўчаларда транспорт қатнови ҳам камаяди. Ҳатто шовқин бўлмаслиги учун самолётлар парвози ҳам бир неча соатга кечиктирилади.

*Савол: Йилнинг қайси куни бу воқеа содир булади?*

687. Элчилар орасида шундай гап бор экан: «Элчи икки марта ўйлади, сўнгра ...»

*Савол: элчи икки марта ўйлаганидан кейин нима қилади?*

688. Озарбайжон нефти танкерлар орқали эмас, қувурлар орқали тарқатилади. Аммо барибир Озарбайжондан ҳар куни танкерлар хорижга суюқлик ташийди.

*Савол: бу танкерлар қаерга, нима ташийди?*

689. Бирмалик У Тан БМТ бош котиби бўлиб ишлаган. Тан унинг фамилияси. У сўзичи?

*Савол: У сўзи фамилия ҳам, исм ҳам, тахаллус ҳам бўлмаса, унда қандай маънода ишлатилган?*

690. 1861 йил Русияда крепостнойлик тузуми бекор қилиниб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари аста-секин тиклана бошлаган. Ерга эгалик қила бошлашган, эркин ишчи бўлиб маълум хизмат эвазига меҳнат қила олган.

Крепостной деҳқон учун энг шарафли ва улуг нарса айнан у бўлган.

**Савол: крепостнойлар яна қандай ҳуқуққа эга бўлнишган?**

**691.** Пластик жарроҳларнинг фикрича, инсон терисини қаритадиган воситалардан биринчиси тамаки экан. Иккинчиси эса айнан у.

**Савол: иккинчи омил нима?**

**692.** У майдонни сақлаб туриш анча қимматга тушади. Биргина сугориш учун бир йилда 1 миллион тонна сув керак бўлади. Аниқроги, 12 минглик шаҳар аҳолисининг бир йил давомида сарф қиласидиган сув ҳажмига тенг.

**Савол: гап қайси майдон ҳақида кетмоқда?**

**693.** Шарл де Костернинг «Уленшпигель қиссаси» асарида машҳур қаҳрамон Тилль Уденшпигельниң успирийлик чоғлари ҳақида сўз юритилади. У пичоқчи ўстага шогирд тушиб, пичоқ дастасига жило бериш сирларини ўрганади. Ва ўзи ясаган пичоқ сонларига итнинг бош суратини чиза бошлади. Устаси бунинг маъносини сўраганда у худди шундай асослайди.

**Савол: қандай?**

**694.** XX аср бошида Канберра Австралияning янги пойтахти деб эълон қилинган.

**Савол: қандай сабаб билан Канберра Австралия пойтахти деб эълон қилинган?**

**695.** 1940 йили немис Германияси Францияни деярли урушсиз таслим қиласиди. Ҳаво орқали ташланган ташвиқот варақаларида келтирилган бир ибора французларни руҳан синдирилган эди.

**Савол: варақадаги матн муаллифи ким?**

**696.** У рақиб әгизаклар бир хил вазифани бажарадылар. Гарчи бир-бирига рақиб эсада, навбатма-навбат ишлайды. Одоб билан үзиге навбат келишини кутадылар. Хоұлаган тақдирда ҳам шеригининг рухсатисиз бир иш қила олмайды. Бир тана ичида навбатма-навбат бир ишни адо этады.

*Савол: у нима?*

**697.** Испанияда айрим фермерлар учун солиқ бүйіча өгермалар мавжуд. Солиқчилар бу фермерларни рүйхатта киритиб қўйишади.

*Савол: қайси хизматлари учун фермерлардан кам солиқ олинади?*

**698.** Аргентинада 3-4 та қашшоқ талаба китоб чиқаришибди. Китоб «Президент Карлос Менемнинг фикрлари» деб аталған. 10 минг тиражда чиққан китоб ярим тунда сотилиб кетибди. Бор-йўги 64 бетлик бу кигобда Карлос Менемнинг фикрларини аниқ кўрсатиб берилгани учун ҳам у бир зумда сотилиб кетибди.

*Савол: китоб муаллифлари унинг тез сотилиб кетиши учун қандай усулини қўллашган?*

**699.** Биз инсонлар уларга тенглашишимиз учун Эверестни қўлда қуриб чиқишимиз керак. Уларнинг санъати олдида эҳромларни қурган мисрликлар санъати ҳам бир пул. Улар қилаётган бу ишни ўрганиш мумкин, аммо куч борасидан уларга етиш мушкул.

*Савол: санъаткорларнинг номи қайд этилган асарда унинг шериги қандай аталади?*

**700.** Миллий Хоккей Лигаси үйинлари пайтида ҳар бир таймда 3-4 марта 40-50 сониядан пауза булиб туради. Бу хоккейчиларни алмаштириш учун бериладиган паузадан ташқари.

*Савол: нега бундай тұхталишлар булады?*

701. 1997 йилги маълумотта кўра, АҚШда йил кишиси деб телемагнат Руперт Мердок, банк ходими Алан Грипопен ва яна икки киши кўрсатилган. Қолган икки номинантларнинг бир-бирига ўхшаш томони бор.

**Савол: қолган икки голибнинг исми шарифини топинг.**

702. 1930 йилларда әдабий агарлар орасида энг кўп тиражда сотилиб, муаллифига миллионлаб фойда келтирган бу китоб ҳақида совет кишилари 90 йилларга келибгина эшита бошладилар.

**Савол: китоб номи ва муаллифини топинг?**

703. «Баҳорнинг 17 лаҳзаси» филмидан кейин Швейцариядаги бу кўча жуда машҳур бўлиб кетди.

**Савол: кўчанинг немисча номини топинг.**

704. Эр хотин ажralишлари сонининг кўпайиши ҳар бир давлат учун инқизотга юз тутиш демакдир. Иккинчи томондан ажralишларнинг кўпайиши бир маҳсулот ишлаб чиқарилишининг кўпайишига сабаб бўлар экан.

**Савол: қандай маҳсулотнинг?**

705. АҚШ президенти Жимми Картер уз мемуарида, давлат гимни янграётганда үзини йўқотиб қўйиш ҳолати рўй бериши уни каръерасига бироз путур етказишини ёзган. Шундай руҳшунос унга гимн янграётганда санашини буюради.

**Савол: руҳшунос президентга нимани санашини буюради?**

706. Япон шоири Бусон ижодидан хокку:

Баҳорги ёчгир.

Шу дамда қайдэ экан

**Савол: иккита жонсиз предмет номи билан шеърни якунланг.**

**707.** Россиянинг бир газетасида шундай юмористик сурат берилган. Эски йўл, унда учта йўналиш бор. Биринчи йўналиш Арзамас-16, иккинчи йўналиш Челябинск-40 деб ёзилган. Учинчи йўналиш стрелкаси Россиянинг йирик бир шаҳрига қаратилган, стелкада 3 рақами ва яна битта шаҳар номи ёзилган эди.

**Савол: қайси шаҳар номи ёзилган?**

**708.** Бу икки муассасага келувчи контингентнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшаш. Номланишида ҳам боғлиқлик бор. Биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам табиат билан боғлиқ. Биринчиси ҳақида Инжилда маълуомат берилган, унда фауна ва флоралар истиқомат қилишлари ёзилган. Гўзал хурлиқолар истиқомат қиласи дейилган бу жойда бутун бошқалар пана қуришган.

**Савол: кўпчилигимизга таниш бўлган бу жой номини топинг.**

**709.** Тарихчиларнинг эслашича, 1812 йилларда Москвадаги идоралар ходимларига жарима жорий қилинган, бу муниципалитет томонидан ҳам қаттиқ жазоланган.

**Савол: нима учун жарима солинган?**

**710.** Роджер Меннерс, граф Дерби, граф Сольсбери, Френсис Бэкон, Филипп Марло. Адабиётта бефарқ бўлмаган бу кишилар, турли даврларда, турли йилларда яшашган. Уларнинг барчаси унинг ҳуқуқини ўзларига олиш учун кўп бора уринишган.

**Савол: улар қандай ҳуқуқ эгаси бўлишини хоҳлашган?**

**711.** АҚШда қамоқдагиларга бир хил рангда кийимлар берилади, оёқларига ҳам бир хил рангдаги пойафзаллар кийдириллади. Тутқунлар киядиган пойафзалнинг алоҳида бир хусусияти бўлган.

*Савол: бу қандай хусусият?*

**712.** Бу адабий асарда қайд этилишича, бу уч киши А пунктдан Б пункттacha 97 соату 20 дақиқа сарфлашган экан. Агар А пунктни Флорида бўлса, унда Б пункти қаер? деб ҳам савол қўйган бўлардик.

*Саволни бошқачароқ берамиз: бу адабий асар муаллифи ким?*

**713.** АҚШда юз минглаб тиббиёт ходимлари ишлайди. Аммо АҚШ Тиббиёт академиясининг таъкидлашича, уларнинг ичида 18 та доктор мавжуд экан.

*Савол: 18 та доктордан 3 тасининг фамилиясини топинг.*

**714.** 1980 йил Япония Бош Вазири Накасонэ АҚШ га келиб, Рейген билан учрашади. Суҳбат орасида Иккинчи жаҳон уруши, иккита вайрон бўлган шаҳар ҳақида ҳам гап боради. Шунда Рейген ўзини ҳимоя қилиб, Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ҳам АҚШдаги бир шаҳарни бузуб ташлаганини айтади.

*Савол: Рейген қайси шаҳарни назарда тутган ва нима учун?*

**715.** Кейинги вақтларда АҚШ конгресси аъзолари орасида шахмат ўйинини ёқтирмайдиган сенаторлар қўпайиб кетгани ҳақида ҳазил қилиб айтишяпти. Шахматдаги бир қонун туфайли унга хоҳиш камайган бўлиши мумкин.

*Савол: бу ҳазил кимларнинг жигига тегиш учун уйлаб топилган?*

**716.** 1978 йил 5 апрел куни бир араб оиласида учта ўғыл дунёга келади. Худди шу куни Кемп-Девид шартномаси имзоланган күн бўлиб тарихдан жой олган. Уни уч киши имзолаган эди. Биринчиси Исроил раҳбари Менах Бегин бўлган.

*Савол: учта ўғыл кўрган араб қолган иккита ўтлини қаңдай номлаган?*

**717.** Рим папасининг кийимлари доимо бир хил бўлиши керак. Бир хил бош кийим, бир хил ридо. Бош кийими тую терисидан ясалади. Ҳатто оёқ кийим ҳам маҳсус теридан тикилар экан.

*Савол: папанинг пойафзали ниманинг терисидан тикилади?*

**718.** Ислом динини нотўгри талқин қилувчи кишилар мусулмонларга ит боқиш таъқиқланади, уларни хонадонингиздан ҳайданг, дейишган. Аммо чорва билан шугулланувчи саҳрои ба давийларга ит жуда зарур. Улар исломга хилоф иш қилмаган ҳолда итларни сақлаб қолишган.

*Савол: қаңдай қилиб?*

**719.** Таити аҳолиси уни аввал ёқтирмай, яхши қабул қилимади. Бироздан кейин эса унинг қилган ишларига баҳо бериб, унга ҳатто худо деб сигина бошлади, чунки у одам ясади. Шундан унга одам яратувчи деб ном қўйишиди.

*Савол: кимга?*

**720.** Тилда катта саккизлик, катта еттилик ва бошқа шу каби атамалар мавжуд. Катта саккизликка қайси давлатлар киришини санаб бера оласиз. Туристлар тилица Кенияда катта олтилик деган атама бор.

*Савол: катта олтиликнинг камида учтасини ёзиб беринг.*

**721.** 1972 йили Брюседдаги бир рўзгор буюмлари кургазмасида бир анжомни қарияларга мослаштириб зшик билан ясалган нусхаси намойиш этилади. Шу анжом намойиш этиладиган павильонда бир машҳур инсон сурати ва бир сўз ҳам ёзилган эди.

*Савол: сўз, киши ва анжом номини топиб ёзинг.*

**722.** Қўқон ва Бекободда деярли ҳар куни кучли шамоллар бўлиб туради, бу шамол ҳеч кимга ёқмайди. Фақат уларгина тез-тез шамол бўлишини хоҳлашади.

*Савол: қайси касб эгалари?*

**723.** 1920-1925 йилларда Мальборо сигаретасини кўпчилик чекувчилар ёқтиргмаган. Мальборо қутисини олиб юрган чекувчи кулгига қолган.

*Савол: нега Мальборо сигаретаси янги чиқдан йиллари ашаддий кашандаларнинг дикқатини тортмаган?*

**724.** Яқинда машҳур футбол мутахассиси Никита Симонян 1956 йил Мельбронда ўтган олимпияда таассуротлари ҳақида гапириб, СССР терма жамоасининг суратини кўрсатди. Олимпиада чемпиони бўлган жамоа билан у ҳам бирга суратга тушган эди.

*Савол: суратда яна нима тасвирланган эди?*

**725.** Жувонмардлик қоидаси бўйича уч нарсани дўсту душманга очиқ тутмоқ лозим экан: уй эшигини, ластурхон бошини, ҳатто уни ҳам.

*Савол: учинчи нарсани топинг?*

**726.** Ўрта асрларда пайдо бўлган алхимия фани охир-оқибат химия фанининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Ўрта асрларда ятрохимия деб аталган фан ҳам бўлган.

*Савол: ятрохимия бутун нима деб аталади?*

727. Илмий китобларда у ҳолатта шундай баҳо берилган: катта ҳажмдаги энергия қисқа муддатда ва үлчанган миқдорда озодликка чиқади.

*Савол: бу нимага берилган баҳо?*

728. 1993 йили Польшада бир қонун кучга кирди. Шундан кейин бир қанча туристик фирмалар 250 долларга Чехияга маҳсус турлар ташкил қила бошлиди. Туристик фирма ҳамма ташкилий ишларни бажаргани боис ҳам нархлар бир мунча қиммат бўлган. Бу сумма нафақат меҳмонхонага, балки Чехиядаги бир мажмууга, ҳатто мутахассиснинг чой чақаларигача ажратилган эди.

*Савол: мутахассис қайси иши учун чой чақа олган?*

729. 1797 йили Петербургда «школа благородных девиц» (олий тоифа қизлар мактаби) очилади. Меҳмонлар, майда хизматчилар, аскарларнинг қизлари у ерга ўқишга қабул қилинган. Смольнийда худди шундай дворян қизларини ўқитиш мактаби бўлган. У мактаб ҳам, бу мактаб ҳам қизларни ҳамма соҳага ўқитган. Аммо мактабнинг дворянларга хос бўлган бир нарсани ўргатишга ҳуқуқи бўлмаган.

*Савол: мактабда дворянларга хос нима ўргатилмаган?*

730. Лев Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асари 1805-1824 йил воқеаларини ўз ичига олади. Вадим Кожевниковнинг «Қилич ва қалқон» романи воқеалари 1939-1945 йилларга тўгри келади. XX асрнинг 40-60 йилларида, ижод қилган бир муаллифнинг «Марс хроникаси» асари воқеалари 1999-2026 йилларда бўлиб ўтади.

*Савол: асар муаллифини топинг.*

**731.** 30-шахмат олипиадасида қатнашган бу жамоа таркиби: Ирина Левитина, Елена Ахмыловская, Анна Ахшарумова, тренер Александр Иванов.

*Савол: булар қайси терма жамоа таркиби эди?*

**732.** Россияда илгари извошлар күчада бир ҳолатда бир неча дақиқа тұхтаб, қалпоқларини тишилаб туришга мажбур булишган.

*Савол: қайси вақт?*

**733.** Микробиологларнинг текширувига күра, уни хонадонимиздаги энг ифлос жой дейиш мүмкін. Уни ҳар бир квадрат см. да 11,4 миллион микроб бор экан. Лекин ҳожатхона эмас.

*Савол: энг ифлос жой қаер?*

**734.** Бу жониворлар герман қабилаларининг рамзи ҳисобланған. Афсоналарга күра, уларнинг тухуми баҳор ва ҳосијдорлик рамзи бұлған.

*Савол: бу қайси жонивор ва улардан энг күп озор чеккан қытъани топинг.*

**735.** «Жиллет» компанияси маңсулотларини энг күп харид қыладыған давлатлар: Япония, Германия, Россия ҳисобланади.

*Савол: фирма маңсулотини энг кам сотиб олувчи утта давлатны санаб беринг.*

**736.** Владимир Иванович Даљ топишмоги:

1 сүм қочмоқда, 100 қувламоқда, 500 қоқылған эди, бебаҳо үлди.

*Савол: 1, 100, 500 ва бебаҳо нималигини топинг.*

**737.** 1918 йылдан бошлаб СССРда 8 март аёллар байрамы сифатида нишонланғы. Ҳатто Иккінчи жағон уруши йилларида ҳам бу байрам тұхтатылмаган.

1918 йилдан бери фақат бир йили бу байрам нишонланмаган.

*Савол: қайси йили?*

**738.** Инсон қошлари ҳам түрли күринищда ва номда бұлар экан. Масалан, қалта, узун, туташған, үртача, ярим ой шаклида, қалин, йұғон, тепага қараган, пастға қараган.

*Савол: таснифни түзгач уч сүзден ибәрат ташкылот номини топпинг?*

**739.** Озод франк уйланғанида келиннинг құлиға узук таққан, сұнг, энди менинг изимдан юрасан, деган маңында оёгига янги пойафзал кийгизган.

*Савол: күёв хұжаликнинг барча юмушларн сенга, деб келинга нима топширган?*

**740.** XX аср бошларида Англия Алоқа вазири мажбуран барча почта ташувчиларга маҳсус қызыл рангдаги кийим кийиб юришни буюради.

*Савол: нега?*

**741.** Москвада Болыпой театр иш бошлаган пайтлари Москва қокими бүйруги билан 2000 та крепостной деңқонлар театр рүйхатига киритилген.

*Савол: нима учун?*

**742.** Съюзен Никольсон отасининг 50 йиллик фаолияти ҳақида китоб ёздриб, унга «Отамнинг меҳмонлари» деб сарлавча құяды.

*Савол: сарлавча номидан келиб чиқиб айтинг-чи, Съюзеннинг отасининг фамилияси ким болған?*

**743.** Тасаввур қилинг, сиз Маркиз оролининг үзиге түқ фарзандисиз. Құшни оролда бу йил қурғоқчилик бұлиб, улар оч-нақор қолишли. Маълум совға әвазига сиздан қарзга бугдой олишади.

**Савол:** агар жамоа сардорлари оч қолган орол фуқаролари бўлса, озиқ-овқат эвазига қандай совга беришганини топинг.

**744.** 1959-1961 йиллар давомида бўлиб ўтган бу урушда қурбонлар сони 1 миллиарддан ошган. Уруш шунчалар авжига чиқадики, жабрдийдалар қўшни давлатдан бошпана излашган.

**Савол:** воқеа жойи ва қурбонлар номини топинг?

**745.** Бу классик асарда уч ҳафта ичида олтида персонаж вафот этади. Учтасини ўлдиришади, иккитаси ўзини ўзи ўлдиради, биттаси қайгу ва изтироб чекиб ўлади.

**Савол:** қайси асар уч ҳафта воқеаларини ўз ичига олади?

**746. Латифа:**

Полицияга қўнгироқ бўляпти:

— Ёрдам, ёрдам беринг!

Полициячи:

— Нима бўлди тинчликми?

— Хонага мушук кириб келяпти! Ҳозир ўлдиради.

Полициячи:

— Илтимос полицияни бекорчи ишлар билан ҷағитманг. Ўзингиз кимсиз?

**Савол:** полициячиннинг саволига қандай жавоб берилган?

**747.** 1887 йилда Россияда анчадан бери кутилаётган китоб савдога чиқарилди. Россияда унга эга бўлишни хоҳловчилар сони шунчалар кўп эдикӣ, оқибатда китоб дўконларининг эшик-ойналари синиш даражасига етди.

**Савол:** бу китоб кимга тегишли эканини биласиз. Муаллифнинг китоби нега бунча йил босилмай тургани сабабини айтинг?

748. Тасаввур қилинг, даланинг ўртасида бир бугу үлиб ётибди. Аммо унга биронта ҳайвон яқинлашмаяпти. У касал булиб ўлмаган.

**Савол:** нима учун ниртқичлар унинг гүштиниң ейишдан ҳазар қилади?

749. Илк патент 1809 йили олинган бўлсада, ундан Пушкин ҳам, Лермонтов ҳам фойдаланмаган. Айтишларича, учдан кўпгина даҳолар фойдаланган экан. Уни конвейер ишлаб чиқаришни йўлга қўйган одамнинг номи кўпчиликка маълум. Ҳозир қўлингизда турган булиши ҳам мумкин.

**Савол:** унинг фамилиясини топинг?

750. Франсуа Мариакнинг сўзлари:

«Мен Германияни жуда яхши кўраман, энди менинг баҳтиёrlигим икки ҳисса ошди».

**Савол:** у бу фикрни нечанчи йил айтган?

751. Мутугул жангчиси 4 та жанг амалини билни шарт бўлган Биринчиси отда юриш, иккинчиси қилич чопиш, учинчиси камондан отиш. Тўртинчи амал уларга тинчлик пайтида ҳам зарур.

**Савол:** тўртинчи жанг усулини топинг.

752. XIX асрда Англия колонияси бўлган бу давлат, аср ўрталарида колониялистларга қарши мустақиллик уруши бошлаган. Бу урушда маҳаллий аҳоли томонидан Бура аборигенларига бош бўлган халқ қаҳрамони фамилияси, сизга Нельсон Манделладек таниш.

**Савол:** қайси фамилия сўралмоқда?

753. 1926 йилда Мэнсфильд Робинсоннинг бир қиссасида ёзилишича, асар қаҳрамони ярим тунда телеграфателеграммажўнатишучун келса, телеграфда одам кўп. Навбатга туриб ёнидаги кишидан сўрайди: «Нима бўлди, нега ҳамма телеграмма жўнатаяпти?»

**Савол: у қандай жавобни олган?**

**754.** Жанни Родарида шундай шеърий үхшатиш бор:

Бу дengизда сузишни билмайдиган кишилар чумилса, маза қилади.

**Савол: қайси дengиз?**

**755.** Ҳарбийлар Калашниковдан ўқларнинг овозини узгартириб беришни сўрашади. «Нима учун?» деб сўраганда ҳарбийларнинг жавоби унга маъқул келади ва тезда овози бошқача жаранглайдиган ўқлар ясаб беради.

**Савол: ҳарбийлар нима деб жавоб беришган?**

**756.** Адабиётчи Сельвинский у ҳақида гапирганда куринишини арабга үхшатиб, араблар сингари отни яхши куришини айтади. Унинг энг машҳур романи 1958 иили Италияда чоп этилган.

**Савол: унинг исми шарифини топинг?**

**757.** Френсис Дрейк ҳақида кўпгина ривоятлар тўқилган. Масалан, Англия қироличаси унга рицарлик унвонини топшириш учун шахсан унинг кемасига ташриф буюради. Машҳур дengизчи унга хушомад қилади. Бу қироличага маъқул келади.

**Савол: Дрейк қандай ҳаракат билан қироличага хушомад қилган?**

**758.** XVI аср француз шоири Пьер де Ронсар ёзган:

«Мен 16 та йўлдан ташкил топганман. 16 тасини ўрганиб ўз йўлимни топганман. Йўлларимнинг равон бўлишига ҳаракат қиласман. Халқимнинг йўлда одашмай юришини ва бу йўлни ҳурмат қилишларини, уни бузмасликларини талаб қилдим».

**Савол: бу қайси йул?**

759. Пол ва Линда Маккартни, Жон Леннон ва Йоко Оно, Салвадор Дали ва Елена Дьяконова, Радион Шедрин ва Мая Плисецкая, Лерри Фонтенски ва Элизабет Тэйлор. Бу машҳур эр-хотинларни мұхым үхашашлиги бор.

*Савол: қандай?*

760. «Умримнинг асосий қисмини одамларга завқ багишилашга, уларнинг бүш пайтларини мароқді үтказишга сарфладим. Бунинг звазига улардан лаънат эшийтдим, холос» Бу Америка фуқаролигини олиб, уларни доимо дикқат марказида бұлған кишиининг сұzlари эди.

*Савол: унинг миллати, исм-шарифини топинг.*

761. 2006 йили Маркос Понтес ўз мамлакатининг биринчи космонавти деб зәтироф этилди. У эса, интервьюларидан бирида 1974-77-йилларда бошқа ватаңдоши биринчи космонавт бұлғанини киноя қылади.

*Савол: у қайси давлат фуқароси, ватаңдоши ким?*

762. Тарихчиларнинг ёзишича, Римдан сұнг улар Прага шаҳри күчаларида қурилған. Уларни қоровуллар құриқлашаади. Уни қурдирған император Рудольф шаҳарнинг юзи деб атаган.

*Савол: император нимани шаҳарнинг юзи деб атаган?*

763. АҚШ конгрессменлари ҳар йылғи бюджеттақсимотида жануб ва шимол мавзусига тұхталишади. Гап шундаки, жануб ҳам, шимол ҳам аниқ бир обьект. Лекин жануб учун ҳар йили шимолдан күра уч баровар күп молия ажратылади.

*Савол: ҳар иккала обьект номини топинг.*

764. Канадалик Ральор Фрейзер узоқ йиллар давомида «Торонто Мейпл Ливз» хоккей жамоасида, «Торонто Близзаррдс» футбол жамоасида «Торонто Блюз Джейс бейсбал» жамоаларида үйнаган. Гарчи биронта гол урмаган бұлса ҳам ҳамма торонтолик мұхлислар уни жуда яхши танишади ва ҳурмат қилишади.

*Савол: Рольф Фрейзернинг машҳурлыги нимада?*

765. Үрта асрларда Англияда жуда оғир қонунлар ҳукм сурған. Деярли ҳар куни оғир жиноят қылған маңбуслар майдонда қата қилинген. Ұлыми олдидан маңбуснинг сұнгти илтимоси қондирилған. Күп маңбуслар хор ижросидаги «Адашғанлар йўлин худо ўзи тўғриласин» номли қўшиқни сўрашган.

*Савол: улар нега айнан шу қўшиқни сўрашган?*

766. XVII асрда яшаган шифокорнинг сумкасида турли хил дорилар, пахта, бинтга үхщаш тоза мато, пичоқ, бигиз ва ҳ.к. бўлган. Тажрибали шифокорларда яна иккита нарса бир иш учун олиб юрилган.

*Савол: биринчиси бир шиша ром, иккинчиси нима бўлган?*

767. Корейсларда шундай афсона бор:

Корея биринчи ҳукмдорининг ўғли етти ёшигача гапирмаган экан. Бир табиб уни етти ёшида гапиртириб, мамлакатнинг энг обрули кишисига айланган.

*Савол: ривоятда тилга олинган табибининг фамилияси ким?*

768. Германия билан Франция чегарасидаги бу шаҳар қадымда Аргентика деб ҳам аталған. Кейинчалик бу шаҳар ёнига катта күча қурилади. Шундан бери бу шаҳар «йўл ёқасидаги шаҳар» номини олган.

*Савол: қайси шаҳар?*

769. «ДКВ», «Хорх», «Вандерер».

*Савол: тұрткынчи фирма номини топинг.*

770. Меъморларнинг фикрига күра, бундай ҳудудларда қурилажак бинолар ёғочдан бұлиши керак. Асоси чуқур ва бақувват бұлиши мақсадға мувофиқ. Пойдеворни ердан баландроқ күтариш ҳам талаб этилади.

*Савол: қаерда қурилажак бинолар қақида ғап кетмоқда?*

771. Унинг буткул ишга тушган санаси 1078 йил ҳисобланади. У ерга аввал зоопарк қурилған, кейинчалик обсерватория, ҳатто қамоқхона, ҳозир эса у ерда ҳудуднинг қимматбаҳо тошлари сақланади.

*Савол: қайси жой?*

772. Владимир Дағылдыштың бир сүзининг бир неча русча синонимлари көлтирилған: чирла, скородумка, скороспелка, желтоглазка.

*Савол: бу сүзларнинг узбекчасини топинг.*

773. Үткір Ҳошимов бир асарида энгосон пишадиган таом нима? деган саволга одамлар турлича жавоб берганини, аммо 12 ёшли бир қишлоқ боласининг жавоби ҳаммасиникидан тұғри бұлып чиққанини ёзади. Яна шуниси ҳам борки, болакайнинг таоми учун фақат битта у зарур бұлади.

*Савол: болакай қайси таом номини айтган?*

774. Александр Македонский бу ишни ҳарбий нұқтаи назардан кундалик одатта кириктегендегі Юнонлар мотам күнлари уни қилишганды, римліклар аксинча, мотам күнларида уни қилишмайды. Африканус бу ишни күнде бажарған илк римлік ҳисобланади.

*Савол: у қандай иш?*

**775.** Куба раҳбари Фидель Кастро бу лойиҳани амалга ошириш учун ҳар йили бюджетдан' анчагина пул ажратарди. Кастро лойиҳа Кубанинг асосий даромад манбаига айланиши керак, дер эди. Лойиҳа «Океан Кубани қутқаради» деб номланган. Лойиҳа иштирокчилари хавфсизлик хизмати назоратида бўлишлари шарт бўлган.

*Савол: лойиҳа иштирокчилари нима иш билан шугулланишади?*

**776.** Бомбей шаҳрида Ҳиндистондаги барча тил, лаҳжа, шева, диний йўналиш ва мазҳабларни ўрганувчи илмий тадқиқот маркази жойлашган. Шунинг учун тиашунос ва диншунос олимлар Бомбей шаҳрини ... (учта нуқта) деб атасади.

*Савол: марказ нима деб аталади?*

**777.** Унинг на туғилган йили, на үлган йили маълум. У умри давомида кўп жасоратлар, кўрсатган, кўп ёвузларни енгтан; муштиё кучи билан эмас, интеллекти ва ички овози билан. Турли сиқувлар оқибатида ўз юртини ташлаб, бошқа давлат фуқаролари учун хизмат қилган. Характери нозик, қайсар ва бироз киборли.

*Савол: таъриф кимга берилмоқда?*

**778.** 1662 йили италиялик философ Домаскин меланхоликлар И ни, холериклар Е ни, флегматиклар О ни, сангвиниклар А ни кўп ишлатишларини исботлаб берган.

*Савол: темперамент соҳиблари бу ҳарфларни қачон ва қайси ҳолатда ишлатишган?*

**779.** Кока-коланинг радио реклама ролигидан: Миллард йил олдин ер юзида инсон пайдо бўлган. Миллиардсония олдин «Биттаз» мусиқий революцияни

амалга оширган. Миллиард стакан кока-колани ичиш учун шунча вақт кетади.

*Савол: қанча вақт?*

**780.** Бешта устуни жадвалнинг биринчи устунида исм-фамилиялар, улар орасида АҚШ президенти, полъшалик революционер, англиялик ҳарбий, ҳатто ўзбекистонлик спортчилар ҳам бор. Иккинчи, учинчи, тўртингичи устунлардა йил, ой, кунлар. Бешинчи устунда эса битта сўз ёзилган.

*Савол: қайси сўз?*

**781.** Одатда шанба кунлари театр, кино заллари тўла бўлади. 1998 йил 4 июл шанба куни Германия кинотеатрлари деярли бўм-бўш бўлди. Эртаси куни эса кинотеатрларга тушувчилар сони ҳар кунгидан ҳам кўпайгани кузатилади.

*Савол: шанба кунин нима воқеа бўлди?*

**782.** Латифа:

— Мен хоҳлаган одамни, хоҳлаган бино-ю дарахтни қўлимнинг учи билан оёгини осмондан қилиб ташлайман.

— Сиз кунфучимисиз.

— Йўқ, мен...

*Савол: у ким?*

**783.** Хитойда шундай гап бор:

«У ишни ота-онанг ҳаётлигида қилиб ол, йўқса бойиб кетсанг у ишни қилиш янада қийинлашади».

*Савол: ота-она ўлгунча ё ўзи бойиб кетгунча нима ишга рухсат бўлган?*

**784.** Абдулла Қодирий «Гирвон қишлоқлик Маллабой» қиссасида илк паровоз Гирвон қишлоғидан утишини эшигтан ҳалқ ўзича паровозни жонзот деб

тасаввур қилиб, унга аatab айримлар бир нарса ҳам күтариб олишган эди.

*Савол: нима олиб чиқишиган?*

**785. Абдураззоқ Самарқандий ёзади:**

Шамол турған күнлари,  
У шамолдан ҳам тез юрар.  
Қанот ёзса атайин  
Пайкондан ҳам төз учар.

*Савол: бу шеърий топишмоқ нима ҳақида?*

**786.** У ҳамма инсонларда ҳам учрамайди. У истеъдодиларда анча кам учрайди. Агар ҳамма истеъдодиларда у бўлганида ривожланиш даражаси бир неча баробар ўсган бўларди. Лекин даҳоларда у кўп учрайди.

*Савол: у нима?*

**787.** 1910 йили жадидчиларнинг таъсис кенгashi чақирилиб, жуда кўп ҳолатлар келишиб олинган. Жадидчилар сафига кимларни оламиз, миалат, ирқ ўрини эгаллайдими йўқми, каби ұнлаб масалалар ҳам қилинган. Аммо бир масалада ҳамфикр була олмай туришганда, масъул шахслардан бири даврада ўтирганча Чўлон ва Беҳбудийлар номини келгиради. Ҳамма ҳар иккиси билан боғлиқ ҳолатни Матькуллайди.

*Савол: қайси масала устида тортишув бўлган?*

**788.** Наполеон сиёсий томондан кучли бўлиш учун кўп газета ўқиган. Ўзини жисмонан чиниқтириш учун ҳар хил ҳашаротларни, ҳатто оз миқдорда маргимуш ҳам еб турған. Жанг олдидан ўзини жангга маъниавий тайёрлаш учун эса император у ишни қиласан.

*Савол: Наполеон ўзини жангга қандай тайёрлаган?*

789. Наполеон хуфиялари Москвада камбагаллар сони ошганини, пул қадрсизланганини ва яна бир иқтисодий ҳолатни унга баён этишади. Наполеон энди уруш бошлаш мүмкін деган қарорға келади. Чунки бу учала ҳолат пайдо бұлғанда халқни енгіш осон, дейді.

*Савол: учинчи ҳолатни топинг.*

790. «Уруш ва тинчлик» романыда: «Хеч ким кекса момолардек беморға яхши қарай олмайды. Беморға қараб үтириш үта зерикарлы иш. Аммо кекса момолар зерикишмайды, чунки улар ...

*Савол: фикрни давом эттириңг.*

791. Лондондаги иккита касалхона қаршингизде турибди. Улардан бири XIX асрда, иккінчеси XX аср охирларыда қурилған. Ташқи томонидан қараганда бири янги бино, иккінчеси эски. Аммо эски бинода бир алоқида белгі бор, у бир қарагандаёқ билинади.

*Савол: нима билинади?*

792. Шахматчи жақон чемпиони бұлғанда азал-азалдан унга лавр гулчамбари кийгизилади. Лекин негадир 1972 йили Рейкьявиктеги жақон чемпионатыда голибға оқ қайиндан гулчамбар кийгизилған.

*Савол: нега?*

793. Тасаввур қилинг, турмуш ўртогингиз билан түйга кетяпсиз. Уйдан чиқа туриб, у шимингизга түкилиб кетди. Шунда химчисткада ишлайдиган онанғиз валериянка күтариб чиқиб шимингизни тозалади.

*Савол: шимга нима түкилған?*

794. 1881 йил илк бор Берлинде қурилған бу йүл ирландиялық инженер номи билан юритилади. Ҳозир ҳам бундай йүлларни күп ерларда күриш мүмкін.

Ўзбекистон ҳудудида бундай йўлларни фақат Тошкентда кўриш мумкин.

*Савол: Ирланднинг фамилияси ким?*

**795.** XIX асрда ёзилган бир туркум асарларда унга шундай таъриф берилган: 1878 йили Лондонда үқиши тутатган. Уйланган, фарзандлари йўқ. Партиясиз. Афғонистонда урушда қатнашиб, икки бор жероҳатланган. Яхши регбичи ҳам бўлган.

*Савол: унинг касбини ё фамилиясини топинг.*

**796.** Европаликлар асосан XVIII асрдан бошлаб Хитой ҳудудига кириб кела бошлаган. Хитойликлар фикрича, европаликлар анча жаҳдор халқ эди.

*Савол: нимага асосланиб улар бу фикрга келишган?*

**797.** Н.В. Гогол «Қадимги помешчиклар» асарида бир от ҳақида ёзиб, у от 1810 йилдан 1816 йилгача кўнгилли халқ дружиналарида хизмат қилганини ёзган. Аммо кўнгилли халқ дружиналари бошқа бир сўз билан таърифланган.

*Савол: қайси сўз билан?*

**798.** Куръонда учта жонзотнинг ўлгани ҳаром ҳисобланмайди, дейилади. Биринчиси — асалари.

*Савол: иккинчи ва учинчисини топинг.*

**799.** Гайднда у рақам 30, Кромвелда — 24, Шекспирда — 23, Гитлерда — 20, Франклинда — 16, Бисмаркда — 1.

*Савол: рақам ва инсонларни бирлаштирувчи сабабни битта сўз билан топинг.*

**800.** У юлдузни бизда Зуҳро, қадимги Римда Сириус леб аталади. У юлдузнинг лотинча атамасидан кўпроқ Мактаб болалари манфаатдордирлар.

**Савол:** Зуҳро юлдузи лотинчасига нима деб аталади?

**801.** Гёте уни немис халқининг гурури, ифтихори, қолаверса, отаси деб атаган. У қарийб 40 йил бир хил вақтда туриб, бир хил вақтда ухлаган, бир пайтда тушлик қилиб, бир пайтда сайд қилган. Одамлар унга қараб соатларини түгрилашган. У ҳақиқий аслзода немис эди.

**Савол:** Гёте кимни немис халқининг отаси деб номлаган?

**802.** Ёзувчилар унинг муаллифи бўлмайди, у доимо ҳаммуаллифликда яратилади, дейишади. Балки салбий ҳолатни акс эттиргани учун ҳам унга муаллиф топилмас. Унинг пайдо бўлиши учун энг камидა иккита одам зарур.

**Савол:** у нима?

**803.** Айрим йирик супермаркетларда улар кечгача 100 килодан ошиқ йигилиб қолади. Ҳар еттинчи инглиз уни ортиқча нарса сифатида ташлаб юборишини айтган. Аммо ҳамма жойда уни бирдек мамнун қабул қилювчи инсонлар тоифаси мавжуд.

**Савол:** улар кимлар?

**804.** Уттан йили Владивостокдаги бир ҳажвий журнал 1 апрел куни бир сурат чиқарди. Унда поезд тасвиirlаниб ёнига Владивосток — Хайшинвей деган йўналиш кўрсатиб қўйилган эди. Бу ҳақиқатанам кулагили эди.

**Савол:** сабабини топинг.

**805.** Хорхе Лопес Борхес «Сирли ёзувлар» ҳужжатли асарида инсонлар билан боғлиқ энг ҳаяжонли, қизиқ ҳодисаларни ёриттан. «Кўзи ожизлар у рангни мутлақо фарқлашмайди», деб ёзган эди у.

*Савол: қайси рангни?*

**806.** Кўп нарсаларга қизиқувчан бўлган бир одамнинг сўзлари:

«Аввал Хвалисса кўчасидан ўтдим, сунг рўпарамдан Стеболь номли кўча чиқди. Охирида Гундустан кўчаси орқали ниятимга етдим».

Бу ерда кўча сўзи бошқа бир сўз билан алмаштирилган.

*Савол: уша кўча ўрнидаги сўзни ва у одамни топинг?*

**807.** Табиатнинг қизиқ ҳодисаларидан:

Буффало — Гамильтон трассасидан май-июн ойларида ўтсангиз фақат ёмгирга дуч келасиз. Энг қизиги, 20-25 км.гача фақат ёмгири ёгиб туради.

*Савол: ниманинг ҳисобига ёгингарчилик рўй беради?*

**808.** Буюк Британиянинг Тиббиёт академияси қошида турли жамиятлар иш олиб боради. Масалан, терапевтлар, жарроҳлар, акулистлар, дантистлар, донорлар, ҳамширалар ва ҳ.к. Ҳамма жамиятларнинг ўз эмблемалари ҳам бор. Рентгенологлар жамиятининг эмблемаси — қуёш.

*Савол: иккита лола япроги тасвириланган эмблема остида қайси соҳа вакиллари иш олиб борадилар?*

**809.** Тунгусларда эгизак фарзанд тугилса, уларга 9 йилдан кейингина исм қўйилади. Иккита исм танланиб, иккаласига қуръа асосида ном берилади. Қуръада ютиб чиққани каттаси ҳисобланиб, ютқизгани кичиги деб зълон қилинади. Айнан шу жараёнда уларга исм қўйилади.

*Савол: уларга нима деб исм қўйилади?*

810. Борис Бурданинг фикрича, агар Ньютон фалон шаҳардаги богда бўлганида, тортишиш кучи қонунини кашф қилиш у ёқда турсин, узини үнглаб ҳам ололмасди, дейди.

*Савол: қайси шаҳар назарда тутилмоқда?*

811. Будапештлик инженер Помлер узоқ уринишлардан кейин аэрозоль баллончалари ичига қўшиладиган қимматбаҳо фреон үрнини босувчи экологик тоза моддани таклиф қиласди. Уни қўшгач аэрозолни бемалол, қанча бўлса ишлаб чиқариш мумкин бўлди.

*Савол: Помлер фреонни нима билан алмаштиришни таклиф қилган?*

812. Бу футбол командаси Россияда бўлганда «зелёный лес», бизда бўлса «яшил ўрмон» деб аталган бўларди. Гарчанд у давлат фуқаролари хулқи немисларга яқин бўлса ҳам Германияда бу команда «Грюквад» деб аталган бўларди.

*Савол: жамоа аслида қандай аталади?*

813. Бу интернационал атама аввал почта соҳасида пайдо бўлган, ҳозир эса жуда кўп соҳаларда қўлланилади. Бирор нома ва хабарни зудлик билан етказища у усул қўл келган.

*Савол: қайси интернационал сўз сўралмоқда?*

814. Сергей Есениндан бир аёл альбоми учун 4 қатор шеър ёзиб беришини илтимос қиласди. Есенин узини қанча олиб қочса ҳам у аёл қўймайди. Охири рози бўлиб, ҳатто Пушкин, Байрондан утказиб жуда чиройли шеър ёзиб беради. Аёл эса уни ўқиб тоза хафа бўлади. Чунки шоир шеър остига ўз исм-шарифини қўймасдан, бошқа иккита сўзни ёзиб қўяди.

*Савол: Есенин нима деб ёзган?*

**815.** 1962 йилда АҚШда жуда катта миқдорда қалбаки пуллар ишлаб чиқарған гурух құлға олинади. Пуллар жуда үхшатиб ишланғани ва қогози билан ажралиб туради. Ҳақиқий доллар қогозларининг қаердан олингани маълум бұлғач, бу ишда бир қанча соҳа кишилари қатнашғани маълум бұлады.

*Савол: улар қогозни қаердан олишган?*

**816.** Қуйидаги ёзувчи-шоир, ижодкор рус фамилияларини ёзиб олинг:

Цветаева, Куприн, Бунин, Алексей Толстой, Горький. Уларнинг ҳаётини яхши биласиз. Рұйхатда бир ҳолат бүйіча кимдір ортиқча.

*Савол: ким ортиқча ва нима учун?*

**817.** Париж, Лондон, Лос-Анжелес, Инсбурк, Лейк-Плэсид, Сэнт-Мориц.

*Савол: бир соҳада уларга бас келадиган ва бу кетма-кетликни тұлдирағынан яна бир пойтахт шаҳар номини топинг?*

**818.** Инглиз профессори Жорж Буль математика ва мантиқ соқасининг ривожланишига катта ҳисса құшған олим. Буни күпчілік билмаслығы мүмкін. Бироқ унинг бешинчи қызы ёзған асарлари бешта қитъада ҳам машҳур. Айниқса, бир ҳашарот номи уни машҳур қилиб юборди.

*Савол: Жорж Булнинг бешинчи қызининг фамилияси ким?*

**819.** Бу үйин анжомлари ҳатто Миср фирмалари қабрларидан ҳам топилған. IV-V асрларда Герман Қабилалари у үйинни диний маросим пайтларида ҳам үйнашған. Френсис Дрейк, Мартин Лютерлар бу үйиннинг усталари бұлишған. Британияда деңқонларға бу үйин таъқиқланған, негаки иш қолиб улар үша үйин майдоныда күп вақтларини үтказишған. Үйин

майдонининг ҳажми — бўйи 59 ярим фут, эни 5 ярим фут.

**Савол: уйин бугун қандай номланади?**

**820.** Шопенгаур фикрича, исоният доимо икки ўт орасида яшайди. Биринчиси — инсон бошига энг кўп савдолар соладиган етишмовчилик. Иккинчисини Харуки Мурагами бир асарида уни баҳтсиз инсонларнинг баҳтсизлиги, деб таърифлаган.

**Савол: иккинчи ўт нима?**

**821.** 1999 йили Дюссельдорфда гайри табиий кўргазма бўлиб ўтди. У ерда асосан суратлар намойиш этилиб, суратларда ҳар хил шаҳарлардаги бир хил объектлар тасвиранган. Дрезден, Барселона, Бухарест, Москва даги бир эмас, учта объект тасвиранган. Бундай суратлар сони 65 тадан ортиқ экан. Агар бу кўргазма 2005 йилдан кейин бўлганда Ўзбекистонда ҳам бир объект бу рўйхатдан жой олиши мумкин эди.

**Савол: кўргазманинг номини топинг?**

**822.** Япония, Германия каби давлатларда Ватан туйгуси кучли. Давлатнинг барча раҳбарлари ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган автомобилларда юришади. Ватанпарварлик туйгуси борасида Африкадаги бу давлат амалдорлари ҳам қолишимас экан. У давлат амалдорлари «Форд» ва «Субару»нинг фақат битта маркасида юришади.

**Савол: Африканинг қайси давлати ҳақида гап кетмоқда?**

**823.** 990 раҳами бу комедияни сал бўлмаса фожиага айлантирай деган. Айнан қарама-қаршиликка ҳам ўша раҳам сабабчи.

**Савол: қайси комедияни?**

824. 2006 йил якунига кўра Англияда 1-рақамли спорт тури — футбол, Покистонда — чим хоккейи, Саудия Арабистонида — түя пойгаси, Монголияда эса у — спорт.

**Савол: қайси спорт?**

825. 1930 йилларда автомобиль пойгалари қатъий қонунлар асосида ўтказила бошланди. Шундан кейин негадир «Мерсадес-Бенц» компаниясининг автомобили маълум вақт давомида фақат «Мерседең-Бенц» белгиси билан иштирок эта бошлади. Тасаввур қилинг, темир корпус устида фақат «Мерседес-Бенц» эмблемаси бор, холос. Бўялмаган.

**Савол: компания автомобилини шу кўринищда иштирок этишига нима сабаб бўлган?**

826. Бу фирманинг пайдо булишига икки жентельменнинг Цинцинаттида ўтган кўргазмадаги учрашуви сабаб бўлган. Биттаси совун, иккинчиси шам ишлаб чиқарган. Уларнинг биргалиқда очган фирмалари 170 йилдан бери фаолият юргизиб, йиллик даромадлари 30 миллиард долларни ташкил этмоқда.

**Савол: икки жентельменнинг фамилиясини ёзиб беринг.**

827. Унинг Ватани — Италия. Ҳатто номи ҳам итальянча. Унинг имкониятларидан биринчи бўлиб ва энг кўп ибодатхоналар фойдаланган. Уйғониш даврида протестантлар билан қарама-қаршиликлар у ерда акс этган.

**Савол: у нима?**

828. Айнан барокко усулидан тарқалган бир усул ҳақида шундай маълумотлар бор: унга меъмор Беато Анжелико да Фьюзоле асос солди. У черковдаги барокко усулидан нусха кўчирди, кичик ҳажмдаги Тасвиirlарни катталаштириб чизиш орқали ўз усулини

яратди. У усулини үзининг узундан узун исми шарифи билан номлайди.

*Савол: меъмор яратган усулини топинг?*

**829.** Унинг исми Яков, отасининг исми Василий бўлган. Петербургдаги касалхоналарда ишлаган, кейин Саратовга келиб стоматологлик қилиб кун кечирган.

*Савол: Яков Васильевичнинг фамилиясини айтинг?*

**830.** Бугун театр саҳнасида микрофонлар саҳна тепасида осилиб туради.

*Савол: Қадимги Юнонистонда овоз кучайтиргич вазифасини нима утаган?*

**831.** У Мисрда юонон, ҳаваскор артистлар оиласида туғилган. У ўз даврининг буюк санъаткори бўлди. Ҳозир унинг суратлари асосан реклама маҳсулотларида учрайди.

*Савол: унинг исми шарифини топинг?*

**832.** Америка сканвордларида берилган топишмоқлардан: қоронги хонадаги оқ дастурхонда бир ярим соатлик лаззат.

*Савол: топишмоқни иккита сўз билан якунланг.*

**833.** Гиннес рекордлар китобининг дарахтлар бўлимида энгёши улуг дараҳт деблотин Америкасидаги секвойя дараҳти қайд этилган. Энг чиройли дараҳт деб сосна (қарагай) кўрсатилган. Саҳрои Кабирдаги бир пальма дараҳти ҳам Гиннесга киритилган.

*Савол: пальма қайси ном остида китобга кирган?*

**834.** Бельгияда монарх тузуми кучга киргач, 1931 йилда мамлакатта қирол сайланди. Орадан икки йил утиб Англия қироли унга нома жўнатиб табриклайди:

«Сэр, мана энди ҳақиқий қирол бұлдингиз. Табриклайман», деб.

**Савол:** нега икки йилдан кейин ҳақиқий қирол бұлды?

**835.** Сумо кураши 2000 йилдан ошиқ яшаб келмоқда. Айтишларича бу кураш тури синтоистлар дини билан bogliq. Undagi ҳаракатлар синтоизм динидан кирган дейилади. Дин пешволари XIX асргача бу курашни аёллар томоша қилишини тақиқлашган. Ҳозир эса аёллар томошага бемалол киради.

**Савол:** дин пешволари аёлларнинг қайси салбий сифатларига асосланиб уларни томошага киритишмаган?

**836.** Полусладкое винода 5 фоиздан 12 фоизгача шакар борлиги кузатылади. Сладкое винода 20 фоизгача. Агар винода 21 фоиздан 35 фоизгача шакар бұлса, унда у вино змас ...

**Савол:** нима деб аталади?

**837.** Гутенберг босма дастгохини жуда катта пул ҳисобига қуради. Бунинг учун күп қарз ҳам олади. Шунда бир табиркор дүсти қарздан қутулиш учун айнан уни босиб чиқарып сотишини таклиф қилади. Ҳақиқатан ҳам Гутенберг тезда қарzlаридан узилади.

**Савол:** ниманинг ҳисобига?

**838.** Юнон тилида талоқ «холл» деб аталади. Аммо инсон танасида қора талоқ мавжуд.

**Савол:** талоқ юнончада «холл» бұлса, қора талоқ қандай аталади?

**839.** 2001 йили Голландиядан Монголияга уларнинг 40 таси қайтарилди. Бугун уларга Монголиянинг гурури ва ифтихори деб қаралмоқда.

Савол: уларни иккита сүз билан номларини ёзиб беринг?

840. Латифа:

— Мен негадир үзимни ёмон ҳис қиляпман, иситмам бор шекилли.

— Ҳечқиси йүқ. Битта сакраб олсанг үзингіта келасан.

Савол: латифадаги беморни топинг.

841. Яқында София Ротару Сибирда концерт берди. Қүшиқчига концертдан кейин уни совга қилишди. Қарангки, Ротару дағы ұловларының әкканаң зерттесінде жуда яхши униб кетди.

Савол: қүшиқчига Гагаринга боялған нима совга қилинген?

842. Бу машхур рус актёри 1928 йыл 25 апраеда Москвада туғилған. У Бондарчук ұам, Никулин ұам, Смоқтуновский ұам әмас.

Савол: бұ актёр ким?

843. Шымолий Кореяда бозор ойнинг фақат I, II, 21 саналарида булып үтар экан. Бу 1990 йилларға оңд маълумот.

Савол: у пайтларда бозор нега ойнинг I, II, 21 кунларида бұлған?

844. 1985 йил сўровномасидан:

Сўралғанларнинг 20 фоизи қалин муқовали китоблардан, 10 фоизи туалет қоғозининг үрамидан, 5 фоизи аквариумдан фойдаланар экан. Қирқ фоизи эса тузланған бодрингдан бұшаган идишни маъқул күрган. Аммо үша даврнинг машхур кинокомедияси бошқа жойни тавсия этади.

Савол: қаерни?

**845.** Англияда у касб эгалари анча обрўли бўлишган. Улардан ҳатто ҳукумат раҳбарлари қам чўчиб туришган. Қадимги Истроида уларнинг вазифасини хоҳдаган киши бажарган. Германияда энг ёш уйланган киши, Қадимги Римда эса чиновниклар уларнинг ишини бажарган..

**Савол:** нимани яратилиши Англияда уларнинг ишсиз қолишига сабаб бўлди?

**846.** Боксчи Виталий Кличко Германияда жуда катта обрўга эга. Ўзининг ташқи кўриниши ва спортдаги ютуқлари билан германияликлар қалбидан чуқур жой эгаллаган. У спорт ва табиат мавзусида докторлик диссертациясини ҳам ёзяпти. Немислар унга эркала, улуглаб бир илий лақам қўйишган.

**Савол:** қандай?

**847.** Корейслар ўз юртини Чосон деб атайди. Бирмаликлар — Мьянма, немислар — Дойчланд деб атайди.

**Савол:** қайси давлатни маҳаллий аҳоли Шкин торюси деб атайди?

**848.** Лесото, Сан-Марино. Бир-биридан анча узоқ давлатларнинг бир ухшашлиги мавжуд.

**Савол:** яна қайси давлат бу рўйхатда туриши мумкин ва уларнинг ухшашлиги нимада?

**849.** Қадимги юнонлар бир маъбудни шу ном билан аташган, тропик денгизларда яшовчи бир қушга ҳам шу ном берилган. У бир пайтлар транспорт воситаси бўлгану, бугун ўз ўрнини янги транспорт уловларига бўшатиб берган. Яқинда германиялик мутахассислар уни янги, замонавий, учқурини яратишиди.

**Савол:** германиялик мутахассислар қайси компанияда ишлашади?

850. Уинстон Черчилль ёш журналист сифатида бир давлатда бир неча йил ишлаган. У умрининг охиригача ушбу сафарини ёдга олиб юрган.

*Савол: у қайси давлатда сафарда бўлган?*

851. Рус подшоси Александр I Екатеринбург шаҳрига боради. Уни шаҳар аёnlари кутиб олишади. Бу ердаги чиновникларни кузатиб, ёнидаги шеригига французчалаб: «Мен буларни кўргандим, ҳа-ҳа яқиндагина кўргандим» дейди ва А.С. Пушкинга қойил қолади.

*Савол: подшонинг кўрганларига Пушкиннинг нима алоқаси бор?*

852. 1811 йили Санкт Петербург камер театридаги бир воқеа сабаб, актёрлар орасида гап пайдо бўлган: театрда саҳна ҳам йўқ, саҳна орти ҳам йўқ, ложа ҳам йўқ, балкон ҳам йўқ, ҳаммаёқ партер.

*Савол: актёрлар қачон бу гапни айтишади?*

853. Бастакор Верди: «Ҳар бир мусиқани ёзаётганимда уни ҳис қилиб тураман. У ҳам партиянинг бир қисми. Айрим ерларда уни мусиқага мажбурлаб киргизаман ҳам. «Травиата» балетида ундан кўп фойдаланганман», деб ёзган.

*Савол: қандай овоз ҳақида гап кетмоқда?*

854. XVIII асрда Филиппин ҳудудини эгаллаган испан қироли Нарцисс Клаверия туб аҳолини ўзига тобе қилиш учун шундай усул қўллаганки, Филиппинда бутунгача унинг қонун изларини кўриш мумкин.

*Савол: Нарцесс Клаверия туб аҳолини Испанияга тобе қилиш учун аҳоли ўртасида нимани оммалаштирган?*

855. Испания, Мексика, Лотин Америкасининг кўпгина давлатларида коррида ўйини жуда кенг

тарқалған. Коррида — бұқалар жанги. Хавфсиз бұқалар жанги Азор оролларида бұлыб үтади. Үнда туристлар ҳам бемалол қатнаша олади.

**Савол: уни бошқа корридалардан фарқи нимада?**

